

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

Улуғбек Каримов

**Электрон библиографик ресурслар
яратиш технологияси
ва
манбалари**

Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти

2006

Мазкур монография “Кутубхонашунослик ва ахборот тизимлари” таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларга, “Ахборот тизимлари ва жараёнлари” мутахассислиги бўйича ўқиётган магистрантларга ҳамда ўз кутубхоналарини “ИРБИС” тизими асосида автоматлаштираётган кутубхоначи мутахассисларга мўлжалланган. Монографияда “ИРБИС” тизими асосида библиографик ресурслар яратиш технологияси, интернетнинг библиографик ресурслари ҳамда “EBSCO” маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятлари батафсил келтирилган.

Масъул муҳаррирлар: техника фанлари доктори
М.А. Раҳматуллаев,
социология фанлари доктори,
профессор
М.Б. Бекмуродов

Такризчилар: техника фанлари доктори,
профессор
М.З. Якубова,
физика-математика фанлари номзоди,
доцент
А.Ш. Муҳаммадиев

© Ўзбекистон Республикаси ФА
“Фан” нашриёти 2006 йил.

Сўз боши

XXI – аср - илмий-техника инқилоби мислсиз суръатларда илгарилаётган давр. Ахборот ресурслар ҳажмининг кундан-кунга ортиб бориши фойдаланувчиларнинг улардан фойдаланиш имкониятини чекламоқда. Жамиятнинг ахборотлашувида ахборотлар манбаи бўлмиш кутубхоналарни ахборотлаштириш кун тартибидаги ҳал қилиниши долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Кутубхона ресурсларини автоматлаштирилган ҳолда бошқариш, фондларни фойдаланувчиларга тақдим қилишда, китобхонларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатлар билан турли соҳалардаги алоқаларнинг кундан-кунга ривожланиши мамлакатлар орасида ахборот алмашувини ҳам кучайтирмоқда. Кутубхона ахборот ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланишнинг бугунги кундаги эҳтиёжи кутубхоналарда автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимларини татбиқ қилишни тезлаштиришни талаб қилмоқда. Ўзбекистон кутубхоначилиқ ишининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, технологияларнинг автоматлаштириш даражаси жуда паст, шу сабабли ҳам китобхонларга замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатиш имкониятлари тўлиқ яратилмаган.

Ахборотлашган жамиятни шакллантиришда кутубхона технологияларини автоматлаштиришнинг ўрни беқиёсдир, зеро Республикамиз президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Бугунги халқаро ҳаёт, кишилиқ тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.¹» Ахборот асрида, ахборотларни сақловчи асосий муассаса бўлмиш кутубхоналарни автоматлаштирилган тарзда бошқариш муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал қилиш йўллари, самарали ечимларини излаш ва кутубхоначилиқ ишига татбиқ қилиш замон талабига айланди.

Ахборот технологиялари ва компьютер коммуникация тизимларини барча соҳаларда, хусусан, кутубхона тизимларида кенг қўллаш ҳозирги вақтда долзарб вазифага айланди. Бугунги кунда республикадаги 25 дан ортиқ кутубхоналарда ИРБИС тизими қўлланилмоқда, аммо кутубхоналарнинг ходимлари учун ИРБИС тизимини ўзлаштиришда ёрдам берувчи ўзбек тилида ёзилган қўлланма мавжуд эмас. Республикамиз кутубхоналари учун олий маълумотли кутубхоначилар тайёрлайдиган ягона олий ўқув юрти ўқув режасига “ИРБИС асослари” ўқув курси киритилган бўлсада мазкур курс бўйича ўзбек тилида ўқув қўлланмаси ва дарслик яратилмаган. Ҳолбуки, бундай қўлланма яратиш эҳтиёжи пайдо бўлди, зеро бугунги кунда электрон каталог маълумотлар базасини тўлдириш билан шуғулланувчи каталоглаштирувчилар учун у асқотиши мумкин.

ИРБИС тизими кутубхона технологияларини автоматлаштиришга мўлжалланган бўлиб, уни ихтиёрий даражадаги ва типдаги кутубхонага татбиқ қилиш мумкин. Тизим - бундай тизимларга қўйиладиган халқаро талабларга жавоб беради, яъни библиографик ёзувларни алмаштиришга мўлжалланган

¹ Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат қилсин // Тафаккур.- 1998.-№ 2.-Б. 5.

MARC форматлар ва халқаро стандартлар талабларига жавоб беради. У нашрларнинг барча хиллари ва кўринишларини тасвирлай олади. Тизим интерфейси фойдаланувчининг эҳтиёжларига максимал яқинлаштирилган, шунинг учун ҳам, уни ўзлаштириш осон. Тизим технологияси, ахборотларни клавиатура орқали киритишни максимал қисқартириш ва содалаштиришга йўналтирилган бўлиб, айти пайтда аниқ бир фойдаланувчининг даражаси, эҳтиёжлари ва кутубхоналардаги каталоглаштириш анъаналари ва талаблари мос ҳолда нашрларни тўлиқ тасвирлаш имкониятини беради. Тизим бир томондан, кутубхона ходимларининг анъанавий каталоглардан адабиётларни қидиришнинг анъанавий ёндашувларини сақлаб қолган бўлса, иккинчи томондан электрон каталогдан фойдаланиш орқали, жуда кўп имкониятлар яратади, кутубхонага тушаётган ҳужжатларга ишлов бериш, фондни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш (адабиётларни рўйхатдан ўчиришни ҳам ўз ичига олади) китобхонларга адабиётларни бериш ва қайтариб олиш жараёнлари ҳам автоматлаштирилган.

ИРБИС тизими анъанавий кутубхоначилик функцияларининг деярли барчасини, фондни бутлашдан тортиб то, китоб беришгача, ҳисобга олиш ва ҳисобот беришгача, ОЎЮ кутубхоналарида кўп нусхали адабиётларни бериш ва китоб билан таъминланганлик даражасини аниқлашгача бўлган масалаларни камраб олган.

Монографиянинг биринчи боби электрон библиографик ресурслар яратиш технологиясига бағишланган бўлса, иккинчи боби бевосита жаҳондаги энг йирик электрон библиографик ресурслар манбаларига таалукли бўлиб, унда АҚШ, Европа ва Россиядаги интернет орқали тақдим қилинган кутубхоналарнинг электрон каталоглари тўғрисида сўз боради. Қўлланманинг учинчи бобида, EBSCO тўлиқ матнли маълумотлар базасидан (ёки уни баъзида “Электрон кутубхона” деб ҳам таърифлашади) фойдаланиб, маълумотлар қидириш усуллари ёритилган.

Мазкур монография, талабалар, магистрантлар, аспирантлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда кутубхоналарни автоматлаштирувчи мутахассислар учун фойдали бўлади деган умиддамиз.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат
Маданият институти проректори, социология
фанлари доктори, профессор М.Б. Бекмуродов,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси директори, социология фанлари
доктори, А.А. Умаров

1 БОБ. ЭЛЕКТРОН БИБЛИОГРАФИК РЕСУРСЛАР ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1. Кутубхоналар учун дастурий таъминот бозори

Автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимлари (АКАТ) учун дастурий маҳсулотлар бозори ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб фаол ривожлана бошлади. Унда Россия ва хорижий мамлакатларнинг ишлаб чиқарувчилари очик рақобатга киришмоқдалар.

90-йилларнинг ўрталарига қадар Россияда ишлаб чиқарилган КАТ лар фақат локал ҳисоблаш тизимларида ишлашга мўлжалланган эди. Уларда тизимнинг MS-DOS ва Windows файл-серверли архитектураси фойдаланилар эди. 90-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб интернет технологиясини қўллаб-қувватловчи модуллардан фойдаланиш бошландики, бу ўз навбатида маълумотлар базасига WWW-сервер орқали, 1999 йилдан бошлаб эса Z39.50 сервер орқали кириш таъминланди.

Россияда ишлаб чиқилган КАТлар «Комплектатор», (фондни бутловчи), «Каталогизатор», (каталоглаштирувчи) ОПАС, «Книговыдача», (китоб бериш), «Администратор», «Читатель», (китобхон) модуллардан иборат. Бу ерда шуни алоҳида қайд қилиш керакки, уларнинг барчаси зарур чиқиш формаларини экранда ва қоғозда шакллантириш имкониятига эга. Аммо уларнинг барчасига хос бўлган бир камчилик ҳам мавжудки, у анъанавий қоғоз карточкали каталоглардан бутунлай воз кечиш имкониятини бермайди.

Бир қатор йирик кутубхоналар Россия Давлат кутубхонаси, ГПИБ, ВГБИЛ, Томск университет кутубхонаси ва бошқалар хорижий мамлакатлар дастурий воситаларидан LIBER, VTLS, TINLIB, ALERH дан фойдаланишмоқда. Аммо кутубхоналарга мўлжалланган бу дастурий воситалар Россияда ва МДХ да кенг тарқалмади, бунинг сабаби биринчидан уларнинг нархи анча қимматлигида бўлса, иккинчидан уларнинг Россия кутубхона технологияларига (стандартлари ва форматларига) мосланмаганлигида эди. Бу дастурларни кутубхоналарга татбиқ қилиш катта куч ва маблағ талаб қилар эди. Бу жиҳатдан олиб қараганда Россияда ишлаб чиқилган тизимларнинг бир қатор

афзалликлари кўринар эди. Уларда бизнинг мамлакатимиз учун ҳам хос бўлган кутубхона технологияси асос қилиб олинган ва хорижий мамлакатлар КАТ ларига қараганда нархи ҳам анча арзон эди. Аммо Россияда яратилган КАТлар бир қатор параметрлар бўйича (ишончлилиқ, технологиявийлик, интернетга чиқа олиш имконияти, фойдаланувчининг интерфейсидаги қулайликлар) хорижий мамлакатлар КАТларидан ортда қолмоқда. Бунинг асосий сабаби молиявий инвестициянинг етарли эмаслиги ва кутубхоналар тўлов имкониятларининг жуда пастлиги билан изоҳланмоқда.

90-йилларнинг ўрталарида Россияда клиент сервер архитектурасига ва маълумотлар базасини бошқариш тизимининг (МББТ) юқори синфига тегишли ORACLE, MS SQL ларга асосланган замонавий тизимларнинг янги авлодларини яратишга киришилди. Улар интернет технологияларига йўналтирилган бўлиб, авторитет файллар, MARC форматлар ва истиқболли XML, SGML, PDF стандартлар билан ишлай оладилар. Бу соҳада эришилган муваффақиятлардан бири сифатида Россиянинг “ДИТ-М” компанияси томонидан ишлаб чиқилган ОПАС-Global маҳсулотини кўришимиз мумкин. У Россиянинг "ЛИБНЕТ" дастури талаблари асосида ва Россия Миллий кутубхонасининг мутахассислари билан яқин ҳамкорликнинг маҳсули бўлди.

ОПАС – Global – интеграл автоматлаштирилган кутубхона тизими бўлиб, Web –технология ва system software DBMS ADABAS и Text Retrieval System га асосланган ҳамда электрон кутубхона яратишга мўлжалланган. Тизим чекланмаган сондаги қатнашчилар учун реал вақт режимида Web-броузер орқали корпоратив иш юритишни таъминлайди. ОПАС – Global ўз ичига қўйидаги тизимостиларга эга: Web-каталоглаштириш, Web-қидирув, Web-буюртма, ҳужжатларни электрон тарзда етказиб бериш. 2001 йилдан бошлаб тизим UNICODE билан ишлай бошлади. Россиянинг бир қатор кутубхоналари ОПАС-Global дан фойдаланишмоқда. РНБ, ГЦНМБ, Саха-Якутия, Свердловск ва Челябинск худудий илмий кутубхоналарида бу маҳсулот татбиқ қилинган. Россия Миллий кутубхонаси (РНБ)нинг электрон каталоги ОПАС-Global муҳитида шакллантирилган, унда предмет рукнлари, жамоа ва индивидуал муаллифларнинг авторитет файллари мавжуд.

Бугунги кунда дастурий воситалар бозорида кутубхона технологияларини автоматлаштиришга мўлжалланган жуда кўплаб тизимлар таклиф қилинмоқдаки, улар орасидан Ўзбекистон кутубхоналарига мос келадиган тизимни танлаш анча мураккаб ишга айланган [17,18]. Умуман олганда автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимига қандай таъриф бериш мумкин. Агарда биз автоматлаштирилган ахборот тизимига [3] да келтирилган таърифни эсласак “Асосий ахборот жараёнлари: ахборотларни йиғиш, ишлов бериш, сақлаш, қидириш ва узатишни автоматлаштириш имкониятини берувчи дастурий, техник, ахборот, лингвистик, ташкилий-технологик воситалар ҳамда ходимлардан иборат комплексга” автоматлаштирилган ахборот тизими деб таъриф берилган. Мазкур таърифни бемалол автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимларига нисбатан ҳам ишлатса бўлади зеро кутубхонада юқорида келтирилган 5 та асосий жараёнлар мавжуд. АКАТ, тизимдан фойдаланувчиларнинг турли хилдаги касбий масалаларини ечишга

мўлжалланган [19, 10]. Автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимини график шаклдаги кўринишини 1-расмда келтирамиз. Графикдан кўринадик АКАТ ўзаро боғлиқ 6 та қисмдан иборат бўлиб, у ўз ичига техник, дастурий, ташкилий-технологик, ахборот ва лингвистик воситалар ҳамда мазкур тизимдан фойдаланувчи ходимларни олади. АКАТларни яратиш тамойиллари Я.Л. Шрайбергнинг [20] ишида батафсил келтирилган. Мазкур ишда муаллиф автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимларини яратишда талаб қилинадиган 10 та тамойилни келтиради. АКАТ схемасидан кўринадик кутубхоналарни автоматлаштиришга мўлжалланган тизим, АКАТнинг асосий компоненталаридан бири экан. Қуйида биз ана шундай тизимлар бозоридаги дастурий махсулотларнинг техник ва дастурий характеристикалари асосида уларни таққослаб, Ўзбекистон кутубхоналари учун қайси тизимдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Кутубхоналарни автоматлаштиришга мўлжалланган тизимлар бозорида Россияда ва бошқа ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқилган тизимлар тақдим қилинмоқда. Булар:

- «MARC SQL» НПО «Информсистема» - Москва;
- «ИРБИС» ГПНТБ – Москва;
- «Библиотека-2000» НБ МГУ - Москва;
- «Руслан» – С. Петербург, Техника Университети;
- «ОРАК» «ДИТ-М» - Россия;
- «АС Библиотека» - Россия (ГИВЦ) Маданият вазирлиги;
- «Фолиант» - Карелия Республикаси Миллий кутубхонаси – Россия;
- «OPAC Global» - Белгород ш. Россия;
- «LiberMedia» - Франция;
- «ALEPH» - Исроил ва бошқа Ғарб мамлакатларда яратилган тизимлар (VTLS, DYNIX).

Бугунги кунда кутубхоналарда кенг татбиқ қилинаётган, кутубхоналарни автоматлаштиришга мўлжалланган тизимлардан бир нечасининг техник ва дастурий характеристикалари 1-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўринадик уларнинг деярли барчаси кутубхоналарни комплекс автоматлаштиришга мўлжалланган бўлиб улардаги функционал имкониятлар бир хил. Тизимлар архитектураси ҳам деярли бир хил: «Клиент сервер». Таҳлил қилинган тизимларнинг барчаси библиографик ёзувларни алмаштиришнинг халқаро талабларга жавоб беради, штрих кодлардан фойдаланиш имконияти мавжуд. Тизим томонидан тайёрланадиган чиқиш формаларини ҳам ихтиёрий шаклда қоғозда босиб чиқиш мумкин. Шундай экан мазкур тизимларнинг қайси бири Ўзбекистон кутубхоналари учун маъқул, кутубхоналарни автоматлаштирувчи тизимни ўз кучимиз билан яратишимиз керакми ёки тайёр тизимни сотиб олиб уни Ўзбекистон кутубхоналарига мослаштирган мақсадга мувофиқми? Келинг бу саволга жавоб беришга уриниб кўрайлик.

Кутубхоналарни автоматлаштиришга мўлжалланган тизим яратиш учун қанча маблағ керак? Ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кутубхона жараёнларини автоматлаштирувчи тизим

яратиш учун [19] камида 5 та мутахассис (2 та дастур тузувчи, каталоглаштирувчи, кутубхона технологиялари бўйича мутахассис ва бошқалар) жалб қилиниши лозим. Компьютерлар учун жиддий дастурий воситалар яратувчи фирмалар фаолиятига назар солсак, бир дастурни яратиш учун одатда камида 2 дастурчи жалб қилинади (дастурчилар жуфтлиги-парное программирование). Дастур яратиш анча мураккаб ва ўта юқори малака талаб қилганлиги боис, иш давомида бир дастур тузувчи бирор-бир сабаб билан ишни давом эттириш имкони бўлмаганда иккинчи дастурчи ишни ниҳоясига етказиши мумкин. Айни пайтда яратилган тизимни доимий равишда ривожлантириб туриш ҳам талаб этиладики, кутубхоналарни автоматлаштиришга мўлжалланган тизимларни ривожлантириш фақатгина уни яратган муаллифлар иштирокидагина катта самара бериши мумкин. Ахборот технологиялари тарихида бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. КАТ яратиш учун камида 5 йил вақт керак бўлишини назарга олган ҳолда ҳар бир мутахассисга 100\$ маош белгиланса, тизим яратиш учун фақат маошнинг ўзига $5 \cdot 100\$ \cdot 12 \text{ ой} \cdot 5 \text{ йил} = 30\,000 \$$ сарф бўлар экан. Бу харажатга электр энергияси, интернет хизматлари, компьютер ва бошқа қурилмалар ҳамда дастурий воситалар (Маълумотлар базасини бошқариш тизими - МББТ) учун сарф бўладиган харажатларни ҳам киритсак КАТ учун қанча маблағ кераклигини тахминан ҳисоблаб кўриш мумкин.

Ўзбекистон кутубхоналари учун қайси мамлакатларда ишлаб чиқилган КАТни танлаш мақсадга мувофиқ? Бугун дастурий воситалар бозоридаги КАТнинг таклиф қилинаётган нархларини таҳлил қиладиган бўлсак, Европа ва Ғарб давлатларида ишлаб чиқилган КАТнинг баҳоси анча қимматлиги эътиборимизни тортади. Бунинг сабаби, биринчидан дастур тузувчилар меҳнатига тўланадиган ҳақнинг ўта юқорилиги, иккинчидан МББТ нархининг ҳам анча баландлигидир. Бу икки фактор КАТларнинг баҳосини ташкил қилувчи асосий компоненталардир. Россияда ишлаб чиқилган КАТ лардан бири ИРБИС асосида CDS/ISIS МББТ ётади шу сабабли ҳам бу тизимнинг баҳоси бошқаларга нисбатан анча арзон. Бунинг сабаби CDS/ISIS МББТ ЮНЕСКО томонидан жаҳондаги барча кутубхоналарга текин тарқатилган тизимдир. КАТ танлаганда унинг яна бир хусусиятига эътибор бериш керак. У ҳам бўлса КАТ қайси технология асосида яратилган. Бизга маълумки, Ўзбекистон кутубхона технологиялари асосан, Россия кутубхона технологиялари билан бир хил. Фондни бутлаш, каталоглаштириш, китобхонларга хизмат кўрсатиш технологиялари Европа ва АҚШ кутубхоналарида Ўзбекистондагидан бошқача шу сабабли, Ғарбда ва Европада яратилган КАТларни Ўзбекистон кутубхоналарига мослаштириш анча мураккаб, бу иш амалга оширилганда ҳам дастур тузувчилар доимий равишда кутубхоналарда бўлиб керакли тузатишларни киритиб боришларига тўғри келади. Бундан хулоса қилиш керакки: КАТнинг баҳоси янада юқори бўлади. Шундай қилиб кутубхона технологиялари, Ўзбекистон кутубхона технологияларига мос келувчи тизимларни танлаш ва уларни Ўзбекистон кутубхоналарига мослаб жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Демак, Россияда ишлаб чиқилган КАТларга диққатни қаратиш, улар орасидан ўзимизга мосини (иктисодий ва технологик

жихатдан) танлаб, Ўзбекистон кутубхоналарда жорий қилишга тавсия этишга уриниб кўрайлик. 1-жадвалга мурожаат қиламиз, бу ердан кўринадикки Россияда ишлаб чиқилган КАТларнинг функционал имкониятлари ва уларнинг библиографик ёзувларни алмаштириш жараёнида халқаро талабларга жавоб бериши деярли бир хил. Штрих кодли технология билан ҳам барча КАТ лар ишлай олади. Қидирув имкониятлари ҳам бир хил. КАТ лар орасида мактаб кутубхоналарини автоматлаштиришга мўлжаллангани “MARC SQL” эканлиги кўриниб турибди, ҳақиқатдан ҳам “MARC SQL” Россия мактабларининг жуда кўпчилигида татбиқ қиланган.

1-жадвал. Кутубхоналарни автоматлаштирувчи тизимларнинг дастурий-техник жиҳатдан қиёсий таққослаш

Техник ва дастурий харақтеристикалар	МАРК SQL	ИРБИС	Руслан	Библиотека 2000	Фолиант	LiberMedia
Функционал имкониятлари	Кутубхона жараёнларини комплекс автоматлаштириш	Кутубхона жараёнларини комплекс автоматлаштириш	Кутубхона жараёнларини комплекс автоматлаштириш	Кутубхона жараёнларини комплекс автоматлаштириш	Кутубхона жараёнларини комплекс автоматлаштириш	Кутубхона жараёнларини комплекс автоматлаштириш
Архитектура	Клиент-сервер	Ирбис 32 – файл сервер; Ирбис 64 Клиент сервер	Клиент-сервер	Файл сервер, Интернет учун иловада клиент-сервер	Клиент-сервер	Клиент-сервер
МББТ (СУБД)	Access, MS SQL, Oracle 8i	CDS/ISIS	Oracle 8i	DBF файллар	Oracle 8i	Advanced Pick – D3
Дастурлаш тили	C++(Microsoft Visual C++) Asp-технология	Pascal, C++, Delphi	Pascal, C++, Delphi	Clipper (Visual Objekts), Интернет учун иловада-Java	Маълумот йўқ	Маълумот йўқ
Интерфейс	График, деразали, менюлардан фойдаланади, фирманинг ўз ишланмаси	График, деразали, менюлардан фойдаланади, фирманинг ўз ишланмаси	График, деразали, менюлардан фойдаланади, фирманинг ўз ишланмаси	График, деразали, менюлардан фойдаланади, фирманинг ўз ишланмаси	График, деразали, менюлардан фойдаланади, фирманинг ўз ишланмаси	Дастур интерфейси FoxPro интерфейсига ухшаб кетади. Менюлардан фойдаланилади. Фирманинг ўз ишланмаси.
КАТ таркибига кирувчи модуллар	Администратор, Каталоглаштирувчи, ОРАК да кидирув, Абонемент, Комплектатор, Китоб билан таъминлаш. Хужжатларни эл.шаклда етказиш	Администратор, Каталоглаштирувчи, Китобхон, Китоб бериш, Фондни бутлаш.	Администратор, Комплектатор/Каталогизатор, Китобхон (НТТР-Шлюз 39.50), Китоб бериш	Тизимда модуллар алоҳида ажратиб кўрсатилмаган.	Администратор, Каталоглаштирувчи, ЭКда кидирув, Фондни бутлаш, Китобхонларни ва китоб беришни ҳисобга олиш, Кутубхоналараро абонемент, Китоб билан таъминланганлик	Фондни бутлаш, каталоглаштириш, маълумотномаларни юритиш, библиографик ёзувларни кидириш ва алмаштириш, китобхонлар ва китоб беришни ҳамда қайтариб олишни ҳисобга олиш, Кутубхоналараро абонемент, чиқувчи формалар, статистика ва бюджетни босиб чиқариш.
Ички формат	USMARC, реляцион жадваллар	UNIMARC	RUSMARC, реляцион жадваллар	USMARC, DBF файллар	RUSMARC	USMARC

Маълумотларни импорт /экспорт	USMARC, RUSMARC, UNIMARC, HTML, матнли	UNIMARC, USMARC, RUSMARC, MARC21, матнли	USMARC, RUSMARC, UNIMARC, HTML, матнли	USMARC, RUSMARC, UNIMARC.	USMARC	USMARC
Ахборотларни химоя қилиш ва кириш ҳуқуқи	Операцион тизим, МББТ, АКАТ воситалари, кириш ҳуқуқи чекланган	Операцион тизим, МББТ, воситалари, пароллар тизими, кириш ҳук. чекланган	Операцион тизим, МББТ, АКАТ воситалари, кириш ҳуқуқи чекланган	Операцион тизим ва пароллар воситалари.	Маълумот йўқ	Операцион тизим, МББТ, АКАТ воситалари, кириш ҳуқуқи чекланган
Қидирув имкониятлари	Библиографик тасвир майдонлари ва унинг ихтиёрий элементлари бўйича	Библиографик тасвир майдонлари ва унинг ихтиёрий элементлари бўйича	Библиографик тасвир майдонлари ва унинг ихтиёрий элементлари бўйича	Библиографик тасвирнинг белгилаб қўйилган майдонлари бўйича.	Библиографик тасвир майдонлари ва унинг ихтиёрий элементлари бўйича	Библиографик тасвир майдонлари ва унинг ихтиёрий элементлари бўйича
Лингвистик таъминот	Луғатлар, рукнлар, классификаторлар, тезауруслар	Луғатлар, рукнлар, классификаторлар, тезауруслар	Луғатлар, рукнлар, классификаторлар, тезауруслар	Луғатлар, рукнлар, классификаторлар, тезауруслар	Луғатлар, рукнлар, классификаторлар, тезауруслар	Луғатлар, рукнлар, классификаторлар, тезауруслар
Электрон коллекциялар яратиш	Тўлиқ матнли, мультимедиали ресурслар	Тўлиқ матнли, мультимедиали ресурслар	Тўлиқ матнли, мультимедиали ресурслар	Маълумотлар йўқ	Тўлиқ матнли, мультимедиали ресурслар	Тўлиқ матнли, мультимедиали ресурслар
Штрих кодли технология	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд
Ихтиёрий кўринишдаги чиқиш шакллари яратиш	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд	Маълумотлар йўқ	Мавжуд	Мавжуд
Қарздорларни назорат қилиш	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд	Маълумотлар йўқ	Маълумот йўқ	Маълумот йўқ
Таълим тизимида хос тайёр шакллар мавжудлиги	Мавжуд	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Маълумот йўқ	Йўқ
КАТ ни маълум бир функцияларга созлаш	Модулларга кириш, турли экран формаларида тақдим қилинаётган ёзувларга кириш ҳуқуқини чеклаш функциялари.	Модулларга кириш, турли экран формаларида тақдим қилинаётган ҳужжатларга кириш ҳуқуқини чеклаш функциялари.	Берилган функциялар, модуллар ва кириш ҳуқуқини чекловчи функциялари	Режимларни созлаш функцияси	Модулларга кириш, турли экран формаларида тақдим қилинаётган ҳужжатларга кириш ҳуқуқини чеклаш функциялари.	Маълумот йўқ



1-расм. Автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизими

Бундай ҳолда қайси бир КАТни танлаш мақсадга мувофиқ? Умуман олганда. КАТ лари танлашда нималарга эътибор бериш керак? Бу соҳада етарлича тажрибага эга Россиялик мутахассис Б.И. Маршак фикрича [19] КАТ тизимларни танлаганда биринчи навбатда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. КАТ ишлаб чиқарувчи фирма;

2. Тизимга холис баҳо бериш:

Тизимнинг халқаро талабларга жавоб бериши;

Эргономик хусусиятлари:

Тизимнинг мослашувчанлиги;

Чеклашларнинг мавжудлиги;

Тезлиги;

Лингвистик таъминот;

Тизимнинг кутубхона типига мослашувчанлиги;

Тизимдан фойдаланувчиларни ўқитиш тизимининг мавжудлиги;

Маркетинг;

Тизим сервис ва у билан боғлиқ дастурий воситалар “Демо-версиянинг” мавжудлиги.

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон кутубхоналарида татбиқ қилиш учун Россияда ишлаб чиқилган ИРБИС тизимини тавсия қилган бўлар эдик. Мазкур тизим Россиянинг Оммавий илмий техника Давлат кутубхонаси (ГПНТБ) да ишлаб чиқилганлиги сабабли, уни кутубхоначиларнинг ўзлаштириши анча осон. Электрон шаклдаги барча ҳужжатларнинг қоғоз кўринишини ҳам босиб чиқариш мумкин. Тизимнинг бу хусусияти уни Ўзбекистон кутубхоналарида татбиқ қилиш имкониятини кенгайтиради, зеро кутубхоналаримизнинг жуда кўпчилигида қоғоз жисмли каталоглардан фойдаланилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 25 дан ортиқ кутубхона ИРБИС дан фойдаланмоқда. Республика Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси қошида “ИРБИС мактаби” ишлаб турибди. ИРБИС тизимидан Ўзбекистонда дастлабки йиғма электрон каталог яратишда ҳам фойдаланилмоқда. Ахборот технологиялари университети кутубхонаси ҳам бир неча йиллардан бери мазкур тизимдан фойдаланмоқда. Тизим ишлаб чиқарувчилари томонидан Интернет тармоғида тизимни кутубхоналарга татбиқ қилиш бўйича доимий семинарлар, интернет форумлар ва масофадан ўқитиш ташкил қилинган.

Нима учун КАТни сотиб олиш ва тезда кутубхоналаримизда татбиқ қилиш зарурати туғилган? Кутубхоналаримизни автоматлаштиришга мўлжалланган ўз миллий тизимимизни яратишимиз керакми? Юқорида биз КАТ яратиш учун камида 5 йил вақт ва тахминан қанча маблағ кераклигини кўрсатиб ўтдик. Кутубхона фондини очиб берувчи электрон каталог яратиш ва унинг маълумотлар базасини тўлдириш ишини 5 йил кейинга суриб бўлмайди. Ахборотлар оқимининг кундан-кунга ортиб бориши электрон каталог маълумотлар базасини тўлдиришни мушкуллаштиради. Шу сабабли ҳам

тезликда тайёр КАТ сотиб олиш ва унинг базасини библиографик ёзувлар билан тўлдиришга киришиш керак. Албатта кутубхоналарни автоматлаштиришга мўлжалланган ўз миллий тизимимизни яратиш керак, акс ҳолда биз хорижий тизимларга боғлиқ бўлиб қоламиз ва сотиб олинган тизимнинг янги ривожлантирилган вариантларини сотиб олиш учун бир умр маблағ ажратиб боришга тўғри келади. Миллий КАТ яратиш учун қандай ишларни бажариш керак? Фикримизча Ўзбекистонда миллий КАТ яратиш учун дастлаб қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

- Кутубхоначилик ишига оид стандартлар тизимини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва татбиқ қилиш;
- Миллий каталоглаштириш қоидаларини халқаро каталоглаштириш қоидалари асосида ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва татбиқ қилиш;
- Миллий каталоглаштириш қоидалари асосида каталоглаштириш ва коммуникатив форматларни ишлаб чиқиш;
- Авторитет файллар форматини ишлаб чиқиш ва авторитет ёзувлар МБ яратиш;
- Республикада нашр қилинаётган китоблар учун ISBN – китобнинг халқаро стандарт номерини жорий қилиш;
- Штрих кодлаш технологиясини кутубхоналарда жорий қилиш;

Ўзбекистонда АКАТ яратиш учун юқорида кўрсатилган ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин:

1. Кутубхоналарни автоматлаштиришга мўлжалланган тизимларни танлаганда дастлаб ишлаб чиқарувчи фирма фаолияти ва унинг дастурий воситалар бозорида қандай иш олиб бораётганлигини таҳлил қилиш керак. Тезда очилиб, тезда ёпилиб кетадиган фирмалардан сотиб олинган дастурий воситалар аксарият ҳолларда сифатсиз бўлади ва кейинчалик улардан фойдаланишда катта муаммолар пайдо бўлади;
2. Тизим маълумотлар базасини импорт-экспорт қилиш хусусиятини чуқур ўрганиш зарур. Ички ва ташқи маълумотларни айрибошлашга мўлжалланган форматлар халқаро талабларга жавоб берадиган бўлиши жуда муҳимдир. Бундай хусусиятлардан маҳрум тизимлар фақатгина локал масалаларни еча олади;
3. Функционал имкониятлари бир хил тизимларни таққослаганда, тизимни кутубхоначи ходимлар томонидан ўзлаштирилиши, яъни ўқитиш тизимининг мавжудлигига эътибор қаратиш лозим, зеро ўқув курсларининг (масофадан ўқитиш тизими) ва ўқув адабиётларининг мавжудлиги тизимни кутубхоналарда самарали татбиқ қилишнинг гаровидир;
4. Тизим танланаётганда эътиборга олиниши лозим бўлган кўрсаткичлардан яна бири - бу унинг “Очиқ тизим” га хос бўлган хусусиятларидир. Тизим

бирор бир кутубхонага татбиқ қилинаётганда тизим маълумотномасига маҳаллий маълумотларни киритиш имконияти мавжуд бўлиши ва керакли ҳолларда тизимга фойдаланувчиларнинг талабига кўра ўзгартиришлар киритиш осон бўлиши керак;

5. Тизим танлаётганда дастлаб унинг “Демо-версияси” билан танишиш, унинг барча имкониятларини тўлиқ ўрганишга шароит яратади.

Куйида кутубхона технологияларини автоматлаштиришга мўлжалланган бир неча тизимларни кўриб чиқамиз.

1.1. Кутубхонани автоматлаштирувчи тизим (КАТ)

МАРК-SQL

МАРК-SQL таркиби ва йўналиши

КАТ МАРК-SQL ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқлари асосида кутубхона фаолиятини комплекс автоматлаштиришга мўлжалланган бўлиб, у куйидаги модуллардан иборат:

- «Администратор»;
- «Каталогизация»- Каталоглаштириш;
- «Комплектование»- Фондни бутлаш;
- «Поиск»- Қидириш;
- «Абонемент»- Абонемент;
- «Книгообеспеченность»- Китоб билан таъминланганлик;
- «МАРК-SQL Internet»- Интернетга чиқиш;
- «Провайдер базы данных»- Маълумотлар базасининг провайдери.

Принципиал хусусиятлари

- «клиент-сервер» архитектурасидан фойдаланиш;
- турли МББТ лар билан ишлай олиш;
- очик стандартлардан фойдаланиш;
- дўстона графикли интерфейс;
- ўрнатишнинг осон ва содда бажарилиши;
- кутубхоналарнинг турли типи ва технологик хусусиятларига мослашувчанлик;
- тизимни созлаш қулай ва эгилувчан хусусиятга эга;
- UNICODE дан фойдалана олади;
- RUSMARC, USMARC, UNIMARC - халқаро коммуникатив форматлар билан ишлай олади;
- Z39.50 протоки ва WEB-технологиялари асосида корпоратив тармоқда интеграллаша олади;
- кўпчилик интерфейсни қўллаб-қувватловчи воситалар мавжудлиги;

- чекланмаган сондаги электрон каталогларни қўллаб-қувватлайди;
- библиографик тасвирнинг ихтиёрий элементи ва уларнинг турли комбинациялари бўйича қидирув бажара олади;
- штрихкодли технологияни қўллаб қувватлайди.

Функционал имкониятлари

«Администратор» модули

- ҳисобга олиш ёзувларини яратиш;
- фойдаланувчиларнинг тизим ресурсларига кириш ҳуқуқларини бошқариш;
- тизим ресурсларини сақлаш тузилмасини аниқлаш;
- тизимий журналларни юритиш;
- фойдаланувчилар учун қулай муҳит яратиш (электрон каталоглар, экран формалари, ёзувларни таҳрирлаш воситалари ва бошқалар);
- маълумотномалар, рукнлар, таснифлагичлар, тезаурусларга боғлана олиш;
- босқичма-босқич технологияси асосида кутубхона жараёнларини созлаш.

«Каталогизация» (каталоглаштириш) модули

- электрон каталогни юритиш;
- турли ҳужжатлар билан ишлай олиш;
- чиқиш формаларининг стандарт кўринишдаги тўлиқ комплектини (каталог карточкалари, формулярлар, китобхон талаблари, бюллетенлар, библиографик кўрсаткичлар) шакллантириш ва босиб чиқиш;
- инвентар рақамли ва инвентар рақамсиз ҳисоб олиб бориш;
- адабиётларни ҳисобдан чиқариш;
- мультимедияли ва тўлиқ матнли ресурсларни шакллантириш;
- даврий нашрларга обуна бўлиш;
- гуруҳли тўғрилаш;
- турли кўринишдаги ҳисоботни яратиш;
- фонд бўйича статистик маълумотларни олиш;
- MARC-формат асосида библиографик ёзувлар импорт/экспорти.

«Комплектование» (фондни бутлаш) модули

- дастлабки библиографик тасвирларни яратиш;
- янги адабиётларни ҳисобга олиш;
- йиғма ҳисобга олиш китобини юритиш;
- турли ҳисоботга оид ҳужжатларни шакллантириш;

«Поиск» (қидириш) модули

- зарур адабиётларни қидириш, кўриб чиқиш ва уларга буюртма бериш;
- буюртма берилган ва берилган адабиётларни кўриб чиқиш ва босиб чиқариш;
- тўлиқ матнли ва мультимедияли ресурсларни кўриб чиқиш;
- фойдаланувчилар учун қулай шаклда ахборотларни олиш.

«Абонемент» модули

- китобхонлар маълумотлар базасини юритиш;
- адабиётларни бериш ва қайтариб олиш;
- адабиётлар бўйича қарздорларни тезкорликда аниқлаш;
- адабиётлардан фойдаланиш статистикаси;
- истеъмолчилар эҳтиёжини ўрганиш.

«Книгообеспеченность» (китоб билан таъминланганлик) модули

- ОЎЮ таркибини аниқлаш (факультетлар, кафедралар, таълим йўналишлари, ихтисосликлар, фанлар);
- ўқув жараёнини адабиётлар билан таъминланганлиги тўғрисидаги статистик маълумотларни шакллантириш;
- фанлар бўйича китоб билан таъминланганлик тўғрисидаги маълумотларни тезкорликда кафедраларга етказиш;
- талабаларга тавсия этилаётган адабиётлар тўғрисида ахборот бериш;
- ўқув адабиётларини семестрлар, гуруҳлар ва таълим шакли бўйича тақсимланиши тўғрисида ахборот бериш.

«МАРК-SQL Internet» модули

- Интернет орқали кутубхона ресурсларига кириш;
- WEB-технологияси ёрдамида адабиётларни қидириш, кўриб чиқиш ва уларга буюртма бериш;
- ҳужжатларни электрон шаклда етказиб бериш.

«Провайдер базы данных» (маълумотлар базасининг провайдери) модули

- Z39.50 протоколи бўйича маълумотлар базасига кириш.

Техник талаблар

Сервер

Компьютер:	Pentium II от 450 МГц
Оператив хотира:	от 256 Мб
HDD ҳажми	от 10,5 Гб
Операцион тизим:	WINDOWS NT/2000
SQL-сервер	MS SQL 6.5/7.0/2000 Oracle Enterprise Edition for Windows NT Release 8.1.5 Access
Web-сервер	Internet Information Server (IIS)

Клиент

Компьютер:	Pentium от 100 МГц
Оператив хотира:	от 16 Мб
HDD ҳажми	от 1,2 Гб
Операцион тизим:	WINDOWS 95/98/2000

1.2. Мактаб кутубхонасини комплекс автоматлаштиришга мўлжалланган КАТ «МАРК – мактаб кутубхонаси»

Мазкур КАТ таълим муассасалари, илмий услубий марказлар мутахассислари ҳамда кутубхоначилар, ўқитувчилар, лицей, колледж ва ўрта мактаб ўқувчиларига мўлжалланган.

КАТ «МАРК – мактаб кутубхонаси» билан ишлаётган мактаб кутубхоначиси қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

- мактаб кутубхонасидаги мавжуд китоблар, ўқув адабиётлари ва бошқа ахборот манбаларининг электрон каталогини шакллантириш;
- масофадан туриб маълумотлар базасига кириш;
- ўқув адабиётлари билан таъминланганликни аниқлаш мақсадида мактаб тузилмаси ва ҳар бир синфдаги ўқувчилар тўғрисидаги ахборотларни киритиш;
- китоб бериш жараёнини ҳисобга олишни автоматлаштириш;
- синфлар бўйича адабиётлардан қарздорларни автоматлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш;
- тавсия қилинаётган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда, ўқув адабиётларига буюртма бериш;
- китобхонлар эҳтиёжи тўғрисида ахборот олиш, ўқувчиларнинг китоб ўқишларини таҳлил қилиш;

- ўқув жараёнини дарсликлар ва қўшимча адабиётлар билан таъминланганлиги тўғрисида тезкор ахборотларни тақдим қилиш;
- тайёр шакллардан фойдаланган ҳолда керакли барча ҳисоботларни тайёрлаш.

КАТ «МАРК – мактаб кутубхонаси» билан ишлаётган мактаб ўқитувчиси куйидаги имкониятларга эга бўлади:

- мактаб мавзусига мос бўлган ва дарс машғулотларига керак бўлган адабиётларни электрон каталогдан фойдаланган ҳолда, танлаш;
- мактаб кутубхонасида ва узоқдаги маълумотлар базасида мавжуд бўлган дарсликлар ва тавсия қилинган адабиётлар тўғрисида ахборотлар олиш;
- ўқувчилар ўқиётган адабиётларни таҳлил қилиш;
- кутубхонадан қарздор ўқувчилар тўғрисида маълумот олиш.

КАТ «МАРК – мактаб кутубхонаси» билан ишлаётган мактаб ўқувчиси куйидаги имкониятларга эга бўлади:

- Мактаб кутубхонасининг электрон каталогидан фойдаланган ҳолда, ўзини қизиқтирган мавзу бўйича адабиётларни топиш ва узоқдаги маълумотлар базаларидан керакли маълумотларни кидириш, кўриб чиқиш ва буюртма бериш.

КАТ «МАРК – мактаб кутубхонаси» ни бир компьютерга ўрнатиш ва айти пайтда, мактаб кутубхонасида локал тармоқ мавжуд бўлганда, уни босқичма-босқич локал ҳисоблаш тармоғида ҳам ишлатиш мумкин.

Техник талаблар

Компьютер:	Pentium I
Оператив хотира ҳажми:	16 Мб
Дастурни ўрнатиш учун зарур HDD ҳажми:	30 Мб дан юқори
Операцион система:	WINDOWS 95/98/NT/2000
Видеоадаптер:	SVGA энг камида 800x600 рухсати билан
Сичқонча	
Принтер	
CD-ROM	

1.3. Кутубхонани автоматлаштирувчи тизим - Буки

Тизимнинг умумий характеристикаси. КАТ Буки-унверсал тизим ҳисобланиб, у кутубхона технологияларини автоматлаштиришга мўлжалланган. Бу тизим Россиянинг Ярославл Давлат университетининг техника маркази мутахассислари томонидан яратилган. Унинг асосий иш доирасига кутубхона жараёнларини автоматлаштириш, библиографик маълумотларини сақлаш ва

қайта ишлаш жараёнлари киради. Букининг асосий, ажралиб турадиган ижобий ва устунлик жихати ишланма муаллифларининг фикрича, унинг универсал ва мукамаллигидадир. У асосий кутубхона жараёнларини автоматлаштиришни таъминлайди ва турли йўналишга эга бўлган кутубхоналарга ҳам мос келади. Масалан, иккита фаолият доираси бир-бирига ўхшамайдиган кутубхоналарнинг иккаласи ҳам бу автоматлашган кутубхона тизимидан фойдаланиши мумкин. Уларнинг ҳар бири ўз ички хусусиятлари ва талабларидан келиб чиқиб бу тизимни ўрнатиши мумкин. Яъни автоматлашган кутубхона тизими - Буки турли йўналишга эга бўлган кутубхоналарнинг талабларига жавоб беради. Унинг универсал ва мукамаллиги ҳам шундадир. Автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизими Буки бажарадиган иш, йўналишига кўра, қуйидаги модулларга бўлинади.

1. Каталоглаштириш модули.
2. Инвентар ҳисобга олиш модули.
3. Абонемент ва китобхонлар билан ишлаш модули.
4. Китоб таъминоти модули.
5. Маълумотларни интернетда қидириш модули.

Каталоглаштириш модули. Каталоглаштириш модули имконият доирасига қуйидаги жараёнлар киради:

- Библиографик каталогларни маҳаллий тармоқ ва маълумотлар базаси серверида яратиш ва бошқариш;
- Ихтиёрий, эркин бўлган USMARC, UNIMARC, RUSMARC форматларида MARC ёзувлари билан ишлаш;
- Вақтинчалик каталоглар яратиш, яъни MARK жадваллар яратиш ва уларни асосий библиографик каталоглар билан таққослаш;
- Қидириш, таҳрир қилиш ва библиографик ёзувларни асосий каталоглар ва MARC жадваллар таркибига қўшимча маълумотлар сифатида киритиш;
- Марк ёзувларни гуруҳли тарзда қайта ишлаш, уларни маълум бир системага солиш ва марк ёзувларни экспорт, импорт қилиш;
- Турли хилдаги MARC ёзувларни кўздан кечириш, босмадан чиқаётган формалар, яъни библиографик карточкалар ҳамда янги келган китоблар рўйхати кабиларни ташкил этиш;

Инвентар ҳисобга олиш модули. Инвентар ҳисобга олиш модулининг имконият доираси қуйидагилардан иборат:

- Адабиётларни киритишни инвентар номерли ва инвентар номерсиз тарзда олиб бориш;
- Ҳужжат нусхаларни жойлаштирилишининг ҳисоботи ва уларни сақлаш;

- Китобнинг нархи ва шунга ўхшаш китобни рўйхатдан ўтказиш каби жараёнлар;
- Инвентар номерлар ҳисоботи билан боғлиқ маълумотларни тузиш.

Абонемент ва китобхонлар билан ишлаш модули. Абонемент ва китобхонлар билан ишлаш модулининг имкониятлари қуйидагичадир:

- Китобхонларнинг маълумотлар базаси (китобхонларнинг ўзига хос, бир-бирига ўхшамайдиган хусусиятларини киритиш имконияти бор);
- Китобхонларга берилган адабиётларни қидириш ва йиғиш, уларни кейинчалик фойдаланилишини таъминлаш;
- Абонементда сақланаётган китобларни китобхонларга берилиши ва қайтарилишини кўздан кечириш;
- Кутубхонага аъзо бўлган китобхонлар ҳақидаги барча керакли маълумотлар, қарздорлар рўйхати, шунингдек, кутубхонага қайтарилган китоблар рўйхати каби маълумотларни олиш.

Китоб таъминоти модули. Китоб таъминоти модули олий ўқув юрти кутубхоналарида қуйидаги асосий вазифаларни бажарилишини таъминлайди:

- Олий ўқув юрти факультетлари, кафедралари ва уларнинг ўқув режалари, фанлар каби маълумотларнинг киритилиши;
- Китоб таъминоти учун Буки каталогидан китоблар қидириш ва уларни саралаш.
- Китобларнинг сонига кўра уларни кутубхона бўлимларига тарқатилишини ташкил этиш;
- Барча керакли бўлган аналитик ҳисоботларни тайёрлаш (адабиётлар рўйхати бўйича китоб билан таъминлаш, олий ўқув юртларидаги мутахассислик бўйича ва адабиётлардан фойдаланиш даражаси бўйича китоб билан таъминлаш ва бошқалар), маълумотларни кафедралар, мутахассислик факультетлари бўйича саралаш ва бошқа шу каби имкониятлар ёрдамида ташкил этиш.

Маълумотларни интернет орқали қидириш модули. Мазкур модул маълумотларни Буки каталогларидан интернет орқали қидиришни ташкиллаштиради.

Буки дастурига қўйилган талаблар:

1. Процессор - Pentium
2. Оператив хотира - 32 Мб
3. Қаттиқ дискнинг ҳажми - 500 Мб
4. Операцион тизим - Windows 95,98,2000,XP.

Китоб таъминотининг ҳисоботи модули. Китоб таъминоти бўлими олий ўқув юртлари кутубхоналарига мўлжалланган бўлиб, бу универсал тизим Букининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади ва бу бўлимдан мустақил тарзда фойдаланиш мумкин. У қуйидаги асосий имкониятларга эга:

- Факультетлар, кафедралар, ўқув режалари ва курслар ҳақидаги маълумотнома (справочник) ларни юритиш;
- Ўқув жараёнларида китоб таъминоти тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш учун китоблар каталогини яратиш. Шу билан бир қаторда китоб таъминотига кўра адабиётларни Буки каталогидан қидириш ва саралаш;
- Адабиётга бўлган талаблар рўйхатини ташкил этиш. Бу функция икки альтернатив имкониятга эга;
- Кутубхонада бор бўлган китоблар сонига кўра китобларни тақсимлаш;
- Барча керакли бўлган аналитик ҳисоботларни тайёрлаш(адабиётлар рўйхати бўйича китоб билан таъминлаш, олий ўқув юртларидаги мутахассислик бўйича китоб билан таъминлаш, адабиётлардан фойдаланиш даражаси бўйича китоб билан таъминлаш ва бошқалар), маълумотларни кафедралар, мутахассислик, факультетлар бўйича саралаш ва бошқа шу каби имкониятлар ёрдамида ташкил этиш.

1.4. Кутубхонани автоматлаштирувчи тизим "Библиотека-3"

Тизим тўғрисида умумий маълумот. Кутубхоналарни автоматлаштиришга мўлжалланган "БИБЛИОТЕКА 3" тизими кенг қамровга эга бўлган кутубхона жараёнларини автоматлаштириш масалаларни ечишга йўналтирилган замонавий КАТ лардан биридир. Тизим Россиянинг "Главный Информационно-вычислительный центр Федерального Агентство по культуре и кинематографу" ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган. Тизим қуйидаги модулларга бўлинади.

- "Администратор";
- "Комплектлаш";
- "Каталоглаштириш";
- "Системалаштириш";
- "Китоб сақлаш";
- "Китоб бериш";
- "Абонемент";
- "Китобхон";
- "Қидириш".

КАТ Библиотека-3 "Z – сервер" асосида ишлайди. "Z – сервер" нинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- Тизим иш ўринларидаги терминалларни бир-бирига боғланишини таъминлаш;
- Бошқа автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимлари билан алоқа ўрнатишни таъминлаш;
- Барча тизимга юкланган масалаларни бажарилишини таъминлаш.

Тизимда клиент модулар билан алоқа қилишда стандарт протоколдан фойдаланиш куйидаги имкониятларни тақдим этади.

- Клиент ва сервер ўртасидаги ўзаро барча алоқа жараёнларини ташкиллаштириш;
- Бир вақтнинг ўзида ҳам маҳаллий тармоқда, ҳам интернет тармоғида ишлаш имконияти.

«Администратор» модули

Администратор модулининг вазифалари куйидагилардан иборат.

- тармоқ бўйлаб маълумотлар базаси остидаги тизимли операцияларни бажариш;
- Бутун тармоқдаги маълумотларни талаб қилинган форматга келтириш;
- Фойдаланувчиларга маълумотлар базасига кириш ҳуқуқини берувчи параметрларни ўрнатиш ва тўғрилаш.

Администратор модули куйидаги имкониятларга эга

- Ўзи таъминлайдиган маълумотлар базаси билан алоқа ўрнатиш;
- Ўзи таъминлайдиган маълумотлар базаси хусусиятлари, параметрлари ва категорияларини назорат қилиш;
- Маълумотлар базасида сақланувчи библиографик ёзувлар рўйхатини назорат қилиш, таҳрирлаш ва қайта тузиш;
- Маълумотларни бир форматдан иккинчи бир форматга солган ҳолда бир маълумотлар базасидан иккинчи бир маълумотлар базасига экспорт қилиш;
- Маҳаллий тармоқ маълумотлари базасида сақланувчи маълумотларни гуруҳли тарзда тўғрилаш;
- Фойдаланувчиларнинг категориясига кўра маълумотлар базасидаги маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқини жорий қилиш ва шу билан бирга фойдаланувчилар категорияси таркибини ўзгартириш;
- SQL сўровларини тузиш ва жорий қилиш ҳамда сўров натижаларини текшириш.

«Абонемент» модули

Абонемент модулининг асосий вазифаси кутубхонада абонемент ишини автоматлаштиришдан иборат. Унинг асосий имкониятлари доирасига

қуйидагилар киради:

- Сўралган адабиётни қидириш ва танлаш;
- Китобхоннинг адабиётга бўлган талабини қабул қилиб олиш;
- Сўралган китоб китобхонга топширилганлигини расмийлаштириш;
- Барча китобхонлар талабига кўра берилган нашрлар рўйхати, кутубхонага қайтарилиш муддати ўтиб кетган нашрлар ва китобхон талаби бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларни кўриш;
- Берилган китобларни кутубхона фондига қайтарилганлигини расмийлаштириш.

“Китобхон” модули

Ушбу модулнинг асосий вазифаси фойдаланувчиларнинг маълумотлар базасида қидириш ва уларга ўзгартиришлар киритиш ҳамда электрон кўринишидаги янги ёзувларни яратишдан иборат. Модулнинг асосий имкониятлари.

- Бир вақтнинг ўзида битта сервер асосида бир нечта маълумотлар базасида қидиришни ташкил этиш;
- Бир вақтнинг ўзида бир нечта сервер маълумотлар базасида қидириш;
- Фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотларни ўзгартириш ва уларни маълумотлар базасида сақлаш;
- Маълумотларни ўзгартиришда луғатлардан фойдаланиш.

“Каталоглаштириш” модули

Ушбу модулнинг асосий вазифасига электрон кўринишидаги библиографик ёзувларни маҳаллий тармоқ маълумотлар базасида қидириш, қидириш натижаларини кўрсатиш ҳамда маълумотлар базасидаги библиографик ёзувларни таҳрирлаш, ўзгартириш, сақлаш каби жараёнлар киради. Модулнинг асосий имкониятлари қуйидагилардан иборат.

- Бир вақтнинг ўзида бир сервер асосида бир нечта маълумотлар базасида қидириш;
- Бир вақтнинг ўзида бир нечта сервер асосида маълумотлар базасида қидириш;
- Сўров натижаларини стандартлашган кутубхона форматлари (RUSMARC, UNIMARC, USMARC) ёки текст формати шаклида намоиш қилиш;
- Олинган маълумотларни бир форматдан иккинчи форматга ўтказиш;
- Берилган сўровнинг учта натижасини бир вақтнинг ўзида таҳрирлаш;
- Танланган майдонда берилган сўров натижаларини саралаш;

- Маълумотларни таҳрирлаш, олиб ташлаш;
- Маълумотларни гуруҳли тарзда тўғрилаш ишларини олиб бориш;
- Маҳаллий тармоқ маълумотлар базасидан ўчирилган библиографик ёзувларни қайта тиклаш ва уларни керакли форматга солиб, маълумотлар базасида сақлаш;
- Сўров натижаларини жадвалларда намоиш қилиш;
- Библиографик ёзувларни фойдаланувчи хоҳишига кўра ва библиографик қоидалар асосида шаблонларга жойлаштириш;
- Библиографик ёзувларни ўзгартириш ва уларни маълумотлар базасида сақлаш;
- Электрон каталог яратишда луғатлар ва авторитет файлларидан фойдаланиш;
- авторитет файлларини таҳрирлаш.

“Китоб сақлаш” модули

Китоб сақлаш модули кутубхона фондидаги китобларнинг сақланишини автоматлаштиришга мўлжалланган. Модул қуйидаги асосий имкониятларга эга:

- Китоб бериш ва қабул қилиб олиш жараёнларини автоматлаштириш;
 - Берилган адабиётларнинг қайтарилишини назорат қилиш;
- Модул тўрт асосий режимни ўз ичига олади
- «Китоб бериш» режими – китобга бўлган талаб ва китоб берилишини назорат қилиш ишларини ўз ичига олади;
 - «Китоб қайтариш» режими - китобни қабул қилиб олиш ишларини автоматлаштиришга мўлжалланган;
 - «Назорат» режими - адабиётга бўлган қарздорларни назорат қилиш;
 - «Нашр» режими – нашрлар билан ишлаш ва улар реквизитларини таҳрирлаш ишларини автоматлаштириш.


“Қидириш” модули

Қидириш модулининг асосий вазифаси маҳаллий тармоқдаги маълумот базаси ёки интернет орқали сўроғига электрон кўринишда маълумотлар бериш, сўров натижаларини миқдорга кўрсатиш, олинган натижа асосида адабиётга буюртма беришдан иборат. Қидириш модули қуйидаги асосий имкониятларга эга:


- Бир вақтнинг ўзида бир серверни қўллаб-қувватлаган ҳолда бир неча маълумот баъзасида маълумотларни қидириш;
- Бир вақтнинг ўзида бир неча сервер маълумотлари базасида маълумотларни қидириш;

- Берилган сўров жавобларини стандартлашган форматларнинг бирида (RUSMARC, UNIMARC, USMARC) ёки текст форматда олиш;
- Олинган маълумотларни бир форматдан иккинчи бир форматга ўтказиш;
- Олинган маълумотларни турли хил параметрлар бўйича саралаш;
- Олинган маълумотларни, уларни кейинчалик фойдаланиш учун, ISO-2709 форматида сақлаш;
- Олинган маълумотлар асосида китобларга буюртма бериш.

Адабиётни қидириш усули. Маълумотлар баъзасидаги адабиётни қидириш куйидаги тартибда амалга оширилади.

- Қидириш модулини очиш;
- Ускуналар панелидаги "Найти"(қидириш)  ёки "Правка" (созлаш) менюсидан "Найти" буйруғини танлаш;

Натижада куйида кўрсатилган қидириш бош деразаси очилади.



- Қидириш параметрлари танланади;
- «Сравнение» (таққослаш) майдонидан қидириш натижаларини таққослаш категориялари танланади;
- «Термин» (атама) майдонига қидирилаётган очкич сўзлар киритилади;
- «Усечение» (қисқартириш) майдонидан керакли параметрлар танланади;
- «ОК» тугмаси босилади ва натижада куйида кўрсатилган пароллар деразаси очилади;
- «Пользователь» (фойдаланувчи) ва «Пароль» майдонлари тўлдирилиб «ОК» тугмаси босилади.

“Фондни бутлаш” модули

Фондни бутлаш модулининг асосий иш доираси кутубхона фондига янги китоблар олишни ташкиллаштириш ва расмийлаштиришга қаратилган. Модулнинг асосий имкониятлари доирасига қуйидагилар киради:

- Маълумотлар базасида илгари расмийлаштирилиб, сақлаб қўйилган буюртмаларни қайта кўриб чиқиш;
- **Word** да таҳрир қилинган бланкларда буюртмани расмийлаштириш;
- Буюртманинг бажарилиш ҳолатини кузатиш;
- Кутубхонага олинган китоблар библиографик тасвирини тузиш ва уларни маълумотлар базасида сақлаш;
- Маълумотлар базасига олдин киритилган маълумотларни таҳрирлаш;
- Ўчириб ташланган маълумотлар базасида MARC-форматидаги Z39.50 протоколи асосида маълумотларни қидириш ва кўриш;
- Ўчириб ташланган маълумотлар базасидаги библиографик тасвирлардан нусха олиш ва уларни асосий маълумотлар базасига қўйиш;
- Асосий электрон каталоглар маълумотлар базасига маълумотларни MARC-форматда экспорт қилиш.

“Комплектлаш” модули билан ишлаш асослари

«Комплектлаш» модули ёрдамида MARC ёзувларни бир қанча вариантларда қайта ишлаш мумкин.

- Биринчи вариант: маълумотлар базасидаги маълумотларни таҳрирлаш, уларга қўшимчалар қўшиш ва ўчириш;
- Иккинчи вариант: маълумотлар базасидаги буюртмаларни расмийлаштириш, бекор қилиш ва бошқалар;
- Учинчи вариант: бошқа маълумотлар базасидаги маълумотларни импорт қилиш;
- Асосий маълумотлар базасидаги маълумотларни экспорт қилиш;

“Китоб таъминоти” модули

Китоб таъминоти модулининг асосий вазифаси таълим муассасаларида китоб таъминотини олиб бориш, назорат қилиш ва бу жараёнларни таҳлил қилишдан иборат. Модулнинг асосий имкониятлари доирасига қуйидагилар киради.

- Ўқув дарсликларини мавзуи бўйича адабиётлар билан таъминлаш ҳолати тўғрисида тезкор маълумот олиш;
- Ўқув адабиётлари ва уларнинг тарқатилишини доимий назорат қилиш;
- Ўқув адабиётлари фондидаги китобларни ўз вақтида ва асосли тарзда

тақсимлаш;

- Керакли ўқув адабиётларини қидириш;
- Китоб билан таъминлаш даражасига оид ҳисоботлар тузиш;
- Ўқув адабиётига бўлган китобхон талабини қондирилиш даражаси тўғрисида фактларга асосланган маълумотларни тақдим этиш;
- Ўқув адабиётларини фанлар бўйича таъминотини таҳлил қилиш.

"Китоб таъминоти " модули ёрдамида қуйидаги маълумотларни олиш мумкин:

- Курслар, факультетлар, гуруҳлардаги талабалар сони тўғрисидаги маълумотлар;
- Олий ўқув юртлиридаги кафедралар, курслар, факультетлар ҳақидаги маълумотлар;
- Маълум бир фан билан шуғулланувчи ўқувчи гуруҳлар ва талабалар сони тўғрисидаги маълумотлар;
- Ўқув нашрлари тўғрисидаги маълумотлар: маълум бир адабиётнинг кутубхонадаги нусхалари сони ва бошқалар;
- Маълум бир адабиётга талабгор бўлган талабалар сони;
- Битта талабага мўлжалланган китоблар сони;
- Адабиётлар билан таъминланмаган гуруҳлар сони;
- Ўқув жараёнларида қўлланилмаётган адабиётлар сони;
- Кутубхона фондига олиниши керак бўлган адабиётлар сони.

1. 5. КАТлар “Руслан” ва “Нева”

Россиянинг “ООО «Балтиксофт» фирмаси (Санкт-Петербург) томонидан кутубхоналарни автоматлаштиришга мўлжалланган «Руслан» ва «Нева» КАТларини кўриб чиқамиз. Мазкур ишланмаларнинг муаллифлари КАТлар бозоридаги 4 йиллик тўпланган тажриба асосида [16] шундай хулосага келганлар: “Аниқ бир буюртмачининг эҳтиёжини қондириш учун бир эмас, балки бир неча тизимлар ва тизимий конфигурацияларни таклиф қилиш керак”. Шу сабабли ҳам улар АКАТлар бозорига қуйидаги кутубхона тизимлари ва уларнинг конфигурацияларини таклиф қилмоқдалар:

КАТ «Руслан»- асосий версия.

КАТ «Руслан» - маҳаллий автоматлаштириш учун махсус конфигурация

КАТ «Нева» - «Стандарт» конфигурация.

КАТ «Нева» - «Мини» конфигурация.

Мазкур конфигурацияларнинг ҳар бири ОЎЮ, оммавий ва ихтисослаштирилган кутубхоналар учун мўлжалланган вариантларга эга. КАТ «Руслан» нинг очиқ ва тақсимланган архитектураси кутубхоналарни консорциумларга бирлашиб йиғма электрон каталоглар яратиш имкониятини беради. КАТ «Руслан»нинг асосий версияси анча қиммат, бунга сабаб «Руслан»

таркибидаги АИЖ “Oracle” асосида яратилган. Бундай АИЖ ўзлаштириш мутахассислардан кучли билим ва юқори малака талаб қилади. Бундай юқори малакали мутахассисларни ўрта ва кичик кутубхоналарда ишга жалб қилиш имконияти чекланган. Бундай тизимлардан йирик университетларнинг кутубхоналарини, оммавий ва ихтисослаштирилган кутубхоналарни автоматлаштириш ҳамда кутубхона консорциумлари ва тармоқ лойиҳаларини яратишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

КАТлар бозорига кенг кириб бориш учун КАТ “Руслан”нинг махсус конфигурацияси («Лайт») таклиф қилинди. «Лайт» конфигурацияси бир қатор корпоратив чеклашларга эга бўлсада, маҳаллий автоматлаштириш муаммоларини ҳал қила олади. Бундай ечим йирик ва ўрта масштабдаги (Электрон каталогдаги ёзувлар ҳажми 1 млн.дан ошмайдиган) кутубхоналарни автоматлаштиришга мос келади. Бундай конфигурацияли КАТ нинг баҳоси асосий версия КАТнинг баҳосидан икки мартаба кам таклиф этилмоқда. «Лайт» конфигурациясидаги асосий АИЖ “Oracle” МББТ асосига қурилган ва бу ерда ҳам юқоридаги муаммолар мавжуд. «Лайт» конфигурациясидаги КАТдан «Руслан» асосида автоматлаштирилиши мўлжалланаётган кутубхоналарнинг бошланғич босқичида фойдаланиш жуда қулай. Бу аввало кутубхонанинг иқтисодий аҳволи билан боғлиқ муаммодир. Шунга қарамай «Лайт» конфигурациясидаги КАТ лардан ўртача кутубхоналар келажакда, йирик кутубхоналар эса, автоматлаштиришнинг бошланғич босқичида фойдаланишни режалаштиришлари мумкин.

КАТ “Руслан” ни яратишдан кўзланган асосий мақсад - кутубхонанинг барча эҳтиёжларини (маълумотлар базалари ва серверлар сонидан бошлаб, маълумотлар формати ва уларни индекслаш усуллари ҳамда турли чиқиш шакллари гача) қондира оладиган тизим яратиш. Ҳақиқатан ҳам, “Руслан” кутубхонанинг барча эҳтиёжларини қондира оладиган имкониятларга эга. Аммо бундай имкониятларнинг кўплиги ҳам тизим интерфейсининг мураккаблашувига сабаб бўлади ва оқибатда КАТ дан фойдаланиш учун администратор ва фойдаланувчиларни махсус тайёрлаш керак бўлади. Ҳар қандай КАТ ни кутубхонага татбиқ қилишда КАТга тааллуқли ҳужжатлар муҳим роль ўйнайди. Тизим мураккаблашгани сари, унинг ҳужжатлари ҳам кўпая боради ва бу шундай даражага етиши мумкинки кутубхоначи мутахассис бундай катта ҳажмдаги ахборотларни ўзлаштириши мумкин бўлмай қолади. Демак, КАТ кутубхонага жорий қилинаётганда ундан фойдаланувчиларни ва унинг администраторини тегишли равишда ахборотлар билан таъминлаш, яъни уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш ҳам жуда муҳимдир. Бу бир неча йил давом этадиган жараён дир.

Шундай қилиб, КАТ ларни ОЎЮ, оммавий ва махсус кутубхоналарга татбиқ қилишда фойдаланувчи, хизмат кўрсатувчи ва татбиқ қилувчи нуктаи назаридан қараганда, кутубхоналар олдига қўйилган масалаларни ечишга мос келадиган КАТларнинг турли конфигурацияларидан фойдаланиш мақсадга

мувофиқ. Шу сабабли ҳам КАТ ишлаб чиқарувчилар бундай ҳолатни ҳисобга олишлари лозим ва КАТлар интерфейсини максимал соддалаштиришни таъминлашлари керак.

Кутубхоналарни автоматлаштириш сари ташланган қадамлардан бири бу - «Нева» КАТининг яратилиши бўлди. Мазкур тизимни яратишнинг асосий тамойиллари қуйидагича бўлди:

- “Oracle” сингари қимматбаҳо МББТ ларидан фойдаланмаслик;
- КАТ администратори ва фойдаланувчиларга мўлжалланган интерфейснинг содда ва қулай бўлиши;
- Таклиф қилинаётган иш қуролларининг (созлагичларнинг, серверлар ва АИЖ) сони имкон қадар қисқартирилиши.

Бундай тамойиллар асосида яратилган КАТ ларнинг баҳоси ҳам минимал бўлади, айти пайтда уни сотиб олувчи кутубхоналар сони ортади. Бундай хусусиятларга эга бўлган КАТ «Нева» кутубхона технологияларини тўлиқ автоматлаштириш имкониятини берувчи қуйидаги АИЖ га эга:

- «Комплектатор» (Фондни бутловчининг АИЖ);
- «Подписка» (Обуна бўлиш жараёнларини автоматлаштириш);
- «Подписка» (Илмий ишлов бериш жараёнларини автоматлаштириш);
- «Библиограф» (Библиографнинг АИЖ);
- «Абонемент» (Абонементларнинг АИЖ).

КАТ «Нева»да автоматлаштирилган иш жойларининг сони ортди аммо, ҳар бир АИЖ нинг интерфейси соддалашди. Китобхон электрон каталогдан бирор бир ҳужжатни қидириши учун кутубхонанинг Web-серверига мурожаат қилади.

КАТ «Нева» ўз хусусий Web-серверига эга. Унинг сервери маълумотларни бошқариш механизмига эга бу эса ўз навбатида ташқи МББТ дан фойдаланмаслик учун имконият яратади. Ёки бошқача айтганда, “Нева” сервери КАТ иловасининг сервери, Web-сервер ҳамда МББТ нинг сервери функцияларини бажара олади. КАТ “Нева” муаллифлари бугунги кунда унинг икки “Мини” ва “Стандарт” вариантларини таклиф қилмоқдалар. КАТ “Нева-Мини” 50 000 ёзувга эга электрон каталоглар яратишга мўлжалланган бўлса, КАТ “Нева - Стандарт” 150 000 ёзувли электрон каталоглар яратишга мўлжалланган. Агарда кутубхоналардаги электрон каталогдаги ёзувлар 300 000 дан ошса кутубхонани автоматлаштириш учун КАТ “Руслан” тавсия қилинмоқда. «Руслан» ва «Нева» КАТлари RUSMARC форматидан фойдаланади. Маълумотларни алмаштириш воситаси Z39.50 (ISO23950) протоколи асосида бажарилади.

1.6. Олий ўқув юрти илмий универсал кутубхонасини автоматлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони хамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ қилиш, таълим муассасалари, биринчи навбатда олий ўқув юртлари профессор-педагогик ходимлари ва талабалари томонидан жаҳондаги фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини янги ахборот технологиялари асосида ўзлаштирилишини тақозо қилмоқда, зеро илғор техника ва технологиялар билан қуролланган мутахассисларгина фан ва техника соҳасида катта ютуқларга эриша оладилар. Кундан - кунга кескин суръатларда ортиб бораётган ахборотлар оқимлари орасидан кераклисини топиш тобора қийинлашиб бормоқда. Бундай шароитда кутубхоналарни автоматлаштириш долзарб вазифага айланади [10].

Олий ўқув юртларининг (ОЎЮ) кутубхоналари таълим тизимида муҳим аҳамият касб этади. Янги ахборот технологияларни кутубхона-библиографик ишларда қўллаш, олий ўқув юртларида таълимнинг сифати ва уни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим соҳасидаги маълумотларга тезлик билан эга бўлиш, замонавий билимлар асосида илмий-таълимий жараёнларни юритиш ва шунга ўхшаш бир қатор муаммоларнинг ҳал бўлишига олиб келади.

Кутубхоналарни автоматлаштириш, бу-кутубхона фаолиятининг барча кўринишларига замонавий ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситалари асосидаги ахборот технологияларини қўллаш бўйича олиб бориладиган илмий, лойиҳавий, техник ва ташкилий тадбирларнинг комплексиدير. Бундай ишларнинг бажарилиши натижасида **автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимлари (АКАТ) яратилади**. Кутубхона ходимлари ва китобхонларнинг иш жойларида компьютерлар ёки электрон ҳисоблаш машиналарига уланган терминаллар ўрнатилади, яъни кутубхоначининг, библиографнинг, китобхоннинг, каталоглаштирувчининг, маъмурий-бошқарувдаги ходимларнинг **автоматлаштирилган иш жойлари (АИЖ)** яратилади.

Кутубхоналарни автоматлаштиришдан асосий мақсадлар:

- Кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш ва китобхонлар эҳтиёжларини янада тўлиқ қондириш асосида китобхонларга (фойдаланувчиларга) хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш;
- Кутубхонадан фойдаланувчилар ва кутубхона ходимларининг меҳнат қилишлари учун қулай шароитлар яратиш;
- Фондларни сақлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- Кутубхона ходимларини каталог карточкаларини, турли буюртмаларни, хатларни, ҳисоботларни тайёрлаш, библиографик рўйхатлар тузиш ва бошқа бир қатор мушкул вазифаларни бажаришдан озод қилади.

Кутубхонадаги технологик жараёнларни автоматлаштириш қуйидаги имкониятларни яратади:

- ахборот қидируви тезлигини оширади;
- маълумотларни бир маротаба киритиш ва улардан ҳужжатларни қидиришда кўп мақсадли фойдаланиш, танланган ахборотларни босиб чиқариш, маълумотлар массивларини бошқа фойдаланувчиларга узатиш, нашрларни тайёрлаш ва бошқалар;
- турли белгиларга кўра ва уларнинг комбинациялари ёрдамида қўшимча картотека ва кўрсаткичлардан фойдаланмай, кўп аспектли қидирувни бажариш;
- Ўз кутубхонасидаги компьютердан фойдаланиб тармоқ ва коммуникация воситалари ёрдамида бошқа кутубхона каталогларидан ҳамда йиғма электрон каталогда қидирувни бажариш. Дискетлардаги ёки катта ҳажмдаги маълумотлар базалари жойлашган оптик дискларда қидирувни бажариш ва керакли маълумотларни олиш;
- Кутубхона фондини бутлашда нашриётлар ва китоб савдоси ташкилотларининг маълумотлар базалари асосида буюртмаларни автоматик равишда шакллантириш ва уларнинг бажарилишини ташкил қилиш;
- Кутубхонадаги барча жараёнларни автоматлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш ва кутубхона статистикасини юритиш, жумладан китобхоналарга хизмат кўрсатишни ҳам ҳисобга олиш;
- Кутубхона каталогларини бир неча нусхада ишончли сақлаш;
- Кутубхонага қабул қилинаётган ҳужжатлар оқимига ишлов бериш ва фондни бутлаш ҳаражатларини қисқартириш;
- Янги ахборот манбаларини жалб қилиш ҳисобига истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш;
- Мамлакатимиз ва жаҳон ахборот фазосига чиқиш орқали бошқа кутубхоналар, ахборот марказлари, ташкилотлар ва фирмаларнинг маълумотларига, тўлиқ матнли ҳужжатларга эга бўлиш;

Бу имкониятлар амалга оширилгач кутубхонадаги қуйидаги асосий жараёнлар автоматлаштирилган ҳолда бажарилади:

- кутубхонага қабул қилинаётган янги ҳужжатларга автоматик тарзда ишлов бериш;
- картотекаларни, нашрлар рўйхатини, буюртмаларни, хатларни, ҳисобот ҳужжатларини тайёрлаш;
- қабул қилинаётган ҳужжатларнинг маълумотлар базасини яратиш;
- турли мавзудаги адабиётлар архивини яратиш ва ундан нусха олиш бўйича операцияларни бажариш;
- китобхоналар сўровига мос ҳолда предметли қидирувни бажариш;
- кутубхонанинг ахборот ва даврий нашрларининг маълумотлар базалари орқали хизмат кўрсатиш;
- журнал мақолаларининг библиографик тавсифлари массивини юритиш;
- электрон маълумотномалар яратиш;

- берилган адабиётларни назорат қилиш;
- китобхонлар ва уларнинг формулярларини ҳисобга олиш;
- берилган адабиётларни китобхоннинг формулярига автоматик тарзда ёзиб қўйиш;
- китобларни ўз вақтида қайтариб берилишини назорат қилиш;
- Кутубхона электрон каталогидан фойдаланаётган ёшларда ахборот тизимларидан фойдаланиш кўникмалари пайдо бўлади бу эса ўз навбатида ёшларнинг ўқишига, изланишига ва мустақил равишда билим олишларига мустақкам замин яратади.

Энг асосийси, кутубхоналарни автоматлаштириш китобхонларни ватан ва жаҳон ахборотлар фазосига чиқишини таъминлайди. Юқоридагилардан кўринадики, кутубхоналарни автоматлаштириш жамиятни ахборотлаштиришнинг муҳим бир босқичи экан.

Бугунги кунда кутубхона жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган бир қатор "Кутубхоналарни автоматлаштирувчи тизимлар" мавжудки, уларда қуйидаги функционал бўлимлар мавжуд:

- каталоглаштириш, электрон каталог (ЭК), маълумотнома-библиографик хизмат;
- оптик дисклардаги ёки бошқа кутубхоналардаги ЭК ларнинг маълумотлар базаларидан фойдаланган ҳолда библиографик хизмат кўрсатиш;
- китобхонларга хизмат кўрсатиш (китобхонларни рўйхатга олиш, китоб бериш ва бошқалар);
- китоб алмашишни ҳам ўз ичига олувчи фондни бутлаш;
- даврий нашрларни рўйхатга олиш ва унга мос ЭК ни юритиш;
- кутубхоналараро абонемент;
- автоматлаштирилган тарзда библиографик нашрларни тайёрлаш (каталог карточкаларини ҳам тайёрлаш);
- кутубхонани бошқарув (ҳисобга олиш, статистика, кадрлар, бухгалтерия ва бошқалар).

Кутубхонада ахборот технологияларини татбиқ қилиш

Олий ўқув юрти кутубхоналарида янги ахборот технологияларини татбиқ қилиш қуйидаги вазифаларни босқичма-босқич олиб борилишини тақозо қилади:

- Кутубхона техника воситалари сотиб олади;
- Кутубхонада локал компьютер тармоғи яратилади;
- Кутубхонанинг локал тармоғи умуминститут тармоғига уланади;
- Кутубхона локал тармоғи Интернет тармоғига уланади;
- Кутубхона Автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизими сотиб олади (ёки мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўз кучи билан АКАТ яратади) ва унинг ёрдамида электрон каталог яратишга киришади;
- Кутубхона китобхонларига Интернет, CD-ROM дисклар ва электрон почта билан ишлаш имкониятларини яратади;
- Автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизими қуйидаги модуллардан иборат бўлиши мумкин:

- Фондни бутлашни бошқариш;
- Каталоглаштиришни бошқариш;
- Даврий нашрларни бошқариш;
- Хизмат кўрсатишни бошқариш;
- Фондни электрон бошқариш;
- Фойдаланувчиларга мўлжалланган интерактив каталог;
- Статистика;
- Электрон буюртма;
- Мақолаларнинг аналитик ёзуви;
- Библиографик филтрлаш.

Кутубхонада автоматлаштирилган ҳолда бошқаришнинг янги таҳлилий-технологик тамойиллари татбиқ қилинади:

1. Кутубхона технологияларини автоматлаштириш бўлими ташкил қилинади;
2. Кутубхона бош технологи ловозими киритилади;
3. Кутубхонани автоматлаштириш муаммолари билан шуғулланувчи технологик гуруҳ ташкил қилинади;
4. Дастурий таъминотнинг ҳар бир модулини ўрганиш, мослаштириш ва татбиқ қилиш учун ишчи гуруҳлар тузилади;
5. Кутубхона ходимларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурлари доирасида ўқитиш ташкил этилади;
6. Штрих кодлаштириш технологиясини ўзлаштириш: EAN 128, 14 рақамли стандартни танлаш; этикетка дизайнини ишлаб чиқиш, сотиб олинган қурилмаларда штрих кодларни тайёрлаш амалга оширилади.

КАТ модуларини татбиқ қилиш:

«Каталоглаштиришни бошқариш»: кутубхонага тушаётган барча янги адабиётларни штрих кодлаштириш технологияси асосида каталоглаштириш бошланади.

«Фондни бутлашни бошқариш»: тушаётган нашрларни молиявий ва статистик ҳисоботи автоматлаштирилган тарзда олиб борилади.

«Фойдаланувчиларга мўлжалланган интерактив каталог»: Фойдаланувчиларга Интернет орқали электрон каталогга кириш имкониятининг яратилиши.

Кутубхона Web-сайти ишга туширилади.

«Даврий нашрларни бошқариш»: кутубхонага келиб тушаётган газеталар ва журналлар номерларини электрон каталогда рўйхатга олиш.

«Хизмат кўрсатишни бошқариш»: штрих кодлаш асосида китобхонларни ҳисобга олиш; ОЎЮ илмий кутубхонаси китобхонларининг маълумотлар базасини шакллантириш; Нашрларни бериш ва қайтариб олишни компьютер орқали ҳисобга олиш.

«Мақолаларнинг аналитик ёзуви»: Электрон каталогда Ўзбекистон ва Ўзбекистондаги ОЎЮга бағишланган ва ОЎЮ олимлари томонидан чоп этилган мақолалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш; Электрон

каталогга китобхонлар томонидан фаол фойдаланилаётган китоб фондининг ретроспектив қисми тўғрисидаги ахборотларни киритиш.

ОЎЮ да Интернет марказини яратиш. Кутубхонада Интернет синфини ташкил қилиш.

«Фондни электрон текшириш»: Электрон каталогда акс этган нашрлар тўғрисидаги ахборотларни автоматлаштирилган тарзда текшириш. Турли параметрлар асосида статистик ҳисоботлар тузиш. Электрон ахборот манбаларига кириш - (CD-ROM) компакт оптик дисклардаги маълумотлар базаларига кириш. Илмий журналларнинг электрон версияларига киришни таъминлаш; EBSCO электрон кутубхонаси фондидаги ҳужжатларни етказиб бериш хизматини йўлга қўйиш. «Электрон буюртма»: ўқув зали ва абонементга электрон каталог ёрдамида нашрларнинг ёпиқ омборидан керакли адабиётларга буюртма беришни ташкил қилиш.

- Библиографик ахборот марказида Интернет ресурсларига эркин киришни таъминловчи синфнинг очилиши;
- Тошкент шаҳридаги кутубхоналарнинг тақсимланган электрон каталогини яратишнинг бошланиши;
- Барча категориядаги китобхонларга китоб бериш электрон кафедраси орқали кутубхона фондидаги илмий, ўқув, бадиий нашрлар билан хизмат кўрсатишни ташкил қилиш;
- Фонддан китобларни рухсатсиз олиб чиқилишини назорат қилувчи тизимнинг ўрнатилиши;
- Электрон каталогдаги Интернетнинг онлайнли электрон ресурсларини шакллантириш ишларининг бошланиши;
- Тошкент кутубхоналарининг тақсимланган электрон ресурсларига киришнинг очилиши;
- Илмий электрон кутубхоналарнинг тўлиқ матнли журналларига киришнинг очилиши;
- Комплектлаш, каталоглаштириш ва хизмат кўрсатиш кутубхона жараёнларини ягона автоматлаштирилган тизимга бирлаштириш;
- Тармоқ ўқув заллари фондининг ретроспектив қисми тўғрисидаги маълумотларни киритишни тугаллаш;
- Асосий фонд бўлимига жўнатилаётган нашрларга қўйиладиган шифрлар учун инвентар китоб шаклини модернизация қилиш: анъанавий инвентар китобни электрон шаклга ўтказиш;
- Ўқув заллари ва абонементлардаги фонднинг алоҳида бўлимлари бўйича электрон назоратни доимий равишда юқори самарада олиб бориш;
- КАТнинг турли модуллари билан ишлашни биладиган кутубхонанинг ходимини тайёрлаш. Уларга тизим билан ишлашни ўргатиш ва пароллар бериш;
- Кутубхона ходимлари ва китобхонлар учун автоматлаштирилган иш жойларини ташкил қилиш;
- Электрон каталогни ривожлантириш, ОЎЮда фаолият кўрсатаётган ихтисослаштирилган илмий кенгашда ҳимоя қилинган диссертациялар ва

уларнинг авторефератларининг тўлиқ матнларини электрон каталогда акс эттиришнинг бошланиши;

- Ўқув залида китобларни рухсатсиз олиб чиқилишини назорат қилувчи электрон ҳимоя ва видеокузатув тизимлари ўрнатилади, ҳар бир китоб магнитли метка билан ҳимояланади;
- Кутубхонага киришда автоматлаштирилган назоратни амалга ошириш; бу тизим фойдаланиш қоидаларини бузаётган китобхонларни кутубхонага киришини чеклайди.

Олий ўқув юрти кутубхоналарида электрон каталог яратишнинг ўзига хос хусусияти.

Бизга маълум бўлишича, ўз кутубхоналарини автоматлаштиришга киришган ҳар қандай кутубхона дастлаб электрон каталог яратишга киришади. Бугунги кунда кўплаб олий ўқув юртларининг кутубхоналари электрон каталог яратишга киришганлар. Уларнинг баъзилари Россиянинг кутубхоналарни автоматлаштиришга мўлжалланган тизимларидан фойдаланаётган бўлсалар, баъзи бирлари электрон каталог яратиш учун мутахассислар билан ҳамкорликда ўзлари яратган атоматлаштирилган тизимлардан фойдаланишмоқда. Россияда яратилган КАТлар MARC форматлари билан ишлай олади, яъни библиографик маълумотларни алмаштириш воситасига эга. Аммо Ўзбекистонда ишлаб чиқилган КАТ ларнинг кўпчилиги MARC форматлар билан ишлай олмайди, бундай КАТ лар ёрдамида яратилган электрон каталоглардан фақатгина мазкур каталогни яратган кутубхонадагина фойдаланиш мумкин холос. Библиографик маълумотларни бир кутубхонадан бошқасига узатиш, қабул қилиш жараёнларини MARC форматларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Бизга маълумки, Ўзбекистон олий ўқув юртлари бугунги кунда икки босқичли таълим тизими асосида фаолият олиб боришмоқда. Олий таълимнинг бакалаврлар тайёрлашга мўлжалланган босқичи ўқув режасини кўриб чиқадиган бўлсак, унинг 1-2 блокларидаги фанлар деярли бир хил. Масалан, тарих, фалсафа, чет тили, олий математика ва шунга ўхшаш бир қатор фанлар борки улар республикамизнинг барча ОЎЮ нинг ўқув дастурларига киритилган. ОЎЮ ўқув дастурларидаги фанларнинг бир хиллиги, мазкур фанларни ўқитишда фойдаланиладиган адабиётларнинг ҳам кўпчилигининг бир хиллигига олиб келади. Шундай қилиб, республика ОЎЮ кутубхоналарининг фондларидаги адабиётларнинг 50% дан кўпроғи бир хил десак, янглишмаймиз. Агарда ҳар бир ОЎЮ кутубхонаси ўзи мустақил равишда ўз кутубхонасини автоматлаштиришга (электрон каталог яратишга) киришса, қанча вақт кетишини ҳисоблаш қийин эмас. Электрон каталогнинг маълумотлар базасига бир китоб тўғрисидаги библиографик маълумотларни киритиш учун (аннотацияси билан бирга) ўртача 20 дақиқа вақт сарфланади. Демак 1 соатда 3 та китобнинг тасвири электрон каталог (ЭК) базасига киритилади. Агарда ЭК базасига маълумотларни киритувчи оператор 8 соат ишласа, у бир кунда бир компьютер ёрдамида 24 та китоб тўғрисидаги библиографик ёзувни компьютер хотирасига киритади. Бир ойда бир

оператор 576 та китобни ЭК базасига жойлаштира олади. Бир йилда бир оператор бир компьютер ёрдамида 6336 та китоб тўғрисидаги библиографик ёзувларни ЭК базасига кирита олади. ОЎЮ кутубхонасида ўртача 60 000 номдаги ҳужжатлар сақланса, уларнинг барчасини бир оператор ўртача 10 йилда, икки оператор ўртача 5 йилда, уч оператор 2,5 йилда ЭК маълумотлар базасига жойлаштира олади. Бундай мураккаб ва машаққатли вазифани ҳал қилишнинг самарали йўллари қуйидагичадир:

- Олий ўқув юртларининг кутубхоналари йиғма электрон каталог яратиш мақсадида консорциум ташкил қиладилар;
- ОЎЮ кутубхоналарида ўзаро библиографик маълумотлар алмаштириш имконияти яратилишига (MARC форматларидан барча кутубхоналар фойдаланишига) келишиб олишади;
- Ҳар бир ОЎЮ кутубхонаси, ўз ўқув юрти ўқув дастурларида кўрсатилган адабиётлар рўйхати асосида, адабиётларнинг махсус рўйхатини тузади.
- Мазкур рўйхат ОЎЮ нинг кафедраларида муҳокама қилинади, зарур ҳолларда рўйхатга қўшимчалар қўшиш мумкин.
- Ўқув дастурларида кўрсатилган адабиётлар рўйхати, кутубхона фондидаги мавжуд ҳужжатлар билан таққосланади ва уларнинг орасидан кутубхонада бор бўлган ўқув адабиётлари тўғрисидаги библиографик маълумотлар АКАТ нинг электрон каталогига киритилади. Кутубхона фондида мавжуд бўлмаган адабиётларга буюртмалар берилади.
- ОЎЮ да ҳимоя қилинган магистир, фан номзоди, фан доктори илмий даражалари олиш учун ҳимоя қилинган диссертациялар тўғрисидаги маълумотлар, битирув малакавий ишлар тўғрисидаги маълумотлар, институт, университет профессор-ўқитувчилари томонидан чоп этилган ўқув услубий қўлланмалар, илмий ишлар, мақолалар, китоблар ва маърузалар матнлари тўғрисидаги маълумотлар ЭК маълумотлар базасига киритилади.
- АКАТ электрон каталоги маълумотлар базасига киритиладиган ахборотлар ҳажми аниқлангач, консорциум таркибига кирган ОЎЮ кутубхоналари киритилиши керак бўлган маълумотлар доирасини ўзаро келишган ҳолда тақсимлаб олишади. Масалан, консорциум иштирокчисининг бири математика-физика йўналиши бўйича маълумотларни ЭК базасига киритса, бошқаси фалсафа-тарих йўналишидаги маълумотларни киритиш билан шуғулланиши мумкин. Ҳосил қилинган ёзувларни ўзаро айирбошлаш ҳисобига ҳар бир ОЎЮ кутубхонаси йиғма электрон каталогга эга бўлади.

Шундай қилиб, ОЎЮ кутубхонасида ЭК яратилаётганда кутубхона фондидаги ҳужжатларни бир бошдан бошлаб ЭК базасига киритавериш самарали натижа бермайди. Бундай йўлдан борган кутубхоналар ўзларининг

олдиларига қўйилган бош вазифани, яъни ўқув жараёнини зарурий адабиётлар билан тўлиқ таъминланиш вазифасини самарали ҳал қила олмайдилар.

Олий ўқув юрти кутубхоналарида ЭК яратишда корпоратив каталоглаштириш усулидан фойдаланиш, ЭК маълумотлар базасига биринчи навбатда ОЎЮ ўқув дастурларида мавжуд бўлган адабиётлар тўғрисидаги библиографик маълумотларни киритиш ЭК яратишда ва ундан фойдаланишда энг самарали усул ҳисобланади.

1.7. Интеграл кутубхона-ахборот тизими (ИРБИС)

Ишланма муаллифи: Россия Давлат Илмий-Техник оммавий кутубхонаси

ИРБИС тизими замонавий кутубхоналарга қўйиладиган барча халқаро талабларга жавоб берадиган ва айти пайтда кутубхоначилик ишининг кўпқиррали анъаналарини ҳисобга олувчи асосий кутубхона жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган тизимдир [13].

ИРБИС тизимини ўрганувчилар учун қулайлик яратиш мақсадида ИРБИСнинг интерфейсида учрайдиган буйруқларни (майдонларнинг номларини) тизим яратилган тилида келтирамиз ва унинг ёнига мазкур буйруқнинг ўзбек тилидаги таржимасини берамиз. Бу эса ўз навбатида қўлланмадан фойдаланувчиларнинг китобда келтирилган амалий ишларни бажараётганларида тизим интерфейсидаги буйруқларни топиш ва уларни аниқ бажаришларига имконият яратади.

Тизимнинг асосий характеристикаси

Ихтиёрий типдаги локаль ҳисоблаш тармоғида ишлайди ва ундан фойдаланувчилар сони чекланмаган;

- Корпоратив кутубхона тизимлари ва технологиялари қуйидаги асосда тўлиқ интеграллашади:
- Web-технологиялари ва Z39.50 протоколи асосида ишлай олади;
- Халқаро форматлар UNIMARC, USMARC ва RUSMARC билан мос ҳолда ишлай олади;
- Электрон каталог таркибидаги ихтиёрий сондаги маълумотлар базаси билан ишлай олади;
- Луғатларни автоматик равишда шакллантирувчи технология ва у асосида библиографик тасвир элементлари бўйича тезлик билан кидирувни амалга ошириш;
- Авторитет файлларни юритиш ва фойдаланиш воситалари, УДК ва ББК ларга алфавит-предметли кўрсаткичлар ва тезауруслар;

- Анъанавий қоғоз технологияларини ҳам бажара олиш: буюртмалар варақасини босиб чиқаришдан бошлаб, то каталог карточкаларининг барча турларини босиб чиқаришгача;
- Китоб экземплярларидаги ва китобхон гувоҳномаларидаги штрих-кодлардан фойдаланиш технологиясининг мавжудлиги;
- Тўлиқ матнлар, график маълумотлар ва ташқи объектлар (Интернет ресурслари ҳам бунга киради) билан ишлай олиш имкониятлари;
- Фойдаланувчининг интерфейсини бошқа тилларга таржима қилиш воситаларининг мавжудлиги;
- Фойдаланувчи интерфейсининг қулай ва кўргазмалилигини таъминловчи, киритишни соддалаштирувчи, хатоликларни бартараф қилувчи ва ахборотларни такрор киритишга йўл қўймайдиган воситаларнинг мавжудлиги;
- Аниқ бир кутубхонага мослаб қўллаш имкониятларининг мавжудлиги;
- Тизимнинг очиклиги: мустақил равишда кириш ва чиқиш формаларини ўзгартириш ва оригинал иловалар яратиш имкониятларининг мавжудлиги.

Тизимда кутубхона технологияларининг барча турлари амалга оширилган: фондни бутлаш, тизимлаштириш, каталоглаштириш, китобхон кидируви, китоб бериш ва бошқалар. Тизим ўз ичига 5 та автоматлаштирилган иш жойини олади: “Комплектатор”, “Каталогизатор”, “Читатель”, “Книговыдача”, “Администратор”.

Фондни бутловчининг автоматлаштирилган иш жойи

“КОМПЛЕКТАТОР” (Фондни бутловчининг) АИЖ

- Китоблар ва бошқа нодаврий нашрларга буюртма беришни расмийлаштириш ва дастлабки тасвирлаш;
- Бажарилган буюртмаларни кузатиб бориш, бажарилмаган ва тўлиқ бажарилмаган буюртмаларни назорат қилиш;
- Йиғма ҳисобга олиш Китобига (КСУ китобига суммарниги учётга) киритиш мақсадида кутубхонага тушувчи китобларни рўйхатга олиш.
- Олинган китоблар тасвирларини автоматлаштирилган тарзда Электрон каталогнинг маълумотлар базасига жўнатиш;
- Электрон каталог базасини қўшимча тўлдирилган китоблар тавсифи ҳақидаги маълумотлар билан автоматлаштирилган равишда тўлдириб бориш имконияти;

- Кутубхона бўлимлари учун даврий нашрларга обуна бўлиш (абонемент карточкалари ва буюртмалар варақалари);
- Обуна бўлинган нашрнинг биринчи сони олингандан сўнг даврий нашр тасвирини Электрон каталог базасига жўнатишга кейингилари олингандан сўнг, уларнинг тасвирларини "Каталогизатор" АИЖ га ҳисобга олиш учун жўнатиш;
- Нашрларга, аввалги обуна маълумотларини сақлаган ҳолда, навбатдаги обунани автоматик равишда бажариш;
- Фонддан чиқарилаётган ва бошқа бўлимга ўтказилаётган адабиётларни рўйхатдан ўчириш;
- Чиқиш формаларининг турли шакллари: Инвентар рўйхатлар, КСУ варақлари (1,2,3 бўлимлар), тушаётган китоблар ҳақидаги якуний хужжатлар, адабиётларни рўйхатдан чиқариш ҳақидаги далолатномалар ва бошқалар.

Каталоглаштирувчининг автоматлаштирилган иш жойи

“КАТАЛОГИЗАТОР” (Каталоглаштирувчининг) АИЖ

- Турли кўринишдаги нашрларга, ноанъанавий нашрлар - аудио ва видеоматериаллар, компьютер файллари, программалар, картографик материаллар, ноталар ва бошқаларга ишлов бериш ва тасвирлаш;
- Даврий нашрларни (газета ва журналлар) тасвирлашнинг оригинал технологиясининг мавжудлиги; бу бир томондан нашрни йиғма яхлит равишда тасвирлаш имкониятини берса, иккинчи томондан, нашр алоҳида номерини тасвирлаш имкониятини берадики, натижада ундаги мақолалар тўғрисида маълумот олиш мумкин;
- Нашрларга автоматлаштирилган ҳолда лингвистик ишлов бериш: (Тизимлаштириш, предметлаштириш), ГПНТБ классификатори ёрдамида мавзулар бўйича навигация бажариш, УДК ва ББК нинг алфавит-предметли кўрсаткичи бўйича, авторитет файллар ва тезауруслар бўйича;
- Ўхшаш ва ўзаро боғлиқ библиографик ёзувларни такрор киритишни бартараф қилувчи, хусусан, кўптомлик нашрларни ишлов беришда ва мақолаларга аналитик ишлов беришда жуда қўл келадиган махсус технологиянинг (маълумотларни кўчириш) мавжудлиги;
- Маълумотларни киритишда хатоликларни бартараф қилувчи формал-мантикий назоратнинг алоҳида олинган библиографик ёзувлар даражасида ёки яхлит тасвир даражасида амалга оширилиши;

- Электрон каталогга библиографик ёзувларни такрор киритилишини бартараф қилувчи (автоматик равишда "дублет" ёзувларни назорат қилиб борувчи, оригинал технологиянинг мавжудлиги);
- Чиқиш формалари: кўрсаткичлар, инвентар рўйхатлар, кутубхонага тушмаган журналлар ва бошқаларнинг рўйхатлари;

Маълумотлар базасини бошқарувчининг автоматлаштирилган иш жойи (“АДМИНИСТРАТОР” АИЖ)

Маълумотлар базаси устида амаллар бажарувчи ва уни доимо ишга тайёр ҳолда бўлишини таъминловчи мутахассиснинг иш жойи. Мазкур АИЖ маълумотлар базалари устида амаллар бажаришга мўлжалланганлиги туфайли у билан ишлашда жуда эҳтиёт бўлиш талаб этилади. ИРБИС тизимда маълумотлар базалари билан ишлаш малакаси бўлмаган мутахассисларнинг бу АИЖда ишлаши тавсия этилмайди. Тегишли малакага эга бўлмаган мутахассиснинг ноўрин берган бир неча буйруғи бутун бошли бир неча маълумотлар базасини йўқ қилинишига олиб келиши мумкин. Шу туфайли ҳам “АДМИНИСТРАТОР” АИЖ ишлашга махсус тайёргарликка эга бўлган мутахассисларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Китоб берувчининг автоматлаштирилган иш жойи

“КНИГОВЫДАЧА” (Китоб берувчининг) АИЖ

- Буюртмаларни бажариш ва шакллантириш учун навбатни юритиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- Реал вақт давомида тезкорлик билан янгиланиб турадиган ахборотлар; буюртирилган адабиётларнинг мавжудлиги, китобхонга берилган адабиётлар, китобхон ҳақида маълумотлар ва бошқалар;
- Китобхон томонидан китобларнинг қайтариб берилганлиги ва китобнинг «бўш» эканлигини ҳисобга олувчи технологиянинг мавжудлиги;
- Берилган ва қайтариб олинган адабиётлар ҳақидаги барча маълумотларни китобхоннинг индивидуал карточкасида ҳисобга олиш;
- Қарздорлар, қайтариб берилмаган адабиётлар ва берилган китоблар сони ҳақидаги маълумотлар асосида статистика юритиш;
- Штирх-код технологияси асосида китоб беришни назорат қилувчи махсус технология мавжудлиги.

Китобхонларнинг автоматлаштирилган иш жойи

“ЧИТАТЕЛЬ” (Китобхоннинг) АИЖ

- У махсус билимга эга бўлмаган китобхонларга мўлжалланган бўлиб, кулай ва "дўстона" интерфейсга эга.
- Фойдаланувчилар тайёргарлик даражасининг турли эканлиги ҳам ҳисобга олинган, яъни бир хил натижага икки йўл билан эришиш мумкин: тажрибаси кам фойдаланувчилар, кетма-кет бажариладиган бир неча операцияларни бажариб эришадиган натижага, тажрибали фойдаланувчилар бир операция бажариш орқали эришишлари мумкин.
- Библиографик тасвир барча асосий элементлари ва улар комбинациялари асосида ЭК маълумотлар базасида тезкорлик билан қидирувни таъминловчи қидирув воситаларининг мавжудлиги.
- ЭКни ташкил этувчи бир неча маълумотлар базалари билан ишлаш имконияти.
- Буюртмаларни шакллантириш ва ҳужжатларни беришда қоғозсиз технологиянинг мавжудлиги.

1.8. ИРБИС тизимини кутубхоналарга татбиқ қилиш

ИРБИС тизими кутубхона технологияларини автоматлаштиришга мўлжалланган бўлиб, уни ихтиёрий даражадаги ва типдаги кутубхонага татбиқ қилиш мумкин. Тизим, халқаро, яъни MARC форматлар ва халқаро стандартлар талабларига жавоб беради. Тизим нашрларнинг барча хиллари ва кўринишларини тасвирлай олади. Тизим интерфейси Фойдаланувчининг эҳтиёжларига максимал яқинлаштирилган шунинг учун ҳам уни ўзлаштириш осон. Тизим технологияси, ахборотларни клавиатура орқали киритишни максимал қисқартириш ва соддалаштиришга йўналтирилган бўлиб, айти пайтда аниқ бир фойдаланувчининг даражаси, эҳтиёжлари ва ГОСТ 7.1-84 анъаналари ва талаблари мос ҳолда нашрларни тўлиқ тасвирлаш имкониятини беради. Тизим, киритилаётган маълумотнинг ягона мажбурий элементи сифатида «Заглавие» олинган, бу элемент киритилмагунча тасвир маълумотлар базасида сақланмайди. Тизим бир томондан, кутубхона ходимларининг анъанавий каталоглардан адабиётларни қидиришнинг анъанавий ёндашувларини сақлаб қолган бўлса, иккинчи томондан, электрон каталогдан фойдаланиш орқали жуда кўп имкониятлар яратади, кутубхонага тушаётган ҳужжатларга ишлов бериш, фондни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш (адабиётларни рўйхатдан ўчиришни ҳам ўз ичига олади), китобхонларга адабиётларни бериш ва қайтариб олиш жараёнлари ҳам автоматлаштирилган.

ИРБИС тизими анъанавий кутубхоначилик функцияларининг деярли барчасини, фондни бутлашдан тортиб то китоб беришгача, ҳисобга олиш ва ҳисобот беришгача, ОЎЮ кутубхоналарида кўп нусхали адабиётларни бериш ва китоб билан таъминланганлик даражасини аниқлашгача бўлган масалаларни қамраб олган.

1.9. Тизимнинг электрон каталоги

Тизим электрон каталогининг маълумотлар базаси (МБ) кутубхонага келиб тушаётган барча адабиётлар тўғрисидаги маълумотларни сақлайди. Булар босма ва кўлёзма материаллар, ноталар, видео ва аудио ёзувлар, карталар ва компьютер файллари бўлиши мумкин.

Барча хилдаги ҳужжатлар тугалланган нашр (бир томлик ёки кўп томлик) сифатида, ёки давом этувчи – серияли ёки даврий нашрлар (газеталар, журналлар) сифатида нашр қилиниши (МБ да тасвирланиши) мумкин. ЭКга тўпламлардан олинган мақолаларнинг аналитик тасвири ёки юқорида санаб ўтилган ихтиёрий ҳужжатлар хилининг даврий нашр номерини киритиш мумкин. Фойдаланувчининг истагига кўра, каталог бир неча алоҳида МБ сига ажратилиши мумкин. Масалан, адабиётларнинг хили, кўринишига кўра, мавзулар бўйича, тасвир кўриниши бўйича, хронологик тартибга кўра ёки бошқа бирор-бир принципга кўра алоҳида МБ га ажратилиши мумкин.

Ёзувлар ЭК га киритилаётганда автоматик тарзда луғат яратилади ва у турли маълумотлар элементи бўйича библиографик тасвирга тезликда эга бўлишни таъминлайди. Бу маълумотлар элементлари қуйидагилардир:

- Библиографик маълумотлар элементи бўйича - Луғатлар: «Заглавие», (Сарлавҳа) «Автора» (Муаллифлар), «Коллективы» (Жамоалар) ва «Издающие организации» (Нашр этувчи ташкилотлар) ва бошқалар.
- Тизимлаштириш ва предметлаштириш бўйича – Луғатлар: ГРНТИ Рубрикатори, УДК, ББК индекслари, Предмет ва Географик рукнлар, Нашриёт индекси ва бошқалар.
- Кодлаштирилган маълумотлар элементи бўйича – Луғатлар: мамлакатлар, тиллар, мақсадли йўналтириш, хиллар, кўринишлар, ҳужжат характери, физик ташувчи ва бошқалар (барча луғатлар кодларни тушунтириб берувчи матнлар билан берилган).
- Техноложик маълумотлар элементи бўйича – Луғатлар: нашрнинг сақланиш жойи ва шифри. Киритилган сана ва бажарувчининг исми-шарифи ва бошқалар

Булардан ташқари очқич сўзлар луғати ҳам яратилади ва унга библиографик маълумотлар элементларидан, аҳамиятли сўзлар, «Аннотация» ва «Общие примечания» (Умумий илова) майдонларидаги махсус ажратилган сўзлар автоматик тарзда киритилади. Бу луғатга «Свободного индексирования» (Эркин индекслаш) майдонидаги очқич сўзлар ва дескрипторлар майдонидаги сўзлар (тезауруслардан фойдаланган ҳолда) ҳам киритилади.

Тизимнинг ижобий томонларидан бири, бу-умумий сарлавҳага эга ёки эга бўлмаган журнал ёки тўплам алоҳида сонларининг «Оглавление» (Мундарижа) майдонидаги маълумотларини луғатда акс этиши ва улар орқали ҳужжатга киришини таъминлашдир. Мақолаларнинг барча муаллифлари (3 та муаллифгача) ва бу майдонга киритилган сарлавҳа унга мос луғатга автоматик тарзда киритилади. Сарлавҳадаги алоҳида сўзлар

очқич сўзлар луғатига киритилади. Ҳар бир мақолага қўшимча тарзда «ненормированные» (меъёрлашмаган) очқич сўзлар ва нашриёт индекси ҳам киритилиши мумкин. Тизимнинг бундай ташкил қилиниши луғатга бир маротаба мурожаат қилиш орқали бир муаллифнинг барча асарларини, автордошликда бажарилган ишларини ёки у муҳаррирлик қилган ишларни ёки унинг ўзи тўғрисидаги турли физик ташувчиларда жойлашган маълумотларни топиш имкониятини яратади. Қидирувнинг қўшимча воситалари «Поиска по связи» (Боғланиш бўйича қидирув) орқали амалга оширилади. Бунда муаллифнинг бир мавзуга боғлиқ бошқа ишларини ёки бирор анжуманга тегишли қатор материалларни, журналнинг бир сонига тегишли барча мақолаларни топиш мумкин бўлади. Булардан ташқари “асосий ҳужжат” ва “илова”, “тақриз” ва “тақриз ёзилган ҳужжат” орасидаги боғланиш орқали ҳам қидирувни бажариш мумкин.

Тизим, алоҳида олинган луғатлардан ташқари бул операцияларидан фойдаланган ҳолда бир неча луғатларни ишлатиб комплекс қидирув бажариши мумкин.

Тизим Авторитет файллардан фойдаланиб қидирув бажариши (ва ахборот киритиши) мумкин.

Фойдаланувчи маълумотлар базаси билан иш бошламай туриб, тизимдаги бир қатор маълумотномаларни ўз талабига мослаштириши мумкин. Масалан, «канал поступления» (ҳужжатларни кутубхонага келиб тушиш канали), «Место хранения» (Сақлаш жойи), «ФИО исполнителей» (Бажарувчилар фамилияси, исми, шарифи) ва фойдаланувчи тўғрисидаги бир қатор маълумотномаларни аввалдан киритиб қўйиши мумкин.

ИРБИС тизимининг электрон каталогида ахборотларни ифодалаш формати сифатида UNIMARC халқаро коммуникатив формати олинган. Шу туфайли ҳам тизим маълумотлар базасини, MARC форматлар оиласига мансуб форматларга эга бўлган бошқа ахборот тизимларига конвертация қилиши мумкин.

Тасвир, нашрнинг ўзидан тўғридан-тўғри ЭК нинг МБ сига киритилиши ёки фондни бутлаш МБ сидан нусха олиниб ўтказилиши мумкин.

Ахборот киторилаётганда, киритилган нашр тўғрисидаги маълумотлар такрорланмаслиги учун автоматик тарзда формал-мантикий назорат олиб борилади, яъни киритилган ҳужжат (маълумотларнинг асосий библиографик элементлари мажмуига нисбатан «дублет» эмаслиги назорат қилинади).

Кодлаштирилган ахборотлар маълумотномалар орқали киритилади: ташкилотлар номи, кенгашлар ва бошқалар МБ сининг луғатларидан фойдаланиб киритилиши мумкин. Бир ҳилдаги маълумотларни киритишда «мултиввод» дан фойдаланиш мумкин. Бу воситаларнинг барчаси киритишни соддалаштиради ва хатоларни камайтиради.

Аналитик тасвир қуйидаги тўрт усулнинг биридан фойдаланган ҳолда яратилади:

- «Оглавление» (мундарижа) майдонидан мақола ҳақидаги маълумотлар янги ҳужжат учун кўчириб ўтказиш орқали бажарилади (бунда фақат унинг тартиб номери берилади) - бундай ҳолда ҳосил қилинган ёзувда

манба тўғрисидаги маълумотлар (журнал сони) ва аниқ маълумотлар кўчириб ўтказилади;

- Янги ҳужжатга фақат манба тўғрисидаги маълумотлар (журнал сони) ва аниқ бир мақола тўғрисидаги маълумотлар кўчириб ўтказилади;
- Янги ҳужжатга унга ўхшаш бошқа бир манба тўғрисидаги мақола тўғрисидаги маълумотлар кўчириб ўтказилади ва тўғриланади;
- Маълумотлар клавиатура ёрдамида терилади.

Фойдаланувчининг истагига кўра аналитик тасвир умумий МБ сига ёки алоҳида яратилган МБ сига жойлаштирилиши мумкин.

1.10. Китобларга буюртма бериш ва уларнинг кутубхонага келиб тушиши

«Фондни бутлаш» АИЖнинг маълумотлар базасида китоб библиографик тасвирининг дастлабки маълумотлари киритилади. Дезидератлар ёки бевосита буюртма берилган китоблар киритилади: маълумотларни киритиш бевосита клавишалар орқали ёки нашриёт каталоглари орқали киритилади; Буюртма воситачиси – нашр қилувчилар, тарқатувчилар ёки китоб савдоси билан шуғулланувчилар ҳақидаги маълумотларни киритиш; буюртмани расмийлаштиришда китоб қайси бўлим учун олинганлиги кўрсатилади, буюртманинг чиқиш ҳужжатларини тайёрлаш (конверт учун адрес, Воситачига жўнатиш учун почта карточкаси); китобга берилган буюртмаларни назорат қилиш; бажарилмаган ёки тўлиқ бажарилмаган буюртмалар учун луғатларни юритиш (ташкilotлар, буюртма санаси, номери бўйича саралаш); аввалдан ўтказилиб қўйилган маблағларнинг ҳолатини аниқлаш (кам сарфланган ёки кўп сарфланган).

Китобларнинг биринчи партияси қабул қилиб олинганда анъанавий кутубхона технологиясидан фарқли равишда, биринчи операция бажарилади, яъни ЙИҒма ҳисобга олиш китобига (ЙҒОК) (Книга суммарного учёта КСУ) янги ёзув (йўлловчи ҳужжатдан олинган қисқа маълумотлар асосида) киритилади. Сўнгра мазкур партиядан олинган китобларнинг библиографик тасвири ёзувига нусхалар тўғрисидаги маълумотлар (инвентар номерлар ёки штрих кодлар киритилади), китобнинг нархи аниқланади (ҳар бир китобнинг алоҳида нархи ёки ҳаммаси учун умумий нарх), зарур бўлганда библиографик тасвир тўғриланади. Олинган ҳар бир китобнинг ёзуви сақланаётганда китобнинг йИҒма ҳисобга олиш рақами, бажарувчининг исм-шарифи, ёзув тўғриланган сана автоматик тарзда киритилади. Бу маълумотлар фойдаланувчи томонидан аввалдан киритилган бўлади.

Олинган партиядан ишлов берилгандан сўнг «Пополнение записи КСУ» (ЙҒОК даги ёзувни тўлдириш) режими бажарилади, яъни ҳар бир бўлим учун олинган партиядан турли аспектлар бўйича таҳлил қилинади.

- Балансга олинган ва балансга олинмаган китоблар номи ва нусхаси, уларнинг умумий қиймати;

- Партиянинг нашр кўринишлари бўйича тақсимланиши (китоб, рисола, журнал, газета ва бошқаларнинг нусхалари);
- Ўқув адабиётлари сони ва номи;
- Ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар нусхаси;
- Мамлакатимизда ва чет элларда чоп этилган адабиётлар нусхаси;
- Чет эл адабиётлари учун - китоблар ва журналлар сони ва валютага олинганларининг сони;
- Фондлар бўйича тақсимланиши (ноёб китоблар фонди, депозитарий ва бошқалар);
- Хужжатларни типига қараб тақсимлаш: электрон нашрнинг микроформалари, карталар, ноталар;
- Тиллар бўйича тақсимланиши;
- Фойдаланувчилар томонидан чоп этилган ишлар (илмий ишлар, услубий қўлланмалар, илмий ишлар бўйича ҳисоботлар);
- Билимлар бўлимлари бўйича тақсимланиши (15 бўлимгача ёки УДК, ББК ёки махсус маълумотнома асосида);

Олинган китоблар партиясини учун чиқиш хужжатлари тайёрланиши мумкин: инвентар китоб варақалари, китобни қайд қилиш варақаси; китобни фондга келиб тушганлиги тўғрисида маълумотнома; йиғма ҳисобга олиш китобининг варақлари; маълум бир даврда келиб тушган китобларнинг якуний ҳисоботи-тўлиқ шакли, ҳар бир бўлим учун алоҳида ва умумий ҳисобот, йиғма ҳисобга олиш китобининг варақалари-партиядаги хужжатларнинг кўринишлари бўйича, билимлар бўлимлари, тили бўйича тақсимланиши.

Китобларнинг тасвири ЭК МБ га янги ёзув сифатида узатилади. Бунда бир нашр тўғрисидаги маълумотлар такрор узатилмайди. Агарда ЭК га киритилган нашрнинг яна бошқа бир нусхаси келса, у ҳақдаги ёзув янги ёзув сифатида эмас, балки аввалгиларига қўшимча сифатида қўшиб қўйилади.

ЭК га узатилаётган библиографик тасвир фойдаланувчининг истагига қараб, каталоглаштириш, предметлаштириш, тизимлаштириш босқичларидан ўтиши ва унга турли тоифадаги мутахассислар томонидан ёки фойдаланувчининг эҳтиёжига кўра ва ишни ташкил қилишига кўра ягона мутахассис томонидан тузатишлар киритилиши мумкин.

Ишни соддалаштирилган вариантда ҳам ташкил қилса бўлади, бунда библиографик тасвир ЭКнинг МБсига «Каталогизатор» автоматлаштирилган иш жойидан киритилади

Китобларнинг ёзуви ЭК МБ сига узатилгандан сўнг, улар «Комплектование» (фондни бутлаш) МБсидан ўчирилиши мумкин. Йиғма ҳисобга олиш китоби (ЙҲОК) даги ёзувлар ҳар бир партияди китоблар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиб, мазкур МБ сидаги асосий ёзувларни ташкил қилади. Уларга асосланиб фонднинг ҳолати ва хужжатнинг фонддаги айланишини кузатиш мумкин. Агарда китобдан яна бошқа нусхалар сотиб олинса, керакли библиографик тасвир ЭК нинг МБ сидан нусха олиниши ва янги нусхалар тўғрисидаги маълумотлар киритилгач, бу маълумотлар

умумий технология асосида ЭК МБ сига мавжуд ёзувга тузатишлар киритилиши сифатида тақдим қилинади.

1.11. Адабиётларни рўйхатдан ўчириш

Адабиётларнинг кутубхонага келиб тушиши сингари, уларни рўйхатдан ўчириш жараёнида ҳам биринчи операция, йиғма ҳисобга олиш китобида рўйхатдан чиқарилаётган китоб тўғрисидаги ёзувни киритиш ҳисобланади. Бунда чиқарилаётган ҳужжатнинг йўлловчи ҳужжатидан қисқа маълумотлар киритилади: бирор-бир бўлимдан чиқарилаётган барча партиядоги ҳужжатларга ишлов берилгандан сўнг, йиғма ҳисобга олиш китобидаги ёзув, турли меъёрлар асосида ҳисобдан чиқарилаётган ҳужжатлар тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдирилади.

Нусхаларни рўйхатдан ўчириш маълумотини киритишда уларнинг баъзи бирларини бошқа бўлимларга бериш ҳолати, ҳамда янги нусха сотиб олиш ҳам белгиланади. Мазкур далолатнома асосида адабиётларни рўйхатдан ўчириш жараёни тугаллангандан сўнг, ЭК нинг МБ сидаги рўйхатдан ўчирилган барча ҳужжатларнинг барча нусхалари ўчирилганлиги автоматик равишда таҳлил қилинади. Рўйхатдан ўчирилган ҳужжатлар ЭК МБ сидан ўчирилиши мумкин, аммо ҳисобдан чиқарилган баъзи бир ҳужжатлар ўрнига янгиси сотиб олиниши керак бўлганлари фақат ЭК МБ сидан ўчирилиб қолмай, балки «Комплектатор» (фондни бутлаш) МБ сига ўтказилади бу эса, ўз навбатида, янги нусха сотиб олинганда унинг библиографик тасвирини қайтадан киритишнинг олдини олади. Адабиётлар партиясини рўйхатдан ўчириш жараёни натижаларига кўра, чиқиш ҳужжатлари ҳосил қилиниши мумкин: бўлимдан китобни чиқарилиши (фондда уларнинг ҳаракати ҳисобга олинмаган ва ҳисобга олинган ҳолда) тўғрисидаги маълумотнома; кутубхона фондидан китобларни чиқариш тўғрисида далолатнома ва китоблар рўйхати; сотиб олиниши зарур бўлган китоблар рўйхати; чиқарилаётган китоблар партиясини ҳисобга олингандан сўнг фонднинг ўзгариши тўғрисида маълумотнома; ҳисобдан чиқаришнинг йиғма ҳисобга олиш китобининг варағи - партиянинг ҳужжат кўринишлари: билимлар бўлимлари, характери, тили ва бошқалар бўйича партиянинг тақсимланиши; ҳужжатларни йиғма ҳисобдан чиқариш китобининг варағи (қисқа ёки тўлиқ формаси).

Чиқиш ҳужжатлари тайёрланаётганда рўйхатдан ўчирилаётган нусхаларнинг баҳоси, уларнинг сотиб олинган санасига қараб, қайта ҳисобланади, бунда қайта ҳисоблаш файлидаги маълумотлардан фойдаланилади, уни ҳар бир фойдаланувчининг ўзи мустақил яратади.

1.12. Даврий нашрлар билан ишлаш

Газета ва журналларга обуна бўлиш «комплектование» МБ да бажарилади. Бунда «АДРЕСАТ» ва «ОБУНАЧИ» тушунчаларини фарқлаш талаб қилинади: бир неча бўлимлар обуна бўлган даврий нашрлар бир адресга келиб тушади. АДРЕСАТ МБ сига алоҳида ёзув сифатида, обуна

бўлинаётган даврий нашрларнинг библиографик тасвири сингари бир маротаба ёзилади. Чиқувчи ҳужжат «Лист-заявка» алоҳида Адресатлар учун тайёрланади ва уларда қисқа ва кенгайтирилган (ҳар бир нашр учун обуна даври ва етказиб бериш нархи) маълумотлар келтирилади; умумий якун бўйича йиғинди саҳифалар бўйича ҳужжатнинг охирида келтирилади. Абонемент карточкаси бир пайтда ёки берилган адресат бўйича ёки обуна расмийлаштирилган барча адресатлар учун олиниши мумкин. Бундан ташқари «Итоговое данные о подписки отделов» (бўлимларнинг обунаси тўғрисидаги якуний маълумотлар) орқали қисқа ёки тўлиқ шаклда маълумот олиш мумкин. Обуна ҳақидаги маълумотлар аввалги маълумотлар асосида узайтирилиши мумкин. Гуруҳ бўлиб обуна бўлишни автоматлаштирилган ҳолда ташкил қилса бўлади. Обуна кейинги муддатга узайтирилганда (йил, ярим йил, чорак) аввалги обуна ҳақидаги маълумотлар автоматик тарзда архив майдонларига ўтказилади ва улардан кейинги таҳлиллар (обуна индекси, нархи, Адресатлар ва Обуначилар, бўлимлар бўйича нусхалар сони) учун фойдаланиш мумкин. Архив майдонларининг маълумотлари асосида ихтиёрий давр учун бир бўлимнинг ёки адресатнинг обунаси ёки умумий обуна тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин.

Булардан ташқари навбатдаги обунага тайёргарлик кўрилатганда, тизим фойдаланувчининг МБ даги нашриёт каталогини текшириб кўради (агарда бунда, каталог матн ёки ISO файл кўринишида тақдим қилинган бўлиб, ИРБИС структурасига эга бўлса, ёки стандарт коммуникатив формат шаклида бўлиб, нашриёт каталогининг алоҳида МБ сига импорт қилинган бўлса). Айни пайтда, содир бўлган ўзгаришлар (нархда, нашр қилиш даврида) нашрларнинг библиографик тасвирига автоматик тарзда киритилади; бир пайтнинг ўзида янги обуна каталогида мавжуд бўлмаган нашрларнинг индекслари аниқланади.

Обуна расмийлаштирилган нашрлар тўғрисидаги маълумотлар узатилаётганда, ЭК МБ га библиографик тасвирнинг маълумотлар элементи ҳамда буюртирилган нусхалар, уларнинг йўналиши, кутилаётган сонлар оралиқлари, ҳар бир соннинг нархи кўчириб ўтказилади. Обуна узайтирилганда ЭК га автоматик равишда фақат кутилаётган янги сонлар тўғрисидаги маълумотлар ўтказилади, улар аввал узатилган библиографик тасвирлар асосида ҳосил қилинади. Буларнинг бари келиб тушган сонларни ҳисобга олишни осонлаштиради. Ҳар қандай ҳолда ҳам тизим ҳужжатни ЭК нинг МБ сига такрорий киритилишининг олдини олади («Контролируемые переносы» (назорат қилинадиган кўчириб ўтказиш) режими). Такрорий узатишга ҳаракат қилинганда тизим, ўтказиб юборилган ҳужжатлар сони ва тўғриланган ҳужжатлар рақами ва сони ҳақидаги хабарни беради.

ЭК нинг даврий нашрлар библиографик тасвири ёзувига қўшимча махсус маълумотлар киритилиши мумкин:

- «Количественные характеристики издания на нетрадиционном носителе» (ноанъанавий ташувчидаги нашрнинг сонли характеристикаси)-бунда нашрнинг алоҳида сонлари ҳақидаги маълумотлар киритилади (ўлчов бирлиги ва ҳажми, иллюстрациялар,

йўлловчи материаллар мавжудлиги, катталиги (матнли материаллар, нота, карталар учун, упаковка кўринишида). Стандарт матнли босма нашр бўлмаган нашрлар учун маълумотлар (ноталар, аудиовизуал материаллар ёки ноанъанавий ташувчидаги нашрлар) бир маротаба киритилиб, алоҳида сонини кўришда ҳар сафар кўриш мумкин бўлади.

- «Приложения к номеру» (сонга илова) – бу ҳолда нашрнинг босма сони билан бирга бир ёки бир неча бошқа ташувчиларда иловалар келган бўлади, улар алоҳида сақланади ва алоҳида ҳисобга олинади. Майдон турли иловалар учун такрорланади ва қуйидаги маълумотларни сақлайди: шифр, ташувчининг кўриниши, сақлаш жойи, илова (эркин ахборот, масалан, илованинг мазмуни ҳақида). Бу майдонга ахборотларни киритиш иловаларни ҳисобга олишни осонлаштиради - (менюдан фойдаланган ҳолда) ташувчининг кўрсатилиши билан барча ахборотлар автоматик тарзда мазкур майдондан кўчириб ўтказилади.
- «Начальный № выпуска в году» (жорий йилда чиқадиган нашр сонининг бошланғич сони) – давомли сонларга эга нашрларга мўлжалланган бўлиб, олинган комплектларнинг тўлиқлигини назорат қилади ва «Не поступившие номера журналов» (келмаган журналларнинг сони) чиқиш ҳужжатини тайёрлайди.

Китоб билан таъминланганлик

Ҳозирги пайтда учта маълумотлар базаси: «Электрон каталог», «Китобхонлар» ва «VUZ» асосида янги технологик масалани, олий ўқув юртини китоблар билан таъминланганлигини аниқлаш масаласи ҳал қилинмоқда. Бу масалани ҳал қилиш учун «VUZ» МБ сига ўқув режалари, фанлар ва бошқа маълумотлар киритилиши лозим бўлади. Бу технология ихтиёрий оригинал маълумотларни бир маротаба киритиш ва зарур бўлганда бошқа майдонларга кўчириб ўтказишга мўлжаллангандир.

1.13. ИРБИС тизимининг «Каталоглаштирувчи» автоматлаштирилган иш жойида нашрларни тасвирлаш


Каталоглаштирувчининг автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизими (АКАТ) даги иши «НАСТРОЙКА» (созлагич) тугмасини босиб иш тартибини ўрнатишдан бошланади (1-расм). Бу пунктда каталоглаштирувчи иш кунини, ўз фамилияси, исми, шарифини киритади. Тегишли параметрлар киритилгач «Применить» (қўллаш) тугмаси босилади.

Шундан сўнг керакли иш варақаси танланади (2-расм):


- РАЗК – китобни муаллиф ёки доимий жамоавий муаллифлар остида тасвирлашга мўлжалланган иш варақаси;
- РВК – китобни вақтинчалик жамоавий муаллифлар остида тасвирлаш (конференция материаллари);

- SPEC – кўптомликнинг алоҳида томи учун иш varaқаси;
- ASP – алоҳида мақолани аналитик тасвирлашга мўлжалланган иш varaқаси;
- OJ – журналларни тасвирлашга мўлжалланган иш varaқаси;
- IBIS – содалаштирилган библиографик тасвирга мўлжалланган иш varaқаси;
- PRF – фондни текширишга мўлжалланган иш varaқаси.

Тегишли маълумотлар базаси танлангандан сўнг, тизимнинг саҳифалари билан ишлашга ўтамиз.



1-расм.



2-расм.

Тизимнинг биринчи саҳифаси киритилаётган нашрларни такрорий киритиш олдини олишга мўлжалланган (3-расм). Маълумотлар базасига бир маротаба киритилган китобни такрор киритмаслик учун қуйидаги майдонларга киритилаётган маълумотлар назорат қилинади:

- Тасвир сарлавҳаси (индивидуал ёки жамоавий муаллиф),
- Сарлавҳа,
- Нашр қилинган йил,
- ISBN – китобнинг халқаро стандарт номери.

Китоб киритилаётганда тизим китобнинг базада борлигини кўрсатса (4-расм) «ПОИСК» (қидириш) режимига ўтамиз ва такрор киритилган китобни қидириб топамиз ва тегишли тузатишлар киритамиз. Масалан, янги инвентар номерлар киритишимиз мумкин. Шундан сўнг майдонларни бўшатиб кейинги китобни такрор киритилганлигини текширишимиз мумкин. Агарда киритилаётган китоб такрор киритилмаётган бўлса, кейинги саҳифага – «ОСНОВНОЕ БО» (асосий БТ) (5-расм) ўтишимиз мумкин. Бу ерда шуни қайд этиш лозимки, «ДУБЛЕТНОСТЬ» саҳифасида киритилган маълумотлар сақланади ва биз кейинги зарурий майдонларни тўлдира бошлаймиз:

Бошқа муаллифлар (2, 3, ва ҳ.к.з), агарда муаллифлар учтадан кўп бўлса, тасвир сарлавҳасидаги муаллиф олиб ташланади.

Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар, улар иккига бўлинган:

- биринчи маълумотлар, муаллифлар, муҳаррирлар ва ҳ.к.з;
- иккинчи маълумотлар, ташкилотлар (жамоалар);
- Ҳужжат тўғрисидаги махсус маълумотлар (хисобот, электрон ресурс ва бошқалар);

- Чиқиш маълумотлари (Нашр қилинган жой, нашриёт);
- Нашринг сонли характеристикаси;

Бу ерда шуни эсда тутиш керакки, тизимнинг саҳифаларидаги майдонларга маълумотлар клавиатура ёки луғатлардан фойдаланиш ҳамда авторитет файллар ёрдамида киритилиши мумкин. Бу саҳифани тўлдиргач «РАСШИРЕННОЕ БО» (кенгайтирилган БТ) саҳифасини тўлдиришга ўтамиз (6-расм). Зарур бўлган ҳолларда қуйидаги майдонларни тўлдирамиз.


- Бошқа сарлавҳа (Другие заглавия);
- Илова (Примечания);
- Серия тўғрисида маълумот ва бошқалар. (Сведения о серии и т.д.);

Агарда киритилаётган китобда автограф, экслибрис ва бошқа белгилар қўйилган бўлса ва бошқа зарур ҳолларда «Редкие» (нодир) (7-расм) саҳифаси тўлдирилади.


«Коды» (8-расм) саҳифасига китобнинг кодлаштирилган маълумотлари: ISBN, китоб баҳоси ва унинг физик характеристикалари киритилади.

«ЭКЗЕМПЛЯРЫ» (нусхалар) (9-расм) саҳифасида қуйидаги майдонлар тўлдирилади:

- Нусха мақоми (Статус экземпляра);
- Нусха сақланаётган жой (Место хранения экземпляра);
- Инвентар рақами;
- Нусхага берилган Штрихкод;
- Нусхалар сони ва бошқа зарур маълумотлар.



3-расм.



4-расм.

«СИСТЕМАТИЗАЦИЯ» (системалаштириш) саҳифаси (10- расм) УДК, ББК, ГРНТИ ва кутубхонада қўлланилаётган бошқа ихтиёрий индекслар тўғрисидаги маълумотларни сақлайди. Бу ерда китобнинг тоқчадаги шифри ва автор белгиси,

ИРБИС - АРМ "Каталогизатор" - Ташкентский Государственный институт культуры им. Абд...

База данных: MFN | Результаты поиска | Отмеченные | MFN (новый) | Макс. MFN: 75

БД: IBIS - Тестовая библиотечная БД | Импорт | Новый | Сохранить | Отменить

Название элемента	№	Значение
1-й автор - Заголовок описания		
Другие индивидуальные авторы	1	
Редакторы, составители, композиторы ...	1	
1-й коллектив (организация) - заголовок описания		
1-й Врем. коллектив - заголовок описания		
Другие коллективы, не входящие в заголовок	1	
Другие врем. коллективы, не входящие в заголовок	1	
ОБЛАСТЬ ЗАГЛАВИЯ : Заглавие, доп. данные		
Выпуск, часть (Номер-заглавие)		
Другие (2-я и следующие статьи сборника)	1	
СВЕДЕНИЯ ОБ ИЗДАНИИ		
Сведения об издании НТД и ЮД	1	
ВЫХОДНЫЕ ДАННЫЕ	1	

Дублированность | Основное БО | Расширенное | Редкие | Коды | Экземпляры | Систематизация | Технология | Добавочные

Формат: Оптимизирован | РЛ: PAKK - Описание книги

Печать КК | Добавить | Очистить | Удалить | По умолчанию

ОПИСАНИЕ типа "ПОД АВТОРОМ" | Заполнять, если авторов не больше 3-х

Поиск | Просмотр/Вывод | Ввод | Настройка | Помощь

Рабочий лист для ввода/корректировки текущего документа | 11:56 | 00:26

Пуск | Microsoft Word | Irbisc | 11:56

5-расм.

ИРБИС - АРМ "Каталогизатор" - Ташкентский Государственный институт культуры им. Абд...

База данных: MFN | Результаты поиска | Отмеченные | MFN (новый) | Макс. MFN: 75

БД: IBIS - Тестовая библиотечная БД | Импорт | Новый | Сохранить | Отменить

Название элемента	№	Значение
Общие примечания	1	
Примечания о языке	1	
Примечания о наличии библиографии		
Примечания об интеллект. ответственности		
Примечания о диссертации		
Самостоятельное приложение	1	
Издание, к которому относится приложение	1	
Унифицированный заголовок формы		
ОБЛАСТЬ СЕРИИ	1	
Параллельные заглавия	1	
Разночтение заглавий	1	
Транслитерированное заглавие		
"Другое" заглавие		

Дублированность | Основное БО | Расширенное | Редкие | Коды | Экземпляры | Систематизация | Технология | Добавочные

Формат: Оптимизирован | РЛ: PAKK - Описание книги

Печать КК | Добавить | Очистить | Удалить | По умолчанию

Включая дополнения и изменения НТД

Поиск | Просмотр/Вывод | Ввод | Настройка | Помощь

Текущий документ, представленный в соответствии с текущим форматом показа | 11:57 | 00:28

Пуск | Microsoft Word | Irbisc | 11:57

6-расм.

ИРБИС - АРМ "Каталогизатор" - Ташкентский Государственный институт культуры им. Абд...

База данных: MFN | Результаты поиска | Отмеченные | MFN (новый) | Макс. MFN: 75

БД: IBIS - Тестовая библиотечная БД | Импорт | Новый | Сохранить | Отменить

Название элемента	№	Значение
Примечания о наличии автографов	1	
Экслибрис	1	
Пометки автора	1	
Пометки в ладельца коллекции	1	
Состояние (сохранность) предмета	1	
Примечание о технике изготовления предмета	1	
В томе подборки также переплетены ...	1	

Дублетность / Основное БО / Расширенное / Редкие / Коды / Экземпляры / Систематизация / Технология / Добавочные

Формат: Оптимизирован | РЛ: PAZK - Описание книги

Печать КК | Добавить | Очистить | Удалить | По умолчанию

Поиск | Просмотр/Вывод | Ввод | Настройка | Помощь

Список форматов показа документов текущей БД | 58 | 00:28

Пуск | Microsoft Word | Irbis | 11:58

7-расм.

ИРБИС - АРМ "Каталогизатор" - Ташкентский Государственный институт культуры им. Абд...

База данных: MFN | Результаты поиска | Отмеченные | MFN (новый) | Макс. MFN: 75

БД: IBIS - Тестовая библиотечная БД | Импорт | Новый | Сохранить | Отменить

Название элемента	№	Значение
Коды : тип, вид, характер документа	05	
Страна		RU
Язык основного текста	1	rus
Язык резюме	1	
Язык документа (дополн. данные)	1	^Arus^N0102
ISBN, Цена	1	
ISSN	1	
Идентификац. номер нетекстового материала	1	
Шифр приложения, хранящегося отдельно	1	
Краеведение		
ФИЗИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ: кинофильм	1	
Визуально-проекционный материал	1	
Видеозапись	1	

Дублетность / Основное БО / Расширенное / Редкие / Коды / Экземпляры / Систематизация / Технология / Добавочные

Формат: Оптимизирован | РЛ: PAZK - Описание книги

Печать КК | Добавить | Очистить | Удалить | По умолчанию

Поиск | Просмотр/Вывод | Ввод | Настройка | Помощь

Дополнительные функции - правая кнопка мыши | 59 | 00:29

Пуск | Microsoft Word | Irbis | 11:59

8-расм.

ИРБИС - АРМ "Каталогизатор" - Ташкентский Государственный институт культуры им. Абд...

База данных: MFN | Результаты поиска | Отмеченные | MFN (новый) | Макс. MFN: 75

БД: ИБИС - Тестовая библиотечная БД | Импорт | Новый | Сохранить | Отменить

Название элемента	№	Значение
Сведения об ЭКЗЕМПЛЯРАХ	1	

Дублетность / Основное БО / Расширенное / Редкие / Коды / Экземпляры / Систематизация / Технология / Добавочные

Формат: Оптимизирован | РЛ: PAKK - Описание книги

Печать КК | Добавить | Очистить | Удалить | По умолчанию

Поиск | Просмотр/Вывод | Ввод | Настройка | Помощь

Рабочий лист для ввода/корректировки текущего документа | 12:00 | 00:30

Пуск | Microsoft Word | Irbisc | 12:00

9-расм.

ИРБИС - АРМ "Каталогизатор" - Ташкентский Государственный институт культуры им. Абд...

База данных: MFN | Результаты поиска | Отмеченные | MFN (новый) | Макс. MFN: 75

БД: ИБИС - Тестовая библиотечная БД | Импорт | Новый | Сохранить | Отменить

Название элемента	№	Значение
Индексы УДК	1	
Индексы ББК	1	
Индексы другой классификации	1	
Авторский знак		
Шифр документа в БД		
Систематический шифр		
Раздел знаний		
Индексы ГРНТИ	1	
Предметная рубрика	1	
Географическая рубрика	1	
Издательский индекс	1	
Примечание о содержании		
Дескрипторы	1	

Дублетность / Основное БО / Расширенное / Редкие / Коды / Экземпляры / Систематизация / Технология / Добавочные

Формат: Оптимизирован | РЛ: PAKK - Описание книги


Печать КК | Добавить | Очистить | Удалить | По умолчанию

Поиск | Просмотр/Вывод | Ввод | Настройка | Помощь

Рабочий лист для ввода/корректировки текущего документа | 00:01 | 00:31

Пуск | Microsoft Word | Irbisc | 12:01

10-расм.



11-расм.

очкич сўзлар ва предмет рукнлари қўйилади. Уларни клавишалардан ёки луғатлардан фойдаланиб киритиш мумкин. Агарда бирор- бир тушунча тўғрисидаги сўз луғатдан топилмаса, бундай ҳолларда “НЕНОРМИРОВАННЫЕ” (меъёрлашмаган) майдонига керакли тушунчани ифодаловчи сўзни киритиш мумкин. Қолган бошқа майдонлар заруратга қараб тўлдирилади.

«ТЕХНОЛОГИЯ» (11 - расм) саҳифаси қўшимча каталог карточкасини шакллантириш учун зарур бўлган майдонларга эга.

Ахборотларни киритишдаги тўлиқлик каталогни юритувчи ташкилот томонидан каталоглаштириш усулининг танланишига боғлиқ.

Маълумотларни киритишда қуйидагилар мажбурий элементлар ҳисобланади: **Сарлавҳанинг мавжудлиги, ШТРИХКОД нинг такрорланмаслиги ва нусхада мақомнинг мавжудлиги. Қолган бошқа элементлар диагностик ҳисобланади ва киритишни блокировка қила олмайди.**

Бир нашрнинг қолган томлари ҳам киритилаётганда аввал киритилган томнинг маълумотлари нусхасини кўчириб олиш ва таҳрир қилиш имконияти мавжуд. Библиографик тасвири тузгандан сўнг, уни кўриб чиқиш деразасида кўриш ва зарур бўлганда унга тузатишлар киритиш мумкин.

Агарда кутубхона карточкали каталог юритаётган бўлса “ПЕЧАТЬ КК” (каталог карточкасини босиб чиқиш) буйруғи орқали уни кўриши ва босиб чиқариши мумкин. Карточканинг асосий қисми ва унинг орқа томонини босиб чиқариш мумкин.

Тизим библиографик ёки системали кўрсаткичларни ва бошқа библиографик рўйхатларни тайёрлаш имкониятига эга.

1.14. Кўп томлик нашрларни киритиш

Том тасвирини мустақил нашр сифатида ҳам киритиш мумкин ва бундай ҳолда иш бир томли нашрларни киритиш сингари бажарилади. Бошқа вариантда иш ташкил қилинганда клавиатура орқали киритилаётган ахборот ҳажми камаяди ва бунда кўп томлик нашрнинг муаллифи ёки умумий қисми бўйича қидирув бажарилиши керак бўлади. Бунинг учун қуйидагиларни бажариш лозим:

- «ПОИСК» (қидириш) иш варақасига ўтиш керак;
- «Вид поиска» (қидириш кўриниши) менюсидан «Автор» (муаллиф) ёки «Заглавие» (сарлавҳа) танланади;
- «КЛЮЧ» майдонидан, скорлинг ва «ПОЛНОСТЬЮ» (тўлиқ) тугмаларидан фойдаланиб луғатдан керакли ҳужжат топилади;
- У белгиланади ва «ВВОД» (киритиш) тугмасини босиш ёки сичқонча билан кетма-кет икки маротаба чертиш орқали танланган атамалар «Текущий запрос» нинг ишчи соҳасига кўчириб ўтказилади;
- «ВЫПОЛНИТЬ» (бажаринг) тугмаси босилгандан сўнг натижа «НАЙДЕНО ДОКУМЕНТОВ ...» (топилган ҳужжатлар...) кўринишида кўрсатилади;
- «ПРОСМОТР/ВЫВОД» (кўриб чиқариш/чиқариш) иш соҳасига ўтамиз ва бу ерда автоматик тарзда «РЕЗУЛЬТАТ ПОИСКА» (қидирув натижалари) текислик ости ўрнатилади ва экранда охириги қидирув натижалари пайдо бўлади;
- «ПОЛНОСТЬЮ» (тўлиқ) тугмасини босиш орқали ҳужжатларни қисқа ёки тўлиқ форматда кўриш мумкин;
- керакли ҳужжатни танлаш учун «ОТМЕТИТЬ» (белгилаш) тугмаси босилади.

Агарда қидирув натижасига кўра, маълумотлар базасига мазкур нашрнинг томлари киритилган бўлса, «Копирование в новый документ по результатам поиска» (қидирув натижаларига кўра янги ҳужжат яратиш) пункти орқали иш бажарилади. Агарда қидирув натижасида ҳеч қандай натижа олинмаса, яъни нашр биринчи маротаба киритилаётган бўлса, бундай ҳолатда «Ввод с клавиатуры» пункти орқали киритиш бажарилади.

1.15. Қидирув натижаларига кўра топилган ҳужжатдан нусха олиш йўли билан янги ҳужжатни киритишда фойдаланиш

Ҳужжатлардан нусха олишни турли текисликларда икки хил тартибда амалга ошириш мумкин:

1. «ПРОСМОТР/ВЫВОД» (кўриб чиқиш/чиқариш) текислигида – қидирув натижалари бўйича ёки белгиланган ёки маълумотлар базасидаги берилган

оралиқ рақамлари бўйича нусха олишнинг барча бир хил параметрлари бўйича, бир гуруҳ ҳужжатлардан нусха олишда;

2. "ВВОД" (киритиш) текислигида – экраннинг юқори қисмидаги ёрлиқ - тугмачасини босиш орқали экранга чиқарилган бир ҳужжатдан нусха олишда;

Икки ҳолда ҳам нусхаси олинаётган ҳужжат маълумотлар базасида (БАЗА ДАННЫХ/MFN текислик остида) рақами кўрсатилган ёки мос текислик остида бажарилган натижалар асосида берилади.

Иш қуйидаги босқичларда бажарилади:

- топилган ҳужжатлар қисқа ёки тўлиқ форматларда кўриб чиқилади "ПРОСМОТР/ВЫВОД – РЕЗУЛЬТАТЫ ПОИСКА" (кўриб чиқиш – қидирув натижалари);
- Янги тушаётган адабиётлар библиографик тасвирга яқинроқ бўлган бир ёки бир неча ҳужжатларни "ОТМЕТИТЬ" (белгилаш) белгилаб олиш;
- Юқорида кўрсатилган нусха олиш усулларида бирини танлаш;
- Майдонларни танлаш жадвалидан қайта форматлашни аниқлаш;
- Янги ҳужжатлар кўчирилиб ўтказиладиган маълумотлар базасини ўрнатиш;
- «ВЫПОЛНИТЬ» (бажаринг) тугмасини босиш – жараён тугаллангандан сўнг экранда нусхаси олинган ҳужжатлар сони ва рақамлари пайдо бўлади;
- «ВВОД» (киритиш) текислигига ўтиб майдонларни тўлдириш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда тўғриланади; барча ҳолларда сарлавҳа, чиқиш маълумотлари ва сонли характеристикаларни киритишга алоҳида эътибор бериш керак;
- Янги саҳифага ўтишдан аввал ҳужжатни кўриб чиқиш тавсия этилади;
- Киритиш жараёни тугаллаш «СОХРАНИТЬ» (сақлаш) тугмасини босиш орқали бажарилади. Бундан аввал, албатта каталоглаштирилувчи нашр библиографик тасвирини экранда тўғри киритилганлигини текшириб кўриш лозим.

1.16. Клавиатура орқали киритиш

Иш қуйидаги босқичларда бажарилади:

- "БАЗА ДАННЫХ/MFN" (маълумотлар базаси/MFN, бу ерда MFN маълумотлар базасига киритилган ҳужжатнинг сонини кўрсатади) текислик остининг "ВВОД" (киритиш) ишчи текислигига ўтилади;
- Сичқонча билан "НОВЫЙ" (янги) тугмасига чертилади;
- Пастга қараб очилувчи иш варақаси менюсидан том учун библиографик тасвир тузишнинг анъанавий усулига мос иш варақаси танланади;

- Бир ёки турли нашрларнинг бир неча томларини киритишда улар учун умумий бўлган маълумотлар киритилади ва «По умолчанию» тугмаси босилади;
- Умумий қоидаларга риоя қилган ҳолда иш варақасининг саҳифалари кетма-кет тўлдирилади;
- Киритиш жараёни тугаллаш «СОХРАНИТЬ» (сақлаш) тугмасини босиш орқали бажарилади. Бундан аввал, албатта, каталоглаштирилувчи нашр библиографик тасвирини экранга тўғри киритилганлигини текшириб кўриш лозим.

1.17. ИРБИС тизимидан фойдаланиб, авторитет файллар яратиш

Норматив/авторитет ёзув (Authority Record) ёзув учун жавобгар бўлган каталоглаштирувчи ташкилот томонидан яратилади ва унинг мазмуни бирор-бир шахс номидан, ташкилот номидан, предмет, мавзу ва асар номидан иборат бўлиши мумкин. Ёзувнинг юқорида кўрсатилган асосий қисми мазмунига кўшимча равишда ахборот иловаси, сарлавҳаларнинг барча вариантлари ва боғланган сарлавҳалар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Улардан ахборот манбаларига иловалар, ёзув учун жавобгар бўлган каталоглаштирувчи ташкилот тўғрисида маълумотлар, боғланишлар (ҳаволалар) ҳамда норматив маълумотларни халқаро стандарт рақамларини шакллантиришда фойдаланиш мумкин. Авторитет ёзувлар асосан автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимларида ахборот кидирувининг тўлиқ ва аниқ бажарилишини таъминлайди [1].

Кутубхона технологияларини автоматлаштиришга киришган кутубхоналар автоматлаштириш ишини электрон каталог (ЭК) яратишдан бошламоқдалар [2,3,4]. Электрон каталог маълумотлар базасини тўлдириш анча машаққатли ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Малакали кутубхоначи-каталоглаштирувчи 15-20 дақиқада бир китобнинг тасвирини, аннотацияси билан биргаликда ЭК маълумотлар базасига кирита олади. Бир соатда 3 та китобнинг библиографик тасвири ЭК базасига киритилиши мумкин. Бир ойда бу каталоглаштирувчи 550 та, бир йилда 60000 та китоб тасвирини кирита олади. Шундай қилиб, 60 000 китоб фондига эга бўлган кутубхонада 1 кутубхоначи-каталоглаштирувчи фақат библиографик маълумотларни каталог маълумотлар базасига киритиш билан шуғулланганда кутубхона фондини 10 йилда ЭК фондига киритиб улгурар экан. Хўш, каталоглаштириш ишини тезлаштириш имкониятлари борми? Каталоглаштиришда «авторитет/норматив ёзувлардан» фойдаланиш яратилаётган каталоглар сифатини оширади ва ахборотларни киритишни тезлаштириш имкониятини яратади. Бу ниманинг ҳисобига бўлади? Президентимиз И.А.Каримов қаламига мансуб асарларни ЭК базасига киритиш жараёнини тасаввур қилайлик: Каталоглаштирувчи, автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимининг ЭК базасига ҳар сафар муаллифнинг исми, фамилияси, отасининг исми ва шунга ўхшаш муаллифга

тегишли бўлган ва айни пайтда унинг барча асарлари учун умумий бўлган библиографик маълумотларни ЭК базасига такрор киритади. Каталоглаштирувчи маълумотларни киритишда хатоликларга йўл қўймаган тақдирда ҳам, муаллифнинг 100 та асари киритилганда унинг фамилияси, исми ва шарифи 100 мартаба ёзилиши керак бўлади. Мамлакатдаги олимлар, машҳур кишилар, шоир ва ёзувчилар, сиёсатчилар тўғрисидаги маълумотлар йиғилиб, маълум бир тартибга солиниб, каталоглаштириш жараёнида бу ёзувлардан фойдаланиш каталоглаштириш жараёнига тезлаштирибгина қолмай, балки унинг сифатини ҳам оширади. Навоий, Ибн Сино, Беруний каби буюк алломаларни, Саид Аҳмад, Ҳамид Олимжон, Чархий каби ёзувчи ва шоирлар асарларини каталоглаштиришда қандай йўл тутилади? ЭК базасини тўлдиришда миллий авторитет/норматив файллардан фойдаланиш бу муаммони ҳал қилиш йўлларида биридир.

Каталоглаштирувчининг ўз фаолиятида авторитет/норматив файллардан фойдаланиши китобхонлар учун маълумотларни қидириш ва сўровни аниқ тузишда қўшимча имкониятлар яратади. Бундай ҳолда релевантлик тақдим қилинган авторитет/норматив файлларнинг таркиби ва тўлиқлигига боғлиқ бўлади. Авторитет ёзувларнинг маълумотлар базасидан анъанавий усулда фойдаланиш (юқорида кўрсатилган вазифаларни бажариш) билан бир қаторда, маълум бир ҳудудда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг статистикасини ҳам олиб бориш мумкин бўлади. Бундай имкониятга эга бўлиш учун тизимнинг 700\$ майдонини (муаллифнинг иш жойи) аниқ тўлдиришда ҳудуддаги илмий муассасаларнинг номидан иборат авторитет/норматив ёзувлардан фойдаланиш лозим бўлади

Кутубхоначилик иши бўйича эълон қилинган илмий-оммабоп мақолалар ҳамда дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмаларнинг электрон каталогини яратишда авторитет файллардан фойдаланишни кўриб чиқайлик. Мазкур ЭК кутубхоначилик иши билан қизиқувчи талабалар, магистрлар, аспирантлар ва профессор-ўқитувчилар учун жуда керакли ахборотлар манбаи бўлиши мумкин. Авторитет файллар яратиш ишини ахборотлар тўплашдан бошлаймиз [7,8].

Авторитет файллар базасини тўлдириш иши қуйидаги кетма-кетликда бажарилади:

Ахборот йиғиш:

- «Кутубхонашунослик ва ахборот тизимлари» таълим йўналишининг ўқув режасида кўрсатилган ихтисосликка оид фанлар рўйхати тузилади. Мазкур фанларнинг дастурларида кўрсатилган адабиётлар рўйхати тузилади. Мазкур рўйхат асосида институт кутубхонасидаги мавжуд адабиётларнинг библиографияси тузилади.
- «Кутубхона ахборот фаолиятини бошқарув» факультети кафедраларида хизмат қиладиган ўқитувчилар томонидан эълон қилинган илмий мақолалар, ўқув адабиётлари ва услубий кўрсатмалар тўғрисида маълумотлар тўпланади.

- Кутубхоначилик ишига оид халқаро ва республика миқёсида ўтказилган конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари материаллари тўпланadi.
- Кутубхоначилик ишига оид илмий мақола ва ўқув адабиётлари чоп этган мутахассислар тўғрисида маълумотлар йиғиш учун анкета тузилади.
- Тайёрланган анкеталар кафедра ўқитувчилари ва мутахассисларга тарқатилади.
- Тарқатилган анкеталар йиғиб олинади ва уларга ишлов берилади.

Кутубхоначилик иши бўйича чоп этилган ишлар рўйхатини Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти кутубхонасининг картотекасида, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси картотекасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФА асосий кутубхонасининг картотекасида фойдаланиш мумкин.

ИРБИС тизими ёрдамида авторитет файл маълумотлар базасини тўлдириш ва каталоглаштиришда мазкур авторитет файлдан фойдаланишни кўриб чиқамиз.

ИРБИС нинг «Каталогизатор» модулида Авторитет файл базаси учта иш варақаси билан тақдим қилинган. Бу иш варақалари киритилаётган ахборотларнинг тўлиқлиги ва характери билан фарқланади. Булар:

1. **ATHRA** – Индивидуал автор (ИА) авторитет/норматив ёзувни киритишга мўлжалланган иш варақаси.
2. **REF** – ИА га ҳавола қилинаётган (боғланган) ёзувни киритишга мўлжалланган иш варақаси.
3. **EXP** – ИА га маълумотнома ёзувни киритишга мўлжалланган ишчи варақаси.

ИРБИС электрон каталогининг бошқа маълумотлар базалари сингари мазкур ҳужжатни ҳам кўрсатишнинг бир неча шакллари мавжуд:

1. **ATHRAW** – асосий формат.
2. **INFOW** – ахборот берувчи формат.
3. **BRIEF** – қисқа библиографик тасвир шакли.
4. **Оптимал.**

Бу иш варақалари орасида **ATHRA** иш варақаси қолганларига (**REF**, **EXP**) қараганда тўлиқроқ ҳисобланади. «Индивидуал авторлар» авторитет файлини **ATHRA** иш варақаси асосида яратамиз.

ИРБИС тизимининг «Каталогизатор» автоматлаштирилган иш жойини ишга туширамыз, “БД” (маълумотлар базаси) майдонига **ATHRA** – авторитетный файл «Индивидуальные авторы» ни ўрнатамыз.

«ENTER» (киритиш) клавиши босилгандан сўнг, компьютер мониторида «Авторитет файл» базасини тўлдиришга имкон берувчи шакл пайдо бўлади.

Майдонларни тўлдиришни бошлаймиз, бунинг учун **«Заголовок – Основное (принятое) имя лица»:** (Сарлавҳа – шахснинг “қабул қилинган” асосий номи) майдонининг ўнг томонидаги маълумотлар киритишнинг кенгайтирилган воситасидан фойдаланиш имконини берувчи тугмани босамиз.

1. «Заголовок – Основное (принятое) имя лица»:

- **«Начальный элемент ввода (фамилия или имя лица)»** (киритишнинг дастлабки элементи (шахс фамилияси ёки номи): **Каримов;**
- **«Часть имени, кроме начального элемента ввода (остаток от начального элемента ввода)»**, (киритишнинг дастлабки элементидан бошқа қисми, яъни киритишнинг бошланғич элементининг қолган қисми) : **У. Ф.;**
- **«Идентифицирующие признаки имени»**, (номни идентификацияловчи белгилар):

Техника фанлари номзоди, ТДМИ «Информатика» кафедраси доценти, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси «Илмий ва маркетинг тадқиқотлари» бўлим мудир;

- **«Раскрытие инициалов личного имени»** (шахсий ном исми шарифини очиш): **Улуғбек Фозилович;**
- **«Даты» (сана): 1954 й. т.;**
- **«Графика»:** **Са;**
- **«Язык каталогизации»** (каталоглаштириш тили): **uzb;**
- **«Признак ввода имени лица, (шахс номини киритиш белгиси): ”имя лица вводится под фамилией” (шахс номи фамилия остида киритилмоқда);**
- **«Код отношения»** (хужжатга нисбатан муносабат): **070 “автор” (муаллиф).**

2. «Связанные принятые формы имени лица на других языках», (қабул қилинган шахс номи шаклининг бошқа тиллардаги таржимаси):

Мазкур майдон такрорланувчи бўлиб унда, «Заголовок – Основное (принятое) имя лица» майдонидаги маълумотлар ўзбек ва инглиз тилларида такрорланади.

3. «Информационное примечание» (ахборот иловаси): ТДМИ да 1989 йилдан бошлаб ишлайди.

4. «Источник составления записи» (тузилган ёзув манбаи):


- **«Страна , (мамлакат): UZB;**
- **«Организация» (ташкилот): ТДМИ;**

- «Дата ввода или последней обработки» (киритилган ёки ишлов берилган сана): **20050110**;
- «Функция, выполняемая библиотекой» (кутубхона томонидан бажарилган иш): **0 “каталогизирующая” (каталоглаштирувчи)**.

5. «Имя рабочего листа», (иш варақаси номи): АТНРА.

«Ввод» тугмасини босиб маълумотларни киритишни давом эттирамиз (12-расм).

Юқоридаги 2-5 пунктларда кўрсатилган маълумотларни кетма-кет тегишли майдонларга киритамиз ва «Сохранить» тугмасини босамиз. Натижада, ИРБИС тизимининг электрон каталоги базасида индивидуал авторнинг норматив/авторитет ёзуви пайдо бўлади. Бу ёзувдан тизимнинг электрон каталогини тўлдиришда самарали фойдаланиш мумкин. «Индивидуальные авторы» маълумотлар базаси қидирув аппарати ҳисобланади. Бу маълумотлар базасидан ИРБИС тизимининг электрон каталоги орқали фойдаланиш мумкин. Хужжатларни қидириш муаллиф фамилиялари орқали бажарилиши мумкин. Бундай қидирув натижасида муаллиф тўғрисида қисқа маълумот олиш имконияти яратилади. Бу имконият мазкур ташкилотда ишлайдиган ва ишламайдиган авторларни ажратишга шароит яратади бу ҳолат ўз навбатида қидирув натижаларини аниқроқ бўлишини таъминлайди. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, базадан ахборот қидириш имконияти чекланган. Бунинг сабаби изланаётган шахс тўғрисидаги маълумотларнинг маълум бир қисмларига нисбатан қидирув бажарилади. Умуман олганда, «Индивидуальные авторы» маълумотлар базаси каталоглаштирувчилар учун яратилган. Бу маълумотлар базасидан ИРБИС нинг электрон каталог базасига ўқитувчиларнинг ишларини базага киритаётганда фойдаланиш жуда қулай.



12-расм.

Шундай қилиб, жорий ҳужжатнинг сарлавҳаси киритилаётганда «Ввод через AUTHORITY-файл (N записи)» (Авторитет файл орқали киритиш – ёзув рақами) майдонидан фойдаланиш мумкин. Электрон каталогни тўлдиришга бундай ёндашув киритилаётган маълумотларнинг аниқ бўлишини таъминлабгина қолмай, балки каталоглаштириш жараёнини ҳам тезлаштиради. Бу эса, ўз навбатида уларни аниқ бир белги бўйича идентификациялаш имкониятини яратади. Майдонларни бир хилда тўлдириш уларга тезликда тузатишлар киритишга ҳам шароит туғдиради, яъни аввал киритилган ёзувларга глобал тузатишлар киритиш имкониятини яратади. Бундай имкониятлар маълум бир ишларни бажариш учун вақтни кескин қисқартиради ва каталоглаштирувчининг машаққатли меҳнатини бир қадар енгиллаштиради.

- Авторитет ёзувлардан фойдаланиш Олий ўқув юрти профессор - ўқитувчилари илмий ишлари картотекасини ва тўлиқ матнли илмий ишлари базасини яратиш ишини тезлаштиради ва сифатини оширади;
- Университет (институт) ходимларининг юбилейларига атаб библиографик кўрсаткичлар тайёрлаш имкониятини яратади;
- Университет (институт) кафедраларининг аниқ бир даврда бажарган илмий тадқиқот ишларига сонли баҳолашни автоматлаштирилган ҳолда бажаришга шароит яратади;
- Қидирувнинг, танлаш ва саралашнинг турли мезонлари бўйича библиографик рўйхатлар тузиш имкониятини беради;
- Кафедранинг илмий-тадқиқот ишлари тўғрисидаги ҳисоботларни тезкорлик билан текшириш ҳамда муаллифлар тўғрисидаги қисқа биографик маълумотномани ва муаллифлар тўғрисидаги контакт

ахборотларни автоматлаштирилган ҳолда генерация қилишга имконият яратади.

Бу имкониятлар университет (институт) ўқитувчиларининг ишлари бўйича адресли, мавзули, фактографик ва аниқлаштирувчи маълумотномаларни самарали тайёрлашга шароит яратади.

1.18. ИРБИС тизими ёрдамида даврий нашрлар электрон каталогини яратиш

Журналларга ишлов бериш

Журналларга ишлов бериш технологияси асосида газеталар ва бошқа сериялар нашрига ишлов бериш мумкин, агарда уларнинг барча сонлари номерланган ва улар хусусий сарлавҳаларга эга бўлмаса. Журналларга ишлов беришнинг китобларга ишлов беришдан асосий фарқи шундаки, китоблар ИРБИС тизимининг электрон каталогига киритилаётганда бир китоб такрор киритилмаслиги учун, киритилаётган китобнинг сарлавҳаси асосида маълумотларнинг элементлар комплекси такрорий киритишнинг олдини олиш мақсадида тизим томонидан назорат қилинади. Электрон каталог базасига киритилаётган журнал номи бир хил бўлгани учун бундай назорат усули қўл келмайди. Шу сабабли ҳам журналга ИРБИС тизимида ишлов берилаётганда такрорий киритишнинг олдини олиш мақсадида нашр шифридан фойдаланилади ва бунда журналнинг базада йўқлигига ишонч ҳосил қилиш керак бўлади.

ИРБИС тизимининг интеграллашган технологиясида журнал тўғрисидаги дастлабки маълумотлар журналга обуна пайтида тизимга киритилиши кўзда тутилган ва журналнинг биринчи сони кутубхонага келиб тушгач, мазкур ёзув электрон каталог маълумотлар базасига узатилади ва у ерда кутубхонага келиб тушган журнал сонлари ҳисобга олинади. Кейинги йил, квартал, ярим йил учун обуна муддати узайтирилгач, каталогга қўшимча равишда янги маълумотлар узатилади.

Баъзи ҳолларда “Каталогизатор” автоматлаштирилган иш жойи (АИЖ) “Комплектование” АИЖ га қараганда биринчи бўлиб ўзлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ишлов берилаётган журнал тасвири каталогнинг маълумотлар базасига тўғридан-тўғри киритилиши мумкин. Аммо бундай ҳолда “Каталогизатор” АИЖ нинг “Сведения о заказанных экземплярах» майдонига тегишли маълумот киритилиши тавсия қилинади.

1.19. Янги журналларни киритиш

Библиографик тасвирни тузиш бевосита журналнинг биринчи олинган сонидан бошланади, бир пайтнинг ўзида биринчи бўлиб тушган сон (сонлар) тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Иш қуйидаги босқичларда олиб борилади:

- «БАЗА ДАННЫХ/MFN» текислик остининг “Ввод” текислиги танланади;
- “Новый” тугмаси босилади (сичконча ёрдамида);
- Иш варақалари «рабочий лист РЛ» (иш варақаси) менюсидан «Описание журнала» (журнал тасвири) танланади;
- Иш варақасининг дастлабки 4 саҳифасига кетма-кет библиографик тасвирнинг (БТ) маълумот элементлари (МЭ) киритилади;
- Маълумотлар «Комплектатор» МБсидан олинган бўлса, яъни «Комплектатор» АИЖ дан фойдаланилганда, буюртма тўғрисидаги маълумотлар «Сведения о заказанных экземплярах» (буюртирилган нусхалар тўғрисида маълумот) майдонига киритилади;
- Журнал биринчи бор киритилаётганда уни рақамлашнинг характерини (МЭ «қўлда/автоматлаштирилган кумуляция (жамлаш) белгиси») баҳолаш ва давомли равишда рақамланаётганда эса, обуна бўлинган йилда биринчи сон учун бошланғич рақамни аниқлаш мақсадга мувофиқ;
- Биринчи келиб тушган серияли нашрлар сонининг маълумотларини киритиш тартиби китобларни киритиш тартиби билан бир хил бўлгани сабабли, биз уларга алоҳида тўхталмаймиз ва серияли нашрларни киритишнинг хусусиятларига эътибор қаратамиз.

«Шифр издания» МЭ журналлар учун жуда муҳимдир, зеро у орқали нашрнинг барча сонлари орасидаги боғлиқлик аниқланади. Агарда кутубхонадаги анъанавий технологияда журналлар ва газеталарни шифрлаш тизими йўлга қўйилмаган бўлса, автоматлаштирилган тизимга ўтилаётганда нашрга шифр қўйиш тавсия этилади. Бу шифр нашр сарлавҳасининг биринчи ҳарфидан ва тартиб рақамидан иборат бўлиши керак. Шифрлар беришни соддалаштириш учун, шифр МЭ киритилаётганда киритишнинг кенгайтирилган воситаси тугмаси босилгандан сўнг (ёки F2) каталоглаштирувчига шифрлар луғати тақдим қилинади ва ундан аввал маълумотлар базасига киритилган шифрларни кўриб олиш ва янгисини белгилаш имконияти яратилади. «Шифр» МЭ даврий нашрларни такрор киритилишини олдини олиш мақсадида текширилишини назарда тутадиган бўлсак, унга аниқ кириш муҳим эканлиги яққол кўринади. Агарда мазкур МЭ тўлдирилмасдан қолса, ИРБИС тизими мустақил равишда мазкур майдонга ўзи рақам беради, аммо бу рақам нашр тасвири билан ҳеч қандай боғланишни ифодаламайди. Ҳар қандай ҳолда ҳам хужжат ШИФРИга тузатиш киритилмаслиги лозим.

Илова: Бир нашрнинг (журнал ёки газетанинг) шифри электрон каталог ва «Комплектатор» маълумотлар базаларида бир хил бўлиши шарт, зеро интеграллаштирилган технологияларда обуна тўғрисидаги маълумотлар

«Комплектатор» маълумотлар базасидан электрон каталог базасига «Шифр» МЭ бўйича кўчириб ўтказилади. Агарда каталогдаги ёзувлар «Комплектатор» МБ сидан кўчириб олинган бўлса, бу талаб автоматлаштирилган ҳолда бажарилган бўлади. Агарда бир нашр икки МБ сига алоҳида-алоҳида киритилаётган бўлса, нашрнинг шифри ҳар икки базага келишилган ҳолда, бир хил шаклда киритилиши лозим.

Агарда киритилаётган журнал ностандарт матнли босма нашр (нота ёки аудиовизуал ёки ноанъанавий ташувчи) кўринишида бўлса «Количественные характеристика СИ на нетрадиционном носителе» (ноанъанавий ташувчидаги серияли нашрнинг сонли характеристикаси) майдонини тўлдириш мақсадга мувофиқ. Унда нашрнинг ҳар бир сони тўғрисидаги маълумотлар (нашр ҳажми, ўлчов бирлиги, иллюстрация ва йўлловчи материал мавжудлиги, матнли материаллар, ноталар ва карталарнинг ўлчамлари, упаковка кўриниши) киритилади. Бир мартаба киритилган маълумотлар кейинчалик нашрнинг ҳар бир сонини кўриб чиқиш форматида кўрсатилади. Агарда серияли нашрнинг алоҳида сониди (ёки барчасида) ёки бир нечасида илова (масалан, микрофильм ёки CD-ROM) мавжуд бўлса ва алоҳида сақланса ва алоҳида ҳисобга олинса, бундай ҳолда «Приложения к номеру СИ» (серияли нашрнинг сонига илова) майдонини тўлдириш тавсия қилинади. Майдон турли иловалар учун такрорланади ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади: Шифр, ташувчининг кўриниши, сақлаш жойи, эслатма, технологик йўл - 5 босқичгача кўрсатилиши мумкин.

Агарда журналнинг чиқиш даври катта бўлса ва бир хил даврда чиқмаса ва унинг барча сонлари мураккаб рақамланса (оддий рақамлаш бўлмаса) бу ҳол «Признак автоматической кумуляции» (автоматик равишда жамлаш белгиси) МЭ да кўрсатилиши лозим. Бунда «признак ручной кумуляции» (қўлда жамлаш белгиси) майдонига 1 қўйилади (меню орқали); бошқа ҳолда 0 (признак автоматической кумуляции) қўйилади: Зарур бўлган ҳолларда бу МЭ иш жараёнида тўғриланиши мумкин.

Буюртма берилган нусхалар тўғрисидаги маълумотлар икки майдонга киритилади:

«Сведения о заказанных экземплярах» майдони нусхалар тўғрисидаги ахборотларни сақлайди:

- Буюртма берилган йил;
- Нусха сони ва мақоми (статуси);
- Кутубхона тармоғи учун буюртирилган нусхалар сони;
- Сақланаётган жой;
- Технологик йўл (нашрнинг сақлаш жойига бориб етгунча айланиб чиқадиган пунктлар-ҳар бир сон учун 5 тагача пункт кўрсатилиши мумкин).

Бу майдонга йиғилган маълумотлар йил давомида (чорак ёки ярим йилга ҳам обуна бўлинганда) ўзгармайди деб фараз қиламиз. Майдон обуна бўлинган ҳар бир йил учун ва ҳар бир нусха учун такрорланади. Янги йил

обунасининг бошида олинган барча рақамларнинг такрорланувчи майдонларидан обуна тўғрисидаги маълумотларни ўчириш тавсия қилинади.

«Сведения о заказах поквартальные» (ҳар чоракда берилган буюртмалар тўғрисида маълумот) майдони барча нусхалар учун бир хилдаги маълумотларни сақлайди ва ҳар бир обуна даврида ўзгариши мумкин:

- Обуна даври;
- Давр учун сонлар сони;
- Обуна даври учун биринчи ва охири тартиб рақами;
- Буюртманинг умумий баҳоси;
- Бир номернинг баҳоси;
- Валюта белгиси, йиллик даврийлик – код ва сон.

«Комплектатор» МБ сидан маълумотлар олинаётганда майдондаги барча маълумотлар автоматик равишда шакллантирилади, акс ҳолда бу майдондаги маълумотларнинг баъзи бирларини киритиш керак бўлади, хусусан, соннинг баҳосини, бу маълумотнинг мавжудлиги «Журнални ҳисобдан чиқараётганда» керак бўлади. Майдон обунанинг ҳар бир даври (йил, ярим йил, чорак) учун такрорланади.

Янги тушган журналларни ҳисобга олиш

Кутубхонага янги келиб тушаётган журналларни ҳисобга олиш, маълумотларни ҳужжат-журналга (БТ) киритишдан, яъни бу маълумотларни автоматик тарзда алоҳида олинган ҳар бир ёзувнинг номерига кўчириб ўтказиш ёрдамида бажарилади. Иш самарадорлигини ошириш мақсадида киритилаётган журналларни дастлаб журнал номлари бўйича саралаб олиш мақсадга мувофиқ. Янги тушаётган журналларни ҳисобга олиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- «Настройка» тугмаси ёрдамида МЭ қуйидаги қийматлари ўрнатилади: Иш босқичлари “РЖ” (журнални ҳисобга олиш), “ФИО”, (фамилияси, исми шарифи), “Номер КСУ” (ЙҲОК даги рақам), “Номер акта” (далолатнома рақами) – бу маълумотлар автоматик тарзда ҳар бир янги ҳужжатга ўтказилади;
- “ПОИСК–ЗАГЛАВИЕ” (қидириш-сарлавҳа) режимини танланг ва керакли сарлавҳани (ёки “ПОИСК-ШИФР” (қидириш-шифр) орқали журналнинг керакли шифрини) танланг;
- «Усечение» (қисқартириш) пункти учун «Нет» (йўқ) қийматини ўрнатинг;
- Қидирувни бажаринг;
- Агарда журнал МБ да бўлмаса, уни янги ҳужжат сифатида киритинг, агарда журнал топилса, «Ввод-Результаты поиска» (киритиш - қидирув натижалари) режимига ўтинг, агар иш жараёнида бир неча қидирув бажарилган бўлса, “ЗАПРОС” (сўров)ни (сўровларнинг пастга қараб очилувчи менюси ёрдамида) аниқлаш лозим;

- Топилган журнал тузатишлар киритиш учун кўрсатилади (тўлик библиографик тасвир – ишчи варақа (РЛ «ОJ») нинг модификацияси);
 - Лозим бўлган ҳолларда йил ва жилд ўзгартирилади ва «Сохранить» тугмаси босилади. Киритилган йил учун «Сведения об экземплярах» (нусхалар учун маълумотлар) фаоллаштирилади;
 - Журнал рақами ёки интервал номерлари киритилади. Жорий йилда олинган сонлар ва мазкур йил учун буюртирилган обуна тўғрисида маълумотлар пайдо бўлади; Тизим автоматик тарзда журнални такрорий киритилганлигини текширади ва йил/жилд/сон қийматларини такрор киритишга йўл қўймайди. Агарда аввал ҳисобга олинган журнал сонидан яна бири келиб тушган бўлса у ҳақидаги маълумотлар «корректировка» режимда ҳисобга олиниши керак;
 - Ҳисобга олинаётган сон маълумотларини киритиш (алоҳида олинган сони сақланаётган жой ёки технологик йўл) ўзгариши мумкин;
 - «Сохранить» тугмасини босиш орқали журнални ҳисобга олиш яқунланади. Тизим интерфейсининг пастки чап дарчасида ҳисобга олинган журналлар жамламасининг натижаларини кўриш мумкин;
 - Мазкур нашрнинг кейинги сонини ҳисобга олиш зарурати туғилганда – иш варақасининг мазкур саҳифасида ишни давом эттириш керак, бунинг учун керакли маълумотлар ишчи варақасида аввалги номердан қолдирилади;
 - Мазкур журналнинг қолган барча номерларини ҳисобга олинг ва у билан ишни тугаллаб, бошқа ҳужжатни киритишга ўтинг;
 - «Поиск-Заглавие» ёки «Поиск-Шифр» режимга ўтиб, кейинги номдаги журнални ҳисобга олишга ўтишингиз мумкин.
- Журнални ҳисобга олишда куйидаги МЭ киритилади:

1.20. Киритилиши мажбурий бўлган маълумотлар

- Йил, жилд (агар бўлса); агарда янги ҳисобга олинаётган журналнинг йили аввал ҳисобга олинган журналнинг йилига тўғри келмаса, янги киритилаётган журнал йили киритилгач «Сохранить» тугмаси босилади. Маълумотлар сақлангач, «Сведения об экземплярах» майдонига киритилган йилга мос маълумотлар «Систематизация» саҳифасидаги «Сведения о заказанных экземплярах» майдонидан кўчириб ўтказилади;
- Сон рақами (рақамлар 3/4/5 шаклда «/») белгиси орқали ёзилади;

Нусха тўғрисидаги маълумотлар:

- Нусха мақомига (статуси) –0 берилади олинган сонлар учун (қолганлари буюртирилган сифатида қаралади);
- Сана (дата) «Alt + D» тугмалар биргаликда босилади;
- Нусхалар сони (ЦБС/ВУЗ) – агарда журнал нусхаси шундай статусга эга бўлса;
- Нусха номери – мажбурий МЭ ҳисобланади.

1.21. Киритилиши мажбурий бўлмаган маълумотлар

- Технологик йўл;
- Журнал сонида библиография ва кўрсаткичнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- Журнал сонининг иловалари;
- Журнал сонига қўшимча маълумотлар;
- Журналдаги мақолалар тўғрисидаги маълумотлар.

Янги журналларни киритиш технологиясини кўриб чиқайлик:


1. “ПУСК” орқали ИРБИС тизимининг «Каталогизатор» АИЖ ишга туширилади-13-расм.



13-расм.

«Каталогизатор» АИЖ қуйидаги кўринишга эга:

“База данных/MFN” текислик остидаги “Ввод” текислиги танланади, “Новый” тугмаси сичқонча ёрдамида босилади. Натижада қуйидаги 14-расм кўринишга эга бўламиз:




14-расм.

Ишчи варақаси (РЛ-рабочий лист) очилувчи менюсидан «ОJ–описание журнала» танланади-15-расм.

Библиографик тасвирнинг маълумот элементлари биринчи 4 саҳифага кетма-кет киритилади. Ишчи варақасининг майдонлари тўлдириляётганда қуйидаги умумий қоидаларга риоя қилиш зарур:


- Тасвир соҳалари ва тасвир элементларини аниқловчи тутилиш белгилари маълумот элементлари олдига қўйилмайди;
- Маълумот элементига тегишли тасвир, соҳасининг охиридаги сўз қисқартирилганда, қисқартирилган сўздан сўнг нуқта қўйилмайди.
- Тутилиш белгиларидан сўнг албатта пробел қўйилади.
- Ичма-ич жойлашган ишчи варақалардан, албатта фойдаланиш зарур.

Мураккаб таркибга эга бўлган маълумотларнинг бир қисми ичма-ич жойлашган майдонлар сифатида тақдим қилинади.




15-расм.

“Кодированная информация” (кодлаштирилган ахборот) майдонини тўлдириш учун киритишнинг кенгайтирилган воситасидан фойдаланамиз - 16-расм:




16-расм.




17-рasm.

Тегишли майдоностилар тўлдирилади - 17-18 расмлар:



18-рasm.

Новосибирск шаҳрида ойига икки мартаба чиқадиган “Сибирский математический журнал” (журналнинг DVD-ROM иловаси ҳам бор) 2002 йил 14-сони ва 14-иловасини ИРБИС тизимига киритишни кўриб чиқамиз. Журналнинг нашриёт индекси 1.8. Журналга 2001 йил 8 нусха буюртма берилган. Мазкур журналнинг 1–2 нусхалари “Хизмат кўрсатиш бўлимида”, 3-нусхаси “Иш юритишга оид ахборотлар хонасида”, 4-нусхаси “Китобларни сақлаш бўлимида”, 5-нусхаси “Библиография ва илмий техник ахборотлар бўлимида”, 6-8 нусхалари “Депозитар фондда” сақланмоқда. Хужжатнинг шифрини юқорида айтилган усуллардан бирини танлаб киритамиз. Журнал сарлавҳасини киритамиз-19-расм. Тегишли майдонга журнал номини ёзиб “Ввод” тугмасини босамиз. Натижада экранда куйидаги расм пайдо бўлади-20-расм.



19-расм.

“Основное БО, коды” пунктига тегишли майдонлар тўлдирилгач, “Физическое характеристики” ва “Систематизация” пунктларига тегишли майдонларни киритамиз - 21-22-23 расмлар. Ишлов берилётган журналда “Расширенное. Изменение” (Кенгайтирилган. Ўзгаришлар) пунктига оид ахборотлар бўлмагани учун, бу пункт майдонларига бирор - бир маълумот киритмадик.

Название элемента	№	Значение
Кодированная информация		*Вв*De
ISSN	1	
Страна		RU
Язык основного текста	1	rus
Язык документа (дополнит. данные)	1	
Шифр документа в БД		C1
Идентификац. номер нетекстового материала		
Заглавие, дополнительные данные		*Сибирский математический журнал ...
Коллектив-заголовок описания		
Серия, подсерия, раздел подсерии (№ - заглав)		№Сер.1 *Алгебра
Выходные данные	1	*АНовосибирск

Основное БО.Коды / Расширенное.Изменения / Физические хар. / Систематизация / Регистрация / Кумуляция / Добавочные /

Шифр: С1 Журнал
Сибирский математический журнал. Сер.1. Алгебра. - Новосибирск. -Выходит дважды в месяц.- Шифр приложения на DVD-ROM : ОД-С1
Зарегистрированы поступления:
 2001г. N :14,14 Прил.

Формат: Оптимизирован РЛ: OJ - Описание журнала

Печать КК Добавить Очистить Удалить По умолчанию

Поиск / Просмотр/Вывод / Ввод / ? Помощь

20-расм.

Название элемента	№	Значение
Электронный ресурс - вид, объем, сист.треб.	1	
Колич. характеристики СИ на нетрадиционном		
Приложение к номеру СИ		
ФИЗИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ		
Визуально-проекторный		
Видеозапись		
Картографический материал		
Музыкальное воспроизведение		
Звукозапись		ТП1
Микроформа		ТП2
Электронный ресурс		ТП3
Бумажный носитель		ТП4
		ТП5

Элемент: "Приложение к номеру СИ"

Подполе	Значение
Шифр приложения	ОД-С1
Нетрадиционный носитель	DVD-ROM
Место хранения	СФ
Примечание (дополнительная информация)	

Расстановочный шифр приложения, которое хранится отдельно от основного документа

Основное БО.Коды / Рас

Шифр: С1
Сибирский математический журнал. Сер.1. Алгебра. - Новосибирск. -Выходит дважды в месяц.- Шифр приложения на DVD-ROM : ОД-С1
Зарегистрированы поступления:
 2001г. N :14,14 Прил.


Формат: Оптимизирован РЛ: OJ - Описание журнала

Печать КК Добавить Очистить Удалить По умолчанию


Приложение хранится отдельно от основного выпуска (включая приложение на нетрадиционном носителе)

Поиск / Просмотр/Вывод / Ввод / ? Помощь

21-расм.



22-расм.



23-расм.

1.22. Журнал сониини тўғрилаш

Кутубхонага келиб тушаётган ва автоматик тарзда ҳисобга олинаётган журналнинг алоҳида сонларини (ёки серияли нашрнинг бошқасини) тўғрилаш қуйидаги ҳолларда бажарилади (Иш варақа коди "NJ"):

- Журналнинг бирор - бир сониди қизиқарли мақола чоп қилинган бўлса ва бу маълумот ҳужжатни ҳисобга олиш пайтида киритилмаган бўлса;
- Журнал сонининг технологик йўлидан ўтиб бориш йўналишлари ва муддати тўғрисидаги маълумотларни киритиш;
- Келиб тушаётган (биринчиси эмас) журналлар нусхалари тўғрисидаги маълумотларни киритиш;
- Тўлиқ матнли ва график ахборотларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш;
- Журнални ҳисобга олиш пайтида йўл қўйилган хатоларни (шифр, йил, жилд, сон, эслатма) тўғрилаш пайтида.

Юқорида қайд қилинган ҳоллардан бири рўй берганда, журнал тўғрисида киритилган маълумотларни тўғрилаш учун қуйидаги икки ҳолдан бири танланади:

- Кутубхона журналларни ҳисобга олишда шифрлаш тизимидан фойдаланади, журнал БТ элементлари киритилаётганда ҳужжатга берилган шифр ҳам киритилган, демак, у орқали журналларнинг барча сонлари боғланган. Бундай ҳолда журналнинг керакли номерини топиш учун “ПОИСК ШИФР ИЗДАНИЯ” (нашр шифрини қидириш) режимидан фойдаланиш тавсия қилинади;
- Кутубхона журналларни ҳисобга олишда шифрлаш тизимидан фойдаланмайди. Бундай ҳолда “ПОИСК ЗАГЛАВИЕ” режимидан (Усечение переключателя “нет” қиймати берилган ҳолда) фойдаланиб ҳужжатнинг БТ топилади. Натижаларни кўриб чиқувчи “ПРОСМОТР” режимига ўтилади ва “ПОИСК по Связи” (боғланиш бўйича қидириш, қидирув элементи сифатида “Журнал сони” танланиб) бажарилади. Натижада ҳисобга олинган журналларнинг барча сонларини кўриш мумкин бўлади. Кўриб чиқиш жараёнида керакли журнал танланиб “Ввод” режимда “корректировка отмеченных документов” (белгиланган ҳужжатларни тўғрилаш) орқали унга тегишли тузатишлар киритилади.

1.23. Мақола аналитик тасвирини киритиш

Журналларда ёки газеталарда эълон қилинган мақолалар тасвирини тизимнинг электрон каталогидан бу журнал ва газеталарнинг киритилганлигидан қатъи назар, уларни мустақил ҳужжат сифатида ИРБИС тизимининг электрон каталогига киритиш мумкин. Бундай ҳолларда мақолаларни киритиш кўп жилдлик нашрларни киритишдаги каби бажарилади. Мақола эълон қилинган журнал, тизимнинг электрон каталогига киритилган бўлса, журнал алоҳида мақоласини каталогга киритиш учун журналнинг киритилган маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Киритилаётган мақола эълон қилинган нашр маълумотларидан икки усулда нусха олиш мумкин. Биринчиси «ВВОД» текислиги орқали (ҳар бир ҳужжатдан алоҳида нусха олинади), иккинчиси “ПРОСМОТР/ВЫВОД”

текислиги орқали (бир ёки бир неча ҳужжатлар гуруҳидан бир йўла) нусха олиш мумкин. Икки ҳолда ҳам нусхаси олинаётган ҳужжатлар қидирув натижаси, қидирув натижаларидан танлаб олиб белгиланганлари ёки маълумотлар базасининг номерлари асосида ҳосил қилиниши мумкин. Нусха олиш тартибида иш юритилганда қуйидаги вариантлар бўлиши мумкин:

- Сарлавҳаси, сақлаш шифри ёки бошқа бир қидирув белгисига кўра топилган ҳужжат-манбадан нусха олинади. “Поиск-Просмотр/Вывод-результаты поиска (отмеченные-Копирование)” (қидириш-кўриб чиқиш/қидирув натижаларини чиқариш, белгиланганларидан нусха олиш);
- Маълумотлар базасига ҳозиргина киритилган ёки тўғрилаш учун чақирилган ҳужжат-манбадан нусха олинади – бу амал бевосита «ВВОД» текислигида бажарилади ва экраннинг юқори ўнг бурчагидаги ёрликдан фойдаланилган ҳолда бажарилади;
- Бирор - бир манбада эълон қилинган ҳужжат-манбадан нусха олинади. У қидирув натижаси ёки маълумотлар базасининг сони асосида «ПРОСМОТР/ВЫВОД» ёки «ВВОД» текислигида аниқланиши мумкин.

Бу вариантларнинг ҳар бирида ҳам клавишлар орқали киритилаётган маълумотлар кескин қисқаради. Ҳужжат-мақола аввал киритилган манбадан (ёки мақола) нусха олиш асосида яратилади.

1.24. Мақола аналитик тасвирини клавиатура орқали киритиш

Иш қуйидаги босқичларда олиб борилади;

- “ВВОД-БАЗА ДАННЫХ-НОВЫЙ” режими танланади;
- «АСР» “Аналитическое описание статьи полное” (мақоланинг аналитик тўлиқ тасвири) ёки «AUNTD” (Аналитическое описание юридического документа или НТД) (юримдик ҳужжатнинг ёки илмий-техник ҳужжатнинг аналитик тасвири) иш варақаси танланади;
- Танланган иш варақаларининг саҳифалари кетма-кет тўлдирилади. Бунда киритишнинг кенгайтирилган воситаларини чақириб, унинг майдонларини тўлдириш эсдан чиқмаслиги лозим. Кейинги саҳифага ўтаётганда ҳужжатни кўриб чиқиш деразасига назар солиш мақсадга мувофиқдир;
- Ҳужжатни киритиш «СОХРАНИТЬ» тугмасини босиш орқали яқунланади. Киритилаётган нашр сарлавҳаси киритилмаганда ёзувни базада сақлаш блокировка қилинади. Журнал шифри киритилмаганда у автоматик тарзда ҳосил қилинади.

1.25. Қидирув натижалари бўйича топилган ҳужжатлардан нусха олиш

Қидирув натижалари бўйича топилган ҳужжатлардан нусха олиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- Ҳужжат-манба ёки ўша манбадан бирор - бир мақола қидирилади: агарда журнал сонидан нусха олиш мўлжалланган бўлса, қидирув нашр шифри

(номерларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) ёки сарлавҳа орқали, «ПОИСК ПО СВЯЗИ» дан фойдаланган ҳолда, изланаётган журналнинг барча сонларидан кераклисини танлаш ҳисобига бажарилади; агарда нусха китобдан ёки мақоладан олиш керак бўлса қидирув сарлавҳа ёки бошқа бирор - бир белгига кўра бажарилади;

- Топилган ҳужжат «ПРОСМОТР/ВЫВОД» режимида кўриб чиқилади, «Содержания» (мундарижа) ёки «Оглавления номера» (сон мундарижаси) мавжуд бўлганда, нусхаси олинаётган ҳужжатга «Отменить» тугмаси ёрдамида белги қўйилади; Бундай ҳолда ҳужжатдан нусха олиш бевосита «ВВОД» текислигида бажариш мақсадга мувофиқ;
- «КОПИРОВАНИЕ» режимини танлаш “ПРОСМОТР/ВЫВОД” тугмасини ёки «ВВОД» текислигидаги нусха олишга мўлжалланган тугма-ёрлик босилади;
- Агарда нусхаси олинаётган ҳужжатда «Содержание» ёки «2-я и последующие статьи сборника» (тўпламдаги иккинчи ёки кейинги мақола) ёки «Статья из журнала» (журналдаги мақола) майдонлари мавжуд бўлса, нусха олишга мўлжалланган тугма-ёрлик босилмасдан аввал – нусхаси олинаётган мақола рақами киритилиши, (ҳужжат-китоб киритилаётганда эса «Технология» саҳифасида), ҳужжат-журнал сони киритилаётганда эса, «Оглавление» саҳифасида киритилиши талаб қилинади;
- Менюдаги қайта форматлаш жадвалидан ҳужжат кўриниши ва фойдаланиш учун «Содержание» (мундарижа)даги зарурий маълумотлар ҳисобга олинган ҳолда кераклиси танланади;
- Нусха олиш учун керак бўлган «Имя базы данных для копирования» (нусха олиш учун керак бўлган маълумотлар базасининг номи) маълумотлар базаси ўрнатилади; Бу нусхаси олинаётган ҳужжат жойлашган маълумотлар базаси ёки бошқа маълумотлар базаси бўлиши мумкин;
- Тизим томонидан янги ҳужжат (ёки унинг сонининг) киритилиши тўғрисида хабар олингач, «ВВОД-БАЗА ДАННЫХ/NFN” режимига ўтилади ва янги ёзувлар (нусхаси олинган) номерлари берилади;
- Иш варақасининг саҳифаларидаги етишмаётган маълумотлар кетма-кет киритилади, зарур ҳолларда киритишнинг кенгайтирилган воситасидан ҳам фойдаланилади. Кейинги саҳифага ўтилаётганда ҳужжатни кўриб чиқиш деразасига назар солиш мақсадга мувофиқдир;
- Ҳужжатни киритиш «СОХРАНИТЬ» тугмасини босиш орқали тугалланади.

1.26. ИРБИС64 - кутубхоналарни автоматлаштиришда янги босқич

Кутубхоналарни автоматлаштиришга мўлжалланган ИРБИС тизимининг янги версияси ИРБИС64 ни ишлаб чиқишга 2001 йил киришилган эди. ИРБИС тизимини ривожлантириш сабабларини икки гуруҳга бўлиш мумкин [2]. Биринчиси техник ва иккинчиси умумтизимий сабаблар бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Маълумотлар базасининг физик таркибига қўйилган сонли чеклашларни (ёзув узунлиги, қидирув термини узунлиги ва бошқалар) бартараф қилиш;
- Тизим фаолиятини клиент-сервер архитектурасига ўтказиш;
- Тизимнинг платформадан мустақиллигини таъминлашга асос яратиш ва келгусида ИРБИС нинг Linux тизими билан ишлай олиш имкониятини яратиш;
- Масофадан туриб, ИРБИС тизимидан фойдаланувчилар учун (фондни бутловчилар, каталоглаштирувчилар ва китобхонлар учун) тизимдан фойдаланиш имкониятларини яратиш (масофадан туриб каталоглаштириш, электрон каталогга кириш ва буюртмалар бериш ва бошқалар);

Иккинчи гуруҳга киритувчи сабаблар функционал характерда бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- UNICODE дан фойдаланган ҳолда том маънодаги кўп тилликни таъминлаш;
- Матнлар маъносини таҳлил қилиш ва автоматлаштирилган классификациялашни таъминловчи тўлиқ матнли маълумотлар базасини яратиш;
- Матнли маълумотларни орфографик назорат қилишни таъминловчи сервис воситаларидан фойдаланиш.

ИРБИС64 лойиҳалаштирилаётганда унинг ИРБИС32 билан мос ҳолда ишлай олишлиги асосий тамойил қилиб олинди. Бу шуни англатар эдики тизимнинг асосий ғоялари ва ахборот-технологик ишланмалари таъминотини сақлаб қолиш зарурати мавжуд эди. Маълумотлар элементларининг таркиби ва тузилмаси, киритишнинг экран формаси, тақдим қилинаётган маълумотларнинг чиқиш форматлари, мантиқий-формал назорат алгоритмлари ва бошқалар сақлаб қолинди. Бу эса ўз навбатида ИРБИС тизимининг форматлаштириш тилини ўзгармай қолишини таъминлади. Бундай муҳим талабларнинг бажарилиши ишланмалар йўналишини аниқлабгина қолмай, балки оригинал базавий - дастурий таъминот яратилишига олиб келди, яъни маълумотлар базасини бошқариш тизимини янгидан яратишга олиб келди. Шундай қилиб, ИРБИС тизимини яратувчилар томонидан аввалги ахборот-технологик таъминот сақланган ҳолда, оригинал базавий дастурий таъминот ишлаб чиқилди. Бу эса, ўз навбатида ИРБИС тизимини такомиллаштириш харажатларини кескин камайтириш имкониятини берди.

2004 йилнинг бошларидан бошлаб ИРБИС64 ни ишлаб чиқиш бўйича асосий ишлар тугалланди, жумладан:

- Маълумотларни сақлашнинг янги физик тузилмаси ва формати ишлаб чиқилди, бу эса ўз навбатида бир қатор сонли чеклашларни бартараф қилди. Хусусан, атаманинг максимал узунлиги 30 байтдан 255 байтгача оширилди, ёзувнинг максимал узунлиги 32 Кб дан 2 Гб гача узайтирилди, маълумотлар базасидаги ёзувлар сони 16 млн. дан 8 млрд. гача кўтарилди. Айни пайтда маълумотларни сақлаш формати маълумотлар базасидаги физик файлларнинг платформадан мустақиллигини таъминлай олди. Маълумотлар базасидаги маълумотлар UNICODE (UTF-8) да сақланади;
- Маълумотлар базасига киришни таъминловчи тўлиқ функцияли кутубхона ишлаб чиқилди;
- Маълумотлар базасининг TCP/IP сервери ишлаб чиқилди ва унинг ёрдамида локал тармоқда ҳамда масофада туриб клиент иловалари ишини бошқариш мумкин. Сервернинг таркибий қисми «Администратор» автоматлаштирилган иш жойи ҳисобланади;
- Тизимнинг асосий модуллари: «Комплектатор», «Каталогизатор», «Книговыдача» и «Читатель» учун клиент иловалари ишлаб чиқилди;
- «Читатель»нинг АИЖ дан маълумотлар базасига кириш имкониятини берувчи Web-шлюз ишлаб чиқилди.

ИРБИС тизими муаллифларининг фикрича, тизимни ривожлантиришнинг асосий йўналиши тизимни тўлиқ матнли маълумотлар базасини билан ишлай олиши, матнлар учун классификациялаш ва маъносини таҳлил қила олиш томонга йўналтирилган. Бундай йўналишнинг танланишига бугунги кунда кутубхоналарда жамланаётган жуда кўплаб ностандарт матнли ресурсларнинг пайдо бўлишидир. Масалан, ҳужжатларни электрон шаклда етказиб бериш тизими фаолият кўрсатаётганда, мақолалар ва бошқа кўринишдаги ҳужжатларнинг электрон шакли яратилади. Бундай кўринишдаги ҳужжатларни библиографик тасвирини яратиш (электрон каталогга киритиш учун) жуда мураккаб иш ҳисобланади. Шу сабабли ҳам электрон шаклдаги матнлар массивини фойдаланувчиларга тақдим қилиш учун махсус ечимлар топиш зарурати туғилган. ИРБИС64 тизимининг тўлиқ матнли маълумотлар базасини қўллаб - қувватлаш, бир неча маротаба «Қрим» ва «Либком» конференцияларида тақдим қилинган матнлар маъносини таҳлил қилувчи тизим олинган [11,12]. Матнларни маъно бўйича таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган тизимининг асосий ғояси ихтиёрий ахборотларнинг мавзулар бўйича гуруҳларга бирлашиш тенденциясига асосланади. Ҳар бир билим соҳаси ўз ички тилига (терминологиясига) эга. Бир неча ишларда [3,4] бир жинсли матнли материаллар массасидан табиий-мавзули гуруҳларни ажратиш олишда математик статистика усулларида фойдаланиш имкониятига асосланган. Матнларнинг мазмунига қараб ишлов бериш масаласини ечиш куйидаги босқичларга бўлинади:

- Матнлар массивидан тўлиқ матнли маълумотлар базасини яратиш;

- Предмет соҳасидаги аҳамиятли атамаларни умумистеъмол частотасидир ортиб кетиши белгисига кўра ажратиш асосида матнларни табиий-мавзули классификациялаш;
- Матнларда сўзларнинг тақсимланиши тўғрисида сонли ахборотларни кучсиз формаллаштирилган масалаларни ечиш алгоритмлари ёрдамида тақдим қилиш.

Тизим томонидан таклиф қилинаётган кутубхонанинг тўлиқ матнли электрон ресурслари, қидирув фазосининг қисми бўлиб, ундан истеъмолчилар бемалол фойдаланишлари мумкин. Китобхонлар матндаги сўзлардан фойдаланиш билан чекланмай, балки қидирилаётган образга жуда яқин бўлган бошқа матнларни ҳам излаб топишларига шароит яратилади. Қидирилаётган образ матни сифатида истеъмолчининг табиий тилдаги қидирув - сўровини, ихтиёрий кўринишдаги тўлиқ матнни ёки маълумотлар базасидан бирор - бир матнни олиш мумкин. Тизимдан китобхонлардан ташқари тўлиқ матнли маълумотлар базалари яратувчи ва матнларни табиий-мавзули классификацияларга ажратиш билан шуғулланувчи экспертлар ҳам фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари тизим, экспертлар ва классификатор мутахассисларга кутубхонанинг тўлиқ матнли коллекциялари билан ишлашда жуда катта ёрдам бериши мумкин. Масалан, матнлар мазмунини интеллектуал таҳлил қилишда. Булардан ташқари тизимдан, кутубхонанинг электрон каталоги мазмунидаги яширин билимларни ажратиб олиш ва формаллаштириш мақсадида статистик таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин [5, 6].

ИРБИС64 асосида тўлиқ матнли маълумотлар базаси шакллантириш ва матнларга мазмун бўйича ишлов беришни йўлга қўйиш мақсадида, тизим дастурий таъминотига қуйидаги ўзгартиришлар киритилиши мўлжалланмоқда:

- «Администратор» АИЖ да матнларни мазмун бўйича таҳлил қилувчи алгоритм асосида тўлиқ матнларни мазмуни бўйича таҳлил қилувчи ва индексловчи тўлиқ матнли маълумотлар базасини яратиш;
- Китобхонларга мўлжалланган қидирув режимида тўлиқ матнли маълумотлар базаси билан ишлашни таъминловчи махсус АИЖ ва WEB-шлюз яратиш.

II БОБ. ИНТЕРНЕТНИНГ БИБЛИОГРАФИК РЕСУРСЛАРИ

2.1. Библиографик ресурслар

«Библиографик ресурслар» атамаси, ҳужжат ҳақидаги маълумотларни акс эттирувчи барча манбалар спектрини қамраб олади. Замонавий илмий қарашга кўра, амалда «ҳужжат» тушунчасига босма нашрларнинг барча кўринишлари: китоблар, газеталарнинг мақолалари, кўлёмалар, карталар, ноталар, тасвирий нашрлар ва булардан ташқари ахборот ташувчилар: компакт дисклар, видео ва аудиокассеталар, магнитли тасмалар ва бошқалар киради [14].

Глобал тармоқларнинг библиографик ресурслари жуда кенг ва турли тумандир. Унинг таркибига шахсий саҳифалардаги кўплаб адабиётларнинг рўйхатлари, кутубхоналар сайтларидаги янги адабиётлар тўғрисидаги рўйхатлар ёки мавзулар кўрсаткичлари, турли электрон нашрлар манбаларининг рўйхати ва шунга ўхшаш жуда кўплаб материаллар кирган. Аммо улар орасида энг муҳими, бу-кутубхона ва библиографик маълумотлар базасининг электрон каталогидир. Бундай ажратиш шартлидир, чунки электрон каталог маълумотлар базасининг (қисм ва бутуннинг муносабати сифатида) хусусий варианты ҳисобланади. Мазкур ҳолатда, бундай ажратиб кўрсатиш бизга шундай имконият бермоқдаки, библиографик нуқтаи назардан қараганда, каталоглар ва маълумотлар базалари орасида муҳим фарқ мавжуд: кутубхона каталоглари асосан бутунлай ҳужжатлар (китоблар, карталар, ноталар, видеокассеталар ва бошқалар) ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олса, библиографик маълумотлар базалари эса, тескари, яъни аналитик материаллар (журнал ва давомли нашрларнинг мақолалари, тўпламлар ва газета мақолалари) тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

2.2. Кутубхоналарнинг электрон каталоги

Кутубхоналарнинг электрон каталоги Интернет библиографик салоҳиятининг асосий қисмини ташкил қилади. Бу ҳозирги пайтда кутубхоналарнинг тармоқлар ҳамжамиятига тақдим қилаётган энг қимматбаҳо ахборот маҳсулоти ҳисобланади. Чет эллардаги йирик кутубхоналарнинг электрон каталогларига Онлайнли кириш «веб» асридан аввал очилган эди. 1980-1990 йилларда Telnet протоколидан фойдаланиш ҳисобига бундай имконият яратилган эди. Telnet протоколи ёрдамида АҚШ конгресси кутубхонасининг, Гарвард университети кутубхонасининг, Франция миллий кутубхонасининг ва бошқа бир қатор кутубхоналар электрон каталогларига кириш имконияти яратилган эди. Telnet дан фойдаланиб ахборот қидириш анча мураккаб бўлиб, фойдаланувчилардан чидам ва махсус тайёргарлик талаб қилар эди. 1990 йилларнинг ўрталаридан бошлаб кутубхоналар каталоглардан фойдаланишда web-технологиялардан ва Z39.50. протоколидан фойдалана бошладилар. Бу эса, ўз навбатида, кутубхоналардаги электрон каталогларни бир қанча хусусиятлар билан бойитди, жумладан фойдаланувчилар учун бир қатор қулайликлар яратди.

1990 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб кутубхоналарни автоматлаштиришга мўлжалланган барча илғор дастурий маҳсулотлар электрон каталогга кутубхонанинг web-сайти орқали кириш имкониятини берувчи модуллар билан таъминландилар. Каталогларнинг «истеъмол сифати» га кўйиладиган талаблар ортиб бормокда. Бугунги кунда уларнинг рўйхати куйидаги характеристикалар кўринишига келтирилган:


- Барча аҳамиятли майдонлар бўйича қидирувни сўровлар атамаларини қисқартириш ёки фойдаланишда турли вариантларни қўллаш орқали бажариш (ихтиёрий атамалар бўйича, барча атамалар фақат биргаликда, аниқ жумла);
- Қидирувни формал меъёрлар билан чеклаш (нашр этилган йил, нашр кўриниши, нашр этилган жой, ҳужжат тили ва бошқалар);
- Луғатларнинг мавжудлиги ва уларни сўров шаклига автоматик тарзда ўтказиш имконияти;
- Қидирув натижалари умумий рўйхатидан релевант ёзувлар рўйхатини шакллантириш имконияти;
- Танланган натижаларни электрон почта орқали жўнатиш ёки фойдаланувчининг локал дискида сақлаш имконияти;
- Библиографик ёзувнинг элементлари: муаллифлар (индивидуал ёки жамоавий), предмет рукнлари ва серия номига гиперматнли боғланишларнинг мавжудлиги;

Тақомиллашган дастурий воситаларда, манбанинг жорий ҳолати ҳақидаги ахборотлар (манба берилган ёки тоқчада турибди) билан бирга бир қатор сервис функциялар (қидирув тарихини сақлаш, ёзувни каталог карточкаси ва MARC-формат кўринишида тақдим қилиш ва бошқалар) мавжуд.

Бугунги кунда Интернетда жаҳондаги йирик кутубхоналарнинг каталогларидан тортиб, шаҳар оммавий кутубхонасининг каталогига тақдим қилинмоқда. Уларнинг кўпчилиги ривожланган чет эл кутубхоналарининг электрон каталогларидир, уларнинг кўпчилиги АҚШ га тегишлидир. Yahoo ахборот қидирув тизими ёрдамида жаҳондаги турли мамлакатларнинг кутубхона каталогларига кириш мумкин. Бунинг учун асосий менюнинг LIBRARIES ("Кутубхоналар") рукни остидаги REFERENCES ("Маълумотномалар манбалари ") бўлими танланади. Очилган менюдан аниқ бир мамлакат кутубхонасини танлаш мумкин. АҚШ Конгреси кутубхонасининг сайтида <http://www.loc.gov/z3950>. жуда кўп кутубхона каталоглари рўйхати жойлашган. <http://www.libdex.com> сайтида ҳам жуда кўп кутубхона каталоглари рўйхати мавжуд. Бу каталогларни кўриб чиққанимизда шу нарса аён бўладики, илмий муассасалар ва йирик университетлар электрон каталогларидан кўпроқ маълумотлар олиш мумкин.

2.3. Чет эл кутубхоналарининг электрон каталоглари

Америка Қўшма Штатлари



АҚШ Конгресси кутубхонаси сайти.

2.3.1. АҚШ Конгресси кутубхонасининг каталоги (<http://catalog.loc.gov>)

АҚШ Конгрессининг электрон каталоги жаҳондаги электрон каталоглар орасида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг базасида 12 миллиондан ортиқ библиографик ёзувлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Каталог Voyager дастурий маҳсулоти асосида фаолият кўрсатади. Бу дастур Endeavor Information Systems компаниясига тегишли бўлиб, у китоблар, даврий ва давомли нашрлар, карталар, қўлёзмалар ва аудио ёзувлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттиради. Бу ёзувларнинг 3.2 миллиони кутубхонага 1898 йилдан то 1980 йилгача кутубхонага тушган китоблар ва даврий нашрлар тўғрисидаги «эски каталог» нинг ёзувларига тегишлидир. Улар каталог карточкаларидан электрон каталогга конвертация қилингандир.

Конгресс кутубхонасида рус тилидаги жуда кўплаб материалларни топиш мумкин, улар транслитерация ёрдамида тасвирлангандир. Каталогнинг бош менюси қидирувнинг икки вариантыдин бирини танлашни таклиф қилади: Basic Search ва Guided Search. Guided Search самаралироқдир. У ихтиёрий қийинликдаги қидирув фармойишини, қўшимча чеклашли икки қаторли (Search Limits) менюси ёрдамида бажара олади.

Конгресс кутубхонаси (КК) каталогининг интерфейси бир пайтнинг ўзида содда ва кучли ахборотларга бўлган эҳтиёжни максимал аниқ ифодаловчи очқич сўзларни тўғри киритишдан ташқари, очилиб такдим қилинадиган меню орқали бериладиган шартлардан ҳам тўғри фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Улар киритиладиган атамаларни тўғри талқин қилишда асосий рол ўйнайди. Қуйидагилардан бирини танлаш таклиф қилинади:

- Any of these – атамалардан ихтиёрий бири;
- All of these – барча атамалар (бири ва бошқалари);

- As a phrase – аниқ жумла.

Шундан сўнг, кўрсатилган шартлар бўйича берилган атамалар асосида кидирув бажариладиган майдон (майдонлар) аниқланади. Улар орасида куйидагилар энг муҳимларидир:


- Keywords anywhere - Барча майдонлардаги калит сўзлар (барча майдонлар бўйича кидирув);
- Title – Сарлавҳа;
- Personal Name – Индивидуал муаллиф;
- Name Corporate/Meeting – Жамоавий муаллиф (вақтинчалик ва доимий);
- Subject - Предмет рукнлари;
- Subject Authorized – Авторитет файллардаги предмет рукнлари.

Search Limits-функциясида фойдаланиш имконияти мавжуд, у кидирувни саналар бўйича чекланган ҳолда бажаришни таъминлайди (саналар орасидаги аниқ йил), материал тили, нашр қилинган жой. Натижалар рўйхати жадвал кўринишида берилади ва тасвир максимал сиқилган ҳолда тақдим қилинади. Аниқ бир ёзувга сичқонча билан чертиш уни янада аниқроқ (Brief record) тасвирлайди. Ҳужжат тўғрисида тўлиқроқ маълумот олиш учун Full record (тўлиқ ёзув) тугмасини босиш лозим бўлади. Бу функция предмет рукнларини кўринарли қилади ва билимлар соҳаси аниқ бўлмаганда, бажариладиган эвристик кидирувни бажаришда жуда муҳимдир. КК дан олинган тўлиқ ёзувнинг кўриниши тизим, натижаларнинг умумий рўйхатидан кераклисини ажратиб, алоҳида рўйхат тузиш имкониятига эга. Топилган натижаларни сақлаб қўйиш турли усулларда амалга оширилади, натижаларни электрон почта орқали ихтиёрий адресга жўнатиш мумкин. Нашрларга буюртмалар ҳам бериш мумкин, аммо бундан фақат конгрессменлар ёки кутубхона ходимлари фойдаланиши мумкин.

2.3.2. Калифорния университети кутубхонасининг йиғма каталоги

(<http://melvyl.cdlib.org>)

Калифорния университети кутубхонасининг йиғма каталоги ўз MELVYL номига эга бўлиб, ўз ичига АҚШдаги энг йирик университет кутубхоналаридан 20 дан ортиғини қамраб олган. Бу тармоққа 9 миллиондан ортиқ ҳужжатларга эга бўлган Беркли университети ҳам қиради.



Калифорния университети кутубхонасининг йўзма каталоги

Таклиф қилинаётган бошланғич менюдан MELVYL Catalog ва кенгайтирилган шаклдаги сўровни чақирувчи Power пункти танланади. Қидириш фармойишини тузиш қидирув қаторига турли шартларни бажариш имкониятларини берувчи атамаларни киритиш йўли билан амалга оширилади. Атамаларни қисқартириш "#" ёки "*" белгилари ёрдамида бажарилади. Булардан ташқари қидирувни нашр санаси (қаралаётган ҳолда фақат «жорий йил», «охирги уч йил», «охирги ўн йил» вариантлари назарда тутилган), ҳужжат тили, нашр тури бўйича чеклаш имкониятлари мавжуд. Қидирув жараёнида Modify Search функцияси ёрдамида қўшимча шартларни киритиш орқали, қидирув параметрларини торайтириш ёки кенгайтириш мумкин.


Олинган натижалар рўйхати фойдаланувчиларга жуда қулай шаклда ва ихчам кўринишда тақдим қилинади. Қидирув натижаларини сақлаш имконияти тизимнинг сервис функциясига киради. Тақдим қилинаётган ҳужжатлар рўйхатидан фойдаланувчи ўзига керакли бўлган релевант ёзувларни белгилаши мумкин ва улар FTP орқали матнли файл кўринишида фойдаланувчининг компьютерига ("Download" тугмаси ёрдамида) ёки электрон почтанинг ("Mail" тугмаси ёрдамида) ихтиёрий адресига жўнатилиши мумкин.

2.3.3. Карнеги-Меллон университети - CAMEO кутубхонасининг каталоги

(<http://cameo.library.cmu.edu>)

Каталог 1996 йилдан бошлаб web-интерфейс орқали ишламоқда. Интерфейс доимо такомиллаштирилиб бормоқда ва бугунги кунда у фойдаланувчи учун самарали ахборот қидирув курали сифатида хизмат қилмоқда. Каталогни юклагач тезда Complex Search пунктига ўтиш тавсия

қилинади. Тавсия қилинаётган сўров менюси библиографик ёзувлар майдонлари рўйхатидан иборат бўлиб, улар бул операторлари ёрдамида турли комбинациялар тузиш имкониятига эга. Операторлар орасида ноанъанавий – OR оператори мавжуд у шундай икки атама орасига қўйиладики, улардан бири қидирилаётган ҳужжатда бўлиши шарт, аммо иккаласи ҳам бир ҳужжатда учрамаслиги шарт. Барча майдонлардаги атамаларни ўнг томондан "\$" белгиси ёрдамида қисқартириш мумкин. Қидирувни ҳужжат тили ва нашр санаси (фақат аниқ бир йил) ни кўрсатиш ҳисобига чеклашга йўл қўйилади. Топилган библиографик тасвирлар рўйхатидаги ҳар бир позиция View тугмаси билан таъминланганки, унинг ёрдамида ёзув тўлиқ матнини кўриш мумкин. Бир қатор ёзувларни белгилаб олиб, сўнгра уларни принтерда босиб чиқариш ёки электрон почта орқали жўнатиш ("Print/Email" тугмаси ёрдамида) имконияти мавжуд.



Карнеги-Меллон университети CAMEO кутубхонасининг каталоги

2.3.4. Гарвард университетининг HOLLIS каталоги

(<http://holliscatalog.harvard.edu>)

Мазкур каталог Гарвард кутубхонасининг фондини бутунлай акс эттиради: 9 миллиондан ортиқ китоблар, кўлёмалар, микрофильмлар, карталар, фотосуратлар, слайдлар ва бошқа материаллардан иборат ёзувларни ўз ичига олади. Каталогда рус тилидаги нашрлар ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан эски йилларда нашр қилинган ҳужжатлардир. Қидирув тизими жуда кенг имкониятларни тақдим қилади. Expanded Search (Кенгайтирилган қидирув) га мурожаат қилиш энг оптимал ҳисобланади, чунки унинг ёрдамида бул операторлари OR, AND и NOT орқали қидирув фармойишларини аниқ бериш мумкин ва худди шундай усулда филтрларни тузиш имконияти бор. Қидирув натижалари билан ишлаш режими жуда сифатли бажарилган. Ёзувларни варақлаб кўриш, кераклисини белгилаш,


рўйхатлар тузиш ва уларни электрон почта орқали жўнатиш ёки босиб чиқариш имкониятлари мавжуд.

Ёзувлар ихчам ёки кенгайтирилган кўринишда ёки MARC формат шаклида бўлиши мумкин, бу каталоглаштирувчилар учун муҳимдир. Бунда предмет рукнлари ва муаллифлар кесишган боғланишга эга, бу эса, ўз навбатида, рукн орқали барча керакли китобларни топиш имконини беради. Тизим қидирув тарихини сақлайди ва унга ихтиёрий пайтда мурожаат қилиш мумкин.



Гарвард университетининг HOLLIS каталоги

Америка университетлари орасида Йельск (<http://orbis.library.yale.edu>), Корнелъск (<http://catalog.library.cornell.edu>) ва Принстон (<http://catalog.princeton.edu>) университетларининг каталоглари диққатга сазовордир. Уларнинг барчаси Voyager дастуридан фойдаланади, шунинг учун ҳам уларнинг интерфейси бир - биридан ва Конгресс кутубхонаси интерфейсидан жуда кам фарқ қилади.




Йельск университетининг каталоги

2.3.5. Европа - Британия кутубхонасининг каталоги

(<http://blpc.bl.uk>)

Каталогда Британия кутубхонаси фондларида сақланаётган 1975 йилдан бошлаб нашр қилинган ҳужжатлар акс эттирилган. Махсус буйруқ бўлмаганча, тизим интерфейсида оддий қидирув «Basic Search» пайдо бўлади. Бундай усулда қидириш нисбатан кенг тарқалган майдонлар: индивидуал ва жамоавий муаллиф (Organisation), сарлавҳа, предмет рукни, нашр санаси, ISBN/ISSN ва бошқалар бўйича олиб боришга имкони беради. Такдим қилинаётган формадаги ихтиёрий майдонга курсор йўналтирилса, экран пастки қисмида мазкур элемент хусусиятига тегишли маслаҳат тариқасидаги ахборот пайдо бўлади. Сўров атамалари "*" белгиси ёрдамида қисқартирилиши мумкин. "Сўровни юбориш" - Submit Search тугмаси чап фреймда жойлашган. Сўров бажарилишини тасдиқлашдан аввал менюнинг юқорисида жойлашган "фишка" орқали қидирув бажариладиган массив белгиланиши шарт: All material - "Бутунлай фонд" ни танлаш оптимал ҳисобланади.

Advanced Search (Чуқурлаштирилган сўров) да турли майдонлардаги атамалар тўплами комбинациясини тузиш имкониятига эга бўлган тизим менюсидан фойдаланилади. Бир қатор ютуқларига қарамай, каталог натижалар рўйхатидан ҳақиқий релевант ёзувларни танлаш ва топилган маълумотларни қулай ҳолда сақлаш имкониятига эга эмас.






BRITISH LIBRARY

INTEGRATED CATALOGUE

Add to favourites

This catalogue unites a number of [previously separate sources](#) to list over twelve million items in the British Library's outstanding collections. You can use it to

- find information on books and other documents we hold
- order material you need to see (please read the panel below)

	Search the Integrated Catalogue	Anyone can search the catalogue free of charge. You can also order copies of parts of many items and pay by credit card. More details
	St Pancras reader pass holders	Please use the search option above. During 2005 we will introduce remote ordering on the web for St Pancras readers. More details
	Log in as a document supply customer (Password required)	If you are a registered British Library document supply customer, log in to search and order copies or loans on your account. More details

Британия кутубхонасининг каталоги

2.3.6. Англия ва Ирландия университетларининг йиғма электрон каталоги COPAC


(<http://copac.ac.uk>)

Мазкур электрон каталог ўз ичига Британия ва Ирландиядаги обрўли 22 университет кутубхоналарини олади. У Z39.50 протоколи асосида ишлайди. Қидирувни уч вариантда олиб боришни таклиф қилади: муаллиф ва сарлавҳа

бўйича, предмет соҳаси ва даврий нашрлар бўйича. Барча интерфеслар содда ва қулайдир. Биринчи ва иккинчи ҳолларда вақт оралиғи, ҳужжат тили ва яна "*" белгиси орқали қидирувни чеклаш мумкин. Натижалар рўйхатидан кераклиларини белгилаб олиш ва сақлаб қўйиш мумкин. Топилган натижаларни электрон почта орқали жўнатиш имконияти ҳам (Download тугмаси ёрдамида) мавжуд. Мазкур каталог Z39.50 билан ишловчи барча каталоглар сингари камчиликка эга. Масалан, турли кутубхоналар базаларидан олинган маълумотларда бир нашр тўғрисидаги ёзув такрорланади.



Англия ва Ирландия университетларининг йиғма электрон каталоги COPAC



Франциянинг йиғма электрон каталоги SUDOC

2.3.7. Франциянинг йиғма электрон каталоги SUDOC

(<http://www.sudoc.abes.fr>)

Каталогда Франциядаги 2500 кутубхонанинг ёзувлари акс этган. Қидирув барча аҳамиятли майдонлар бўйича, бир майдон ичида, бир неча атамалар мажмуи асосида ҳам бажарилиши мумкин. Каталогда китоблар, даврий нашрлар, мақолалар, қўлёзмалар, аудиовизуал ҳужжатлар, ҳужжатларнинг махсус кўринишлари ва электрон ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Сўров шаклига ўтиш учун Sudoc – Catalogue фаоллаштирилиши керак. Сўров учун қўшимча имкониятларни Options менюсидан олиш мумкин (бу ерда нашр кўриниши, нашр қилинган вақт, нашр этилган жой ва нашр тили бўйича чеклашларни киритиш мумкин). Кўпгина ёзувлар муаллиф ва предмет рукнлари бўйича кесишган боғланишларга эга. Электрон каталог жуда тез ва ишончли ишлайди.

2.3.8. Франция Миллий кутубхонасининг каталоги

(<http://catalogue2.bnf.fr>)

Мазкур каталогда 7.5 миллион ёзув мавжуд. Каталог интерфейси француз тилида. Сўровнинг уч шакли таклиф қилинади. La recherche simple ("сода қидирув")- муаллиф, сарлавха ва предмет рукнлари бўйича қидирувни бажаради, La recherche combinee ("Комбинациялашган қидирув") – турли майдонлар мажмуи ва чеклашлар асосида қидирув бажаришни таъминлайди ва маълум бир мавзу бўйича қидиришда қулай. Recherche Mode Equation – ахборот фаолияти билан шуғулланувчи мутахассисларга мўлжалланган бўлиб, у бул операторларидан ва қўшимча синтаксис (қавслар, қисқартириш, қўштирноқ) дан унумли фойдаланувчиларга мўлжалланган. Натижаларни бериш барча анъанавий функцияларни ўз ичига олади: қисқа/тўлиқ ёзув, релевант ҳужжатларни ажратиб кўрсатувчи рўйхат, тайёр рўйхатни электрон почта орқали жўнатиш имконияти. Ёзувлар муаллиф ва предмет рукнлари бўйича кесишган боғланишларга эга. Электрон каталог жуда тез ва ишончли ишлайди.

2.3.9. Швециянинг йиғма каталоги - LIBRIS

(<http://dijkstra.libris.kb.se/english/libris.html>)

Каталог 3 миллиондан ортиқ библиографик ёзувларга эга. Каталогдан фойдаланиш учун Advanced search га мурожаат қилиш тавсия қилинади. У ердаги сода ва кучли интерфейс сўровни максимал аниқ баён қилиш имкониятини беради. Барча аҳамиятли майдонлар, индивидуал ва жамоавий муаллиф, калит сўзлар, предмет рукнлари, классификация индекслари, нашриёт номи, нашр қилинган вақт (аниқ йил кўрсатилади) ва ҳужжат тили бўйича қидирув бажариш мумкин.

Қидирув тизимида кўпгина бул операторларидан ва масофа операторларидан фойдаланилади, алоҳида жумлаларни қўштирноқ ичида

киритишга йўл қўйилади. Қидирувнинг барча нозик томонлари билан танишиш учун менюнинг юқори қисмида жойлашган Search tips пунктига мурожаат қилиш лозим. Библиографик ёзувлар муаллифлар, сериялар сарлавҳаси ва предмет рукнлари бўйича кесишган боғланишларга эга. Уларнинг барчаси швед тилида. Электрон каталог жуда тез ва ишончли ишлайди.

Бу саҳифада мақолаларнинг маълумотлар базасига – «LIBRIS Article Database» га ҳам боғланиш жойлаштирилган. Бунда 100 мингдан ортиқ ёзувлар (<http://websok.libris.kb.se/websearch/form?typeart>) ва махсус библиографик маълумотлар базаси - Specialized databases & subject bibliographies (<http://websok.libris.kb.se/websearch/specialdb.html>) мавжуд. Бу маълумотлар базаларининг барчаси швед тилида. Барча қидирув тизимлари фавқулодда тез ва ишончли ишлайди.

2.3.10. Белгиянинг йиғма каталоги

(<http://access.libis.kuleuven.ac.be/libis-ipac/v3/lbscheck?LanguageкE&Optionsкguest&>)

Мазкур кутубхона каталогида 2 миллиондан ортиқ библиографик ёзувлар мавжуд. Инглиз тилидаги интерфейс муаллиф, сарлавҳа ва ISBN/ISSN лар бўйича оддий қидирувни бажаришга мўлжалланган. Қидирувни бошлаш учун Search Multiple Terms танланади. Ёзувлар қисқа ва тўлиқ кўринишга эга. бўлиб, муаллиф ва предмет рукнлари бўйича кесишган боғланишлари бор. Электрон каталог жуда тез ва ишончли ишлайди.

2.3. 11. Норвегиянинг йиғма электрон каталоги - BIBSYS

(<http://wgate.bibsys.no/search/pub?langкE>)

Бу йиғма каталог Норвегиянинг бир қатор Миллий университет ва илмий кутубхоналарини бирлаштирган. Юқори менюдан Advanced search ни танлаш тавсия қилинади. У китобни бир неча параметрлари бўйича қидиришни ташкил қилиш имкониятини беради. Майдонларнинг анъанавий жамламаси: муаллиф, сарлавҳа, предмет рукнлари, ISSN/ISBN дан ташқари, яна "Other" (бошқалар) майдони ҳам борки, унинг ёрдамида серия номи, предмет рукнлари, вақтинчалик ва доимий муаллифлар, сарлавҳадан олинган, жумлалар ва сўзлар асосида қидирувни бажариш мумкин. Натижалар рўйхатида мумкин бўлган жавобларнинг бир қатор рўйхати берилади, бу эса, ўз навбатида керакли маълумотни ўхшашлари орасидан танлаш имкониятини яратади. Масалан, муаллиф фамилияси (solzhenitsyn ёки solzenicyn).

2.3.12. Немис кутубхонасининг каталоги - Die Deutsche Bibliothek

(http://www.ddb.de/index_e.htm)

Мазкур кутубхона каталоги кутубхоналарга тегишли бўлган бир неча маълумотлар базаларидан иборат, улар Немис кутубхонасига номинал

бирлаштирилган. Қидирувни бошлаш учун фреймнинг чап қисмидаги кутубхоналар номига сичқонча билан кераклиси чертилади. Қуйидаги каталогларни танлаш мумкин: Deutsche Bucherei (http://dbf-opac.ddb.de/index_e.htm) – бу кутубхона Лейпцигда жойлашган, Франкфурт-на Майнеда жойлашган кутубхона манзили Deutsche Bibliothek (http://dbf-opac.ddb.de/index_e.htm), Берлинда жойлашган кутубхона адреси Deutsches Musikarchiv (http://dma-opac.ddb.de/index_e.htm). Немис тилидаги интерфейс барча ҳолларда бир хил.

2.3.13. Испания Миллий кутубхонаси каталоги - ARIADNA

(<http://www.bne.es/cgi-bin/wsirtex?FORκWBNCONS4>)

Каталог, ҳужжатларнинг кўриниши ва нашр қилинган вақтига қараб бир неча алоҳида қисмларга бўлинган. Замонавий испан адабиётининг каталоги 1831 йилдан бошлаб нашр қилинган 1,9 миллиондан ортиқ ёзувларни акс эттиради. Каталогда испан адабиётининг 1831 йилгача бўлган нашрлари, даврий нашрлар, қўлёзмалар, расмлар тўплами, карталар, ноталар, товушли ва видеоёзувлар, компьютер файллари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Мураккаб сўровларни бажариш учун Consulta precisa пунктига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. У турли майдонлардаги атамалардан комбинациялар тузиш орқали аниқ сўров тузиш имкониятига эга. Бул операторларидан фойдаланиш ва қидирувни вақт оралиқлари бўйича чеклашга йўл қўйилади.

2.3.14. Австралия Миллий кутубхонаси каталоги

(<http://catalogue.nla.gov.au>)

Яшил континент адабиётлари тўғрисидаги фундаментал маълумотлар манбаи. Умумий менюдан "Main catalogue" танланади. Китоблар муаллифлари, сарлавҳалар, предмет рукнлари, даврий нашрлар номлари, классификация шафрлари бўйича алоҳида қидирув бажариш мумкин. Ҳар бир қидирув формаси ичида қидирувни саналар бўйича чеклаш имконияти мавжуд, аммо ўтказилган тестлар бу режимнинг бажарилмаслигини кўрсатди. Библиографик ёзувларда предмет рукнлари ва муаллифлар орасида кесишган боғланиш мавжуд.

2.3.15. Австралия университетларининг йиғма каталоги - UNILINC

(<http://bondi.unilinc.edu.au/ULC>)

Мазкур каталог оддий (Basic) ва чуқурлашган (Advanced) қидирув шаклини тақдим қилади. Аммо, қидирув фармойишини шакллантириш жуда содда. Қидирувни барча майдонлар бўйича амалга ошириш мумкин аммо, библиографик ёзувларнинг бир неча элементлари комбинациясидан фойдаланиш имконияти йўқ.

Қидирув натижалари билан ишлаганда тизим керакли натижани белгилашга имкон туғдиради, шахсий рўйхат тузиб - Basket (Корзинага) уни электрон почта орқали жўнатиш мумкин.

Шуни ёдда тутиш керакки, чет эллардаги каталоглар нашр тўғрисида батафсил маълумот берсада, жуда кам ҳолларда тўпламлар ва журнал мақолалари тўғрисида маълумот беради. Вақт орасидаги фарқ АҚШ ва Австралия кутубхоналари каталогларидан фойдаланишга ҳар доим ҳам йўл беравермайди. Уларнинг кўпчили тунги вақтларда ахборот массивларини фаоллаштириш билан машғул бўлганлари учун ёпиқ бўлиши мумкин.

Булардан ташқари Европа мамлакатлари кутубхоналарининг кўпчилигидаги каталог алифбосида диакритли махсус ҳарфлар мавжудки, улар лотин клавиатурасида мавжуд эмас. Миллий алифболардаги диакритли белгиларни ҳисобга олиш учун браузер кодировкасини Cyrillic дан Western га ўтказиш тавсия қилинади.

2.3.16. Россия кутубхоналарининг электрон каталоглари

Россия кутубхоналари 1990 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўз ресурсларига Интернет орқали киришни таъминладилар. Россия кутубхоналарининг электрон каталоглари етарлича ахборот мустаҳкамлигига эга эмас, чунки уларнинг кўпчилиги охириги 7-10 йиллик маълумотларни ўз ичига олади. Каталогларнинг сони ўзгариб туради, баъзилари пайдо бўлса, баъзилари йўқолиб туради, уларнинг сифати эса етарли даражада юқори эмас.

Россия кутубхоналари каталогларининг рўйхати "Русской справочной библиотеке" (<http://www.openweb.ru/stepanov/library.htm>) да келтирилган.

2.3.17. Россия Миллий кутубхонасининг каталоги

(<http://www.nlr.ru:8101/poisk/index.html#1>)


Мазкур каталог Россиядаги китоблар тўғрисидаги ахборотларга жуда бой бўлган каталоглардан биридир. Каталог бир неча қисмдан иборат бўлиб, улар орасида рус тилидаги китобларнинг маълумотлар базаси алоҳида аҳамиятга эга. Бу маълумотлар кутубхонага 1989 йилдан бошлаб, то ҳозирги кунгача келиб тушаётган мажбурий нусхалар ва совға қилинган ҳужжатлар ҳисобига ҳосил қилинган.

Ҳозирги пайтда маълумотлар базасида 760 мингдан ортиқ ёзувлар мавжуд.

Электрон каталогда қўлланилаётган дастурий таъминот (OPAC-Global) маълумотлар билан ишлашда қулай шароит яратади. Фойдаланувчининг малакасига қараб сўровнинг уч шакли таклиф қилинади: «базавий», «кенгайтирилган» ва «касбий». «Кенгайтирилган» интерфейс оптимал ҳисобланади. Мазкур усулда қидириш муаллиф, сарлавҳа ва предмет рукнларини турли майдонлар билан биргаликда ва нашр тили ҳамда нашр этилган йил бўйича чеклашлар билан биргаликда олиб боришга имкон яратади. Фойдаланувчи қидирув параметрлари билан бир қаторда



Россия Миллий кутубхонасининг каталоги



Россиянинг ГПНТБ каталоги

маълумотларни чиқариш шакли ва саҳифага боғланишлар сонини ҳам аниқлаши мумкин. Охирги катталик аҳамиятлидир, чунки натижани берувчи модул релевант ёзувларни бир саҳифадан танлайди. Ёзувларнинг кейинги қисмига ўтилатганда, белгиланган ёзувлар тўғрисидаги маълумотлар ташлаб юборилади. Атамаларни мустақил равишда киритаётганда луғатлардан фойдаланишга йўл қўяди. Улар кидирув майдонларининг барчаси учун шакллантирилган.

Тизим релевант ёзувларни маркировка қилишни, тўлиқ тасвирларни кўриб чиқиш ва умумий рўйхатдан шахсий рўйхатлар тузишни таъминлайди.

Россия Миллий кутубхонасининг серверида диссертациялар авторефератлари, картографик материаллар, 1994 йилдан бошлаб чоп этилган

чет тилидаги адабиётлар ҳам жойлаштирилган. Барча каталоглар тўлдирилиб борилмоқда.

2.3.18. «Вся Россия» библиографик маълумотлар базаси

<http://www.nilc.ru>

Мазкур маълумотлар базаси ЛИБНЕТ маркази томонидан қўллаб - қувватланаётган маълумотлар базаларидан биридир. Унинг таркибига Россиянинг бир қатор кутубхоналари электрон каталогларидаги ёзувлар киритилган. Уларнинг барчаси локал Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимлари форматларидан RUSMARC га конвертация қилиниб олинган. Шу сабабли ҳам, каталоглаштириш нуқтаи назаридан "Всея России" даги ёзувларнинг барчасини ҳам юқори сифатли деб бўлмайди. Аммо оддий библиографик қидирув учун мазкур маълумотлар базаси ярайди. Ҳозирги пайтда унинг таркибига 8 та кутубхонанинг электрон каталогидаги библиографик ёзувлар киритилган. Булар: 1989-1998 йиллардаги РМК библиографик ёзувлари, ГПНТБ СО РАН, БЕН, Вологод, Владимир, Свердловск, Челябинск ва Москва шаҳридаги марказий оммавий кутубхона каталогларидир. Маълумотлар базасида 1,5 миллион ёзув мавжуд, аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, уларнинг кўпчилиги такрорланган.

Маълумотларни тўлдириш доимий равишда олиб борилмаяпти. Базага кириш ЛИБНЕТ маркази титул саҳифасининг мос боғланиши орқали амалга ошади. Тизимга кириш учун "Вход" тугмаси босилади. Библиографик қидирувни бажариш учун регистрация қилиниш шарт эмас.

2.3.19. "Сигла" йиғма каталоги

<http://www.sigla.ru>

Лойиҳа МГУ Илмий кутубхонаси ва "Библиотечные Компьютерные Системы" компанияси билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. У мета -қидирув тизими шаклида бўлиб Z39.50 протоколи билан ишлай оладиган каталогларга сўров йўллай олади. Россия томонидан қуйидаги кутубхоналар мазкур лойиҳа иштирокчиларидир: РГБ, ГПНТБ, БЕН, ЦНХСБ, ИНИОН ва бошқа бир қатор кичик кутубхоналар.

Тизим «Оддий» ва «Кенгайтирилган» қидирув шаклига эга. Тез ишлайди. Техник томондан жуда мустаҳкам.

2.3.20. Россиянинг ГПНТБ каталоги

http://www.gpntb.ru/cgi-bin/webirbis3/Search1.exe?C21COMкEnter&I21DBNкNPLST_ELKAT

Мазкур каталог Россияда биринчи ташкил қилинган энг муҳим каталоглардан биридир. 2004 йилнинг бошларида каталогда 340 минг ёзув бўлиб, улар Россияда ва чет элларда кейинги йилларда чоп этилаётган китоблар, диссертацияларнинг авторефератлари, эълон қилинмаган таржималар ва ҳисоботлар тўғрисидаги библиографик ёзувлардир. Каталогга ҳар ойда 2 минг атрофида ёзувлар киритилмоқда. Каталог интерфейси мураккаб кўринишга эга, аммо қидирувни бажариш учун кенг имконият

яратилган. Фойдаланувчи "Словарь" тугмасидан фойдаланиб каталогдаги барча муаллифлар ва калит сўзларнинг тўлиқ рўйхатини кўриши мумкин. Танлаб олинган атамаларни қидирув фармойишига жойлаштириш мумкин. Асосий интерфейс очқич сўзлар орқали мавзули қидирувни бажариш асосида қурилган бўлиб, атамалар (сарлавҳа, жамоавий муаллиф ёки предмет рукнлари) жойлашган жойни аниқлаш, боғловчи мантикий операторлардан (ВА, ЁКИ, жумла) фойдаланиш ва қисқартириш имкониятига эга. Барча операторлар меню орқали берилди. Қидирувни муаллиф, ISSN/ISBN, аниқ йил бўйича бажариш мумкин.

Қидирув натижаларини қисқа ва тўлиқ шаклда олиш мумкин. Биринчи ҳолда қидирув натижаси муаллиф, сарлавҳа, ҳужжат кўриниши тўғрисидаги маълумотлар бўлади; Иккинчи ҳолда – библиографик тасвирнинг барча элементлари, ҳатто предмет рукнлари ва сақлаш сигналлари ҳам келтирилади. Қидириладиган атамалар қизил рангда ажралиб туради. Мазкур каталог техник ва табиий-илмий мавзудаги адабиётларни ўзида акс эттиради.

ГПНТБ нинг серверида "Сводный каталог по научно-технической литературе" (<http://www.gpntb.ru/win/search/rsk.html>) ҳам тақдим қилинган. Унда 600 мингдан ортиқ ёзувлар мавжуд. Унинг интерфейси ГПНТБ электрон каталогининг интерфейси билан бир хил.

2.3.21. Россия Фанлар Академиясининг Сибир бўлими Давлат Оммавий илмий-техника кутубхонасининг каталоги

(<http://www.spsl.nsc.ru/catalog/WWWSearchR.htm>)

Мазкур каталог куйида келтирилган бир неча мустақил маълумотлар базаларидан иборат: китоблар ва давомли нашрлар каталоги, диссертациялар авторефератлари каталоги, кутубхонашунослик ва информатика бўйича маълумотлар базаси. Бу маълумотлар базаси Сибир ва Узоқ Шарқ ҳудуди тўғрисидаги адабиётларни ўзида акс эттирувчи библиографик маълумотларнинг бутун бошли тизимини қамраб олган.

Электрон каталогнинг каттагина интерфейси фойдаланувчини менюдан кўп танлов бажаришга мажбур қилади, аммо бу иш сўровни сифатли тузиш ва натижаларга ишлов беришда қулайлик туғдиради. Таклиф қилинадиган қидирув вариантларидан ("Простой", "Стандарт", "Эксперт", "Мульти") барча зарурий шартларни қаноатлантирувчи, атамаларни қисқартирувчи ва бул операторларидан фойдаланувчи "Стандарт" ни танлаган маъқул. Тизим натижалар билан ишлаш жараёнида релевант ёзувларни белгилаш ва уларни сақлаш имкониятига эга. Китоблар ва давомли нашрлар каталоги 1992 йилдан бошлаб кутубхонага тушган 310 мингдан ортиқ номдаги ҳужжатлар тўғрисидаги библиографик ёзувларга эга. Каталогга кириш учун рўйхатдан дан ўтиш шарт эмас.

2.3.22. Россия Давлат кутубхонасининг каталоги

[\(\(http://www.rsl.ru/res.asp?2.htm\)\)](http://www.rsl.ru/res.asp?2.htm)

Мазкур каталог кўринишлар бўйича ажратилган бир неча маълумотлар базаларидан иборат

Кутубхонага 1994-1998 йилларда мажбурий нусха сифатида келиб тушган, Россияда чоп қилинган китоблар каталоги (128 минг ёзувдан иборат) ва 1998 йил май ойидан, то шу пайтгача (2002 йилнинг ўрталаригача 220 минг ёзув) киритилган библиографик ёзувлар қимматлироқдир. Кутубхонага келтирилган чет эл адабиётлари ва диссертациялар каталоги ажратиб кўрсатилган.

Қидирувни барча майдонлар бўйича бажарса бўлади, жумладан, индивидуал ва жамоавий муаллиф, сарлавҳа, нашриёт, калит сўзлар ва КБК индекси бўйича. "*" ёрдамида атамаларни қисқартириш, бул операторлари ёрдамида ва китоб нашр қилинган сана бўйича чеклов орқали қидирувга йўл кўйилади.

Натижаларни бериш тизими топилган ёзувларни кетма-кет кўриб чиқиш имкониятини беради, аммо умумий рўйхатдан танлаб олиб, сақлаб қўйиш имкони йўқ.

2.3.23. Марказий илмий қишлоқ хўжалиги кутубхонасининг каталоги

[\(\(http://www.cnsnb.ru/cnsnb/Catalog.htm\)\)](http://www.cnsnb.ru/cnsnb/Catalog.htm)

Мазкур каталог Россиядаги энг катта ҳажмдаги каталоглардан биридир. Унда Россияда ва чет элларда чоп этилган китоблар, қўлёзмалар ва диссертациялар авторефератлари ва бошқа бир қатор ҳужжатларнинг миллиондан ортиқ ёзувлари бор. Мазкур каталогнинг бошқалардан ажралиб турадиган фарқи шундаки, унда қишлоқ хўжалиги бўйича совет даврида, Россияда ва чет элларда чоп қилинган даврий нашрлардаги мақолаларнинг аналитик материаллари мавжуд. Бу ёзувлар 1985 йилдан олиб борилмоқда.

Каталогда "Артефакт" тизими ишлатилганки, у сўровни максимал аниқ тузишни таъминлайди. Турли майдонлардаги атамаларни жамлаш имкони бор, калит сўзларни қисқартириш мумкин, нашр қилинган сана бўйича қидирувни чеклаш мумкин. "Сложный поиск" мураккаб қидирув ёрдамида бул операторларини қўллаш орқали қидирувни бажариш мумкин. Натижалар билан ишлаш учун жуда бой имкониятлар тавсия қилинади: ҳужжатлар рўйхатини шакллантириш ва сақлаш учун "Портфель" функцияларидан фойдаланилади.

2.3.24. Москва Давлат университети илмий кутубхонасининг каталоги

[\(\(http://www.lib.msu.su/lib2000.html\)\)](http://www.lib.msu.su/lib2000.html)

Мазкур каталог Россиядаги кутубхона каталоглари ичида Интернетда тақдим қилинган энг «кекса»ларидан ҳисобланади. Ҳозирги пайтда у хронологик белгисига кўра, бир неча қисмларга ажратилган кўринишда. Асосий каталог 1921-2002 йилларда чоп қилинган китоблар тўғрисидаги маълумотларни (274 минг) акс эттиради. Каталогнинг бошқа қисмларида

"Книги 1800-1825 годов издания" да 4361 ёзув ва "Книги 1918-1926 годов издания" да 2863 ёзув мавжуд. Дастурий восита сифатида "Библиотечно-компьютерная сеть" компаниясининг махсулоти қўлланилмоқда.

Тизим, барча аҳамиятли параметрлар бўйича қидирув бажара олади. Ёзувларни каталог карточкаси ёки USMARC кўринишида кўриб чиқиш мумкин.

2.3.25. Тиббиёт фанлари кутубхонасининг каталоги

[\(\(http://www.benran.ru/Magazin/Catalog/Catalog.htm\)\)](http://www.benran.ru/Magazin/Catalog/Catalog.htm)

Каталогда 50 мингдан ортиқ ёзув акс этган. Улар кутубхонага 1993 йилдан бошлаб келиб тушган китоблар тўғрисидаги библиографик ёзувлардир. Сўровни тузиш шакли кўп даражали меню кўринишидадир. Бир майдонга бир неча атамани мантикий операторлар ёрдамида киритиш мумкин. Атамаларни қисқартиришда "*" белгиси ишлатилади. Луғатлардан фойдаланиш имконияти мавжуд. Натижалар рўйхатидаги изланаётган маълумотлар қизил рангда ажралиб туради.

2.3.26. Давлат илмий педагогика кутубхонаси каталоги

[\(\(http://www.gnpbu.ru/cgi-bin/WebIrbis3/Search1.exe?C21COMкEnter&I21DBNкIRBIS_FREE\)\)](http://www.gnpbu.ru/cgi-bin/WebIrbis3/Search1.exe?C21COMкEnter&I21DBNкIRBIS_FREE)

Каталог 1994 йилдан бошлаб кутубхонага келиб тушган адабиётлар тўғрисидаги библиографик ёзувларни олади. Каталогда Россия ва чет эл адабиётлари, диссертациялар автореферати, Россия ва чет эллардаги даврий нашрлар ва тўпламларнинг библиографик ёзувлари мавжуд. Умумий базадан баъзи бир мақолаларни ажратиб олишнинг ҳозирча имконияти йўқ. Каталог WebIRBIS дан фойдаланганлиги учун унинг интерфейси ГПНТБ интерфейсига ўхшайди.

2.3.27. Карелия Республикаси Миллий кутубхонасининг каталоги

[\(\(http://nbrk.foliant.ru/catalog/nlibr\)\)](http://nbrk.foliant.ru/catalog/nlibr)

Мазкур каталог регионал каталоглар орасида энг диққатга сазоворларидан биридир. Унда 300 минг дан ортиқ ёзув мавжуд. Каталогнинг ўзига хослиги шундаки, унинг таркибида 1993 йилдан бошлаб Россияда чоп қилинган журналларнинг мақолалари тўғрисидаги библиографик ёзувлар мавжуд. Хужжатларни нашр қилиш санаси асосида каталогда бир неча базалар ажратилган. Каталог интерфейсини ўрганиб чиқиш талаб қилинади.

Тизим сўров қаторига атамаларни киритишни ва қидиришни бажариш учун библиографик ёзувнинг барча аҳамиятли элементларини кўрсатувчи менюни таклиф қилади. Шундан сўнг қидирув шартини "равно", "точно" или "контекст" лардан бирини танлаш орқали аниқлаб олиш лозим бўлади.

"Равно" шарти атаманинг библиографик ёзув кўрсатилган ёзувнинг бошида жойлашганлигини кўрсатади; "контекст"- атама майдоннинг

ихтиёрий жойида жойлашганлигини кўрсатади. "Добавить" функциясидан қидирув шартини ихтиёрий кетма-кетликда шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

Натижалар рўйхати билан ишлаганда релевант ҳужжатларни танлаш имконияти мавжуд. Бунинг учун "Добавить в список" дан фойдаланилади.

2.3.28. Ўқув нашрларининг электрон каталоги

(<http://www.ndce.ru>)

Мазкур каталог Россиядаги мактаб ўқувчиларига мўлжалланган энг йирик каталоглардан бири ҳисобланади ва 10 мингдан ортиқ библиографик ёзувга эга.

Ўқув қўлланмалари билан бир қаторда каталогга, мактабгача тарбия, мактаб ва бошланғич касбий таълимга оид адабиётларнинг ҳам библиографик тасвирлари киритилган. Каталогда Россия таълим вазирлигининг федерал рўйхатидаги барча китоблар акс эттирилган. Махсус кўрсатма бўлмагунча тизим федерал рўйхатли маълумотлар базасини юклайди, шунинг учун ҳам қидирув бошиданок "Общий поиск" ни танлаш мақсадга мувофиқ, чунки унинг базаси тўлиқроқдир.

Каталог таркиби ҳар ойда тўлдирилиб борилади.

2.3.29. Россия кутубхона консорциумларининг корпоратив каталоги

1990 йилларнинг охири ва 2000 йилнинг бошларида Россиянинг Интернет сегментида корпоратив кутубхона каталоглари пайдо бўлди. Бундай каталоглар "Очиқ Жамият Институти"нинг лойиҳалари туфайли пайдо бўлди. Мазкур фонд ташаббуси ва молиявий кўмаги ёрдамида бир пайтда Россиянинг бир неча ҳудудларида кутубхоналар консорциумлари ташкил қилишга ҳаракат қилинди. Консорциумлар ташкил қилишдан бош вазифа жойларда корпоратив каталоглаштириш тизимларини ташкил қилишдир. Турли даражада ва турли тармоқларга тегишли кутубхоналар томонидан ташкил қилинган консорциумнинг фарқли томони шундаки, улар маълумотларга эга бўлиш учун Z39.50 протоколидан фойдаланишади.

Консорциум яратувчиларининг ғоясига кўра, региондаги бир кутубхона (мазкур кутубхона каталогни сақлаш ва таҳрир қилишга жавобгар бўлар эди) асосида ягона регионал каталог ташкил қилишдан воз кечиш ва унинг ўрнига жойларда тақсимланган йиғма каталог яратиш эди. Бундай ғояни амалга ошириш учун Z39.50 протоколи керак эди. Бу протоколнинг асосий имкониятларидан бири, бу - сўровни бир пайтнинг ўзида турли каталогларга жўнатиш ва натижаларни йиғма олиш қобилияти эди. Бу ҳол Интернетнинг мета - қидирув тизимини эслатади. Ҳозирги пайтгача мазкур ёндашув муваффақиятга олиб келмади. Корпоратив каталоглар библиографик ва каталоглаштириш ишида асосий иш қуролига айланиб улгурмади. Бунинг сабаби технологияда эмас, балки ишни ташкил қилиш соҳасида бўлса керак. Консорциум ташкил қилинаётганда, аъзоларнинг сўровларга турлича ишлов берувчи турли дастурий тизимлардан фойдаланилаётганлиги ҳисобга

олинмади. Шунинг учун ҳам Z39.50 дан фойдаланаётган каталоглар фақат содда сўровларни бажара олади. Турли майдонларнинг атамалар мажмуидан, кидирув учун жумла тузиш, атамаларни қисқартириш имкониятидан фойдаланиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам чет эллик мутахассислар, аввало америкалик мутахассислар Z39.50 протоколидан фойдаланувчи каталоглар учун сўровни қисқартириш йўлидан бордилар. Одатда кидирув формаси муаллиф бўйича алоҳида, сарлавҳа ёки предмет рукни бўйича алоҳида ташкил қилинади. Қидирувни бошқача ҳам ташкил қилса бўлади, масалан, алоҳида ҳар бир каталог учун (аниқроғи, ҳар бир тизим учун) индивидуал кидирув интерфейси яратилади. Амалда бу кутубхонанинг шахсий сайтидаги электрон каталог web-интерфейсининг такрори бўлиб қолади. Бундай ҳолда маълумотларни олиш ишончи ортади, аммо Z39.50 протоколининг асосий афзаллиги – бир пайтнинг ўзида бир неча каталогларга сўровлар жўнатиш имконияти йўқолади (қаранг, масалан, <http://lcweb.loc.gov/z3950/gateway.html#other>).

Алоқа каналлари сифатининг пастлиги оқибатида, консорциум иштирокчиларининг баъзи бир каталогларга кириши жуда қийин бўлади. Натижада кидирув вақтига нисбатан анча талабчан бўлган кидирув механизми баъзи бир каталогларга кириб бўлмаслигини кўрсатади. Бир ҳужжатнинг бир неча кутубхонада мавжудлиги сабабли, тизим такрорий (дублет) ҳужжатларни бериши мумкин. Кўп ҳолларда уларни ягона ёзув сифатида бирлаштириш имконияти камроқ. Бу ҳолат корпоратив каталоглаштиришдан фойдаланишда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради, масалан, каталоглаштирувчи бир неча тасвирни таққослаши ва улар орасидан сифатлисини танлаб олиши керак бўлади. Бундай каталоглаштириш ўз кучи билан каталоглаштиришдан жуда кам фарқ қилади, чунки бир ҳужжатни турли вариантдаги тасвирдан сифатлисини фақат юқори малакали мутахассисгина фарқлай олади.

Юқорида санаб ўтилганларидан ташқари, консорциум иштирокчиларидан кўпчилиги Z39.50 протокол орқали тақдим қилинаётган библиографик маълумотлар массивини актуаллаштиришга масъулиятсиз ёндашадилар, яъни ойлаб ёзувлар янгиланмайди бу эса ўз навбатида натижаларнинг нотўғрилигига олиб келади.

Санаб ўтилган камчиликларнинг барчаси куйидаги хулосаларни чиқаришга сабаб бўлди: кутубхона консорциумларининг каталоглари библиографик изланишларда ишончли манба бўла олмайди. Кўп ҳолларда улар хато натижаларни бермоқдалар. Олинган натижаларни қўшимча текшириб кўриш ва тўғрилаш зарурати туғилмоқда. Олинган натижаларнинг нотўғрилигига яққол мисол сифатида Свердловск области илмий универсал кутубхонасида 2002 йилда чоп этилган интернет бўйича китобларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги натижани кўрсатиш мумкин. Айни пайтда бундай китобнинг Уралдаги кичикроқ кутубхоналарда борлиги маълум (Қидирув Урал кутубхоналарининг корпоратив тармоғида (<http://consensus.eunnet.net>) 30 август 2002 йилда бажарилди). 2002 йилда Россия кутубхона консорциумлари 12 регионда ташкил қилинди. Уларнинг

тўлиқ адресларини <http://consensus.eunnet.net/consensus/corporations.html> дан олиш мумкин. Улар орасида эътиборга лойиқлари:

- **Новосибирск регионал корпоратив кутубхона тизими** (<http://z3950.uiggm.nsc.ru/zgwc>);
- **Урал кутубхоналарининг корпоратив тармоғи** (<http://consensus.eunnet.net>);
- **Санкт-Петербург олий ўқув юртлари корпоратив кутубхона тизимлари** (<http://www.ruslan.ru:8001/rus/consortium>);
- **Москва оммавий кутубхоналар корпоратив тармоғи** (<http://corporate.gpntb.ru>).

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар билан бир қаторда кутубхона корпорацияларининг эришган ютуқларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Консорциум таркибида биргаликда ишлаш стандартлардан фойдаланишни жиддий ўйлашга ва нашрларни тасвирлаш ва предметлаштиришда ягона талабларга риоя қилишга мажбур қилди. Лойиҳа доирасида ўтказилган тренинглари Россия кутубхоначиларининг каталоглаштириш маданиятини оширишда жуда катта роль ўйнади. «Очиқ жамият Институтининг» Россиядаги фаолияти тугагандан сўнг регионал кутубхона консорциумларини молиялаш ҳам уни ташкил қилганлар томонидан тўхтатилди. Ҳозирги пайтда бу бирлашмаларнинг тақдири ўз қўлларида.

2.3.30. Библиографик маълумотлар базалари

Интернетда жуда катта миқдордаги библиографик маълумотларнинг базалари тақдим қилинган. Уларнинг кутубхоналар электрон каталогларидан асосий фарқи шундаки, улар журнал ва тўпламлар мақолалари ва кам бўлсада газета мақолалари тўғрисидаги аналитик материалларга бой. Бундай базаларни яратиш ва сақлаб туриш жуда катта ҳаражатларни талаб қилади. Ривожланган Ғарб мамлакатларида библиографик маълумотлар базасини яратиш, юритиш бизнес соҳасига тегишли бўлиб, бу иш билан асосан ахборот компаниялари шуғулланади. Тармоқда ахборот маҳсулотлари билан йирик, машҳур ишлаб чиқарувчилар: Dialog, LEXIS/NEXIS, Factiva, InfoTrac, H.W.Wilson шуғулланади. Бу ресурслардан фойдаланиш - пуллик, агар Россия кутубхоналари бюджетини назарда тутадиган бўлсак, бу пуллик хизмат анча юқори баҳода. Шу билан бирга интернетда тақдим қилинаётган библиографик маълумотлар базалари - текин. Бу библиографик манбаларнинг кўпчилиги тижорат лойиҳаларининг ўзига хос маҳсулоти ҳисобланади. Бу, асосан, ҳужжатларни электрон шаклда етказиб бериш билан боғлиқ. Библиографик маълумотларни текин олган фойдаланувчи тўлиқ матнни олиш учун буюртма берганда пул тўлайди.

Ҳужжатларнинг тўлиқ матнига эга бўлиш баҳосига библиографик қисмни ҳам фаол даражада ушлаб туриш ҳаражатлари ҳам киритилган. Интернетда библиографик маълумотлар базасининг мавжудлиги илмий ишларнинг махсус молиялаштирилиши ҳисобига бўлади. Бундай базалардан бир нечаси ғарбдаги йирик академик институтлар томонидан яратилган.

Одатда улар жуда тор, аммо ўта долзарб мавзу бўйича яратилади ва мазкур соҳа билан шуғулланувчи олимларни ҳам жуда қизиқтиради.

2.3.31. Ingenta маълумотлар базаси

(<http://www.ingenta.com>)

Мазкур маълумотлар базаси жаҳондаги универсал характердаги библиографик маълумотлар базасидир. Унга инглиз тилидаги журналлар ва тўпламлардан маълумотлар киритилган. У 1988 йилдан бошлаб тўлдирила бошланган ва ҳозирги пайтда унда 15 миллиондан ортиқ ёзув мавжуд. Библиографик маълумотлар базаси UnCover лойиҳаси асосида ташкил қилинган бўлиб, унинг мақсади фойдаланувчиларга ҳужжатларнинг тўлиқ матнини етказиб бериш бўлган. Ҳужжатларни етказиб бериш факс орқали амалга оширилган.

UnCoverнинг тижоратдаги муваффақияти Колорадо илмий кутубхоналарининг биргаликдаги лойиҳаси сифатида бошланган бўлиб, мазкур хизмат вақт ўтиши билан номини ўзгартириб, мустақил хизматга айланди. Қидирув интерфейси жуда содда. Унга кириш учун биринчи саҳифадаги Search Options пунктига мурожаат қилинади. Қидирувни муаллиф, сарлавҳалар атамалари, калит сўзлар ёрдамида бажарса бўлади. Бул операторларидан AND, OR, NOT фойдаланиш, "*" орқали атамаларни қисқартириш ҳамда сўровни вақт оралиқлари бўйича чеклаш мумкин. Натижаларни берувчи тизимости ёзувларни кўриб чиқиш, Summary) белгилаш (Mark) ва релевант ҳужжатлар рўйхатини сақлаш (Marked list) имкониятларига эга. Натижаларни электрон почта орқали жўнатиш имконияти мавжуд.

2.3.32. ИНИОН маълумотлар базаси

(http://www.inion.ru/product/db_2.htm)

Мазкур маълумотлар базаси Россиядаги гуманитар ва ижтимоий фанлар бўйича энг йирик библиографик маълумотлар базаси ҳисобланади. Бу базада 2004 йилнинг бошларига қадар 2.5 миллион ёзув мавжуд эди. Ҳар йили 90 минг атрофида ёзувлар базага киритилиб турилади. Ҳар қандай тармоқ базаси киришга эга бўлиб, унинг ёнида ахборот массивининг ҳажми ва охириги маротаба янгиланиш санаси ҳам кўрсатилади. "Простой" ёки "Профессиональный"-қидирув интерфейси бир-биридан жуда кам фарқланади. Аммо жуда кўп ўзига хосликлар ва шартлар ёрдамчи файл билан аввалдан танишиб чиқиш талаб этилади.

Қидирувни сифатли олиб боришда ёрдамни қуйидаги адресдан олиш мумкин: http://194.67.188.12/Help_4.htm#BLDQUE.

Сўров тузиш қоидаларини пухта ўзлаштирган фойдаланувчилар учун кенг имкониятлар очади, чунки қидирув механизми қидирув фармойишини максимал аниқ бажариш имкониятини беради, сақланаётган маълумотлар ҳажми эса, натижаларнинг тўлиқлигини таъминлайди. ИНИОН да барча ҳужжатларни электрон шаклда етказиб беришнинг пуллик хизмати мавжуд.

2.3.33. "Гарант-Парк" даврий нашрлар маълумотлар базаси

(<http://is.park.ru/default.asp>)

Мазкур маълумотлар базасида Россиянинг 250 дан ортиқ марказий ва регионал газета ва журналларнинг тўлиқ матнли маълумотлари мавжуд. Бундан ташқари, унда кўплаб ахборот агентликларига тегишли бўлган маълумотлар бор. Улар орасида "Аргументы и факты", "Время МН", "Известия", "Коммерсант", "Московские новости", "Независимая газета", "Новая газета", "Финансовая газета" газеталари ва "Итоги", "Финансист", "Эксперт" журналлари мавжуд. Маълумотлар мазмуни ҳар куни янгиланиб турилади. Қидирув мақоланинг тўлиқ матни бўйича бажарилади, нашр чоп қилинган вақти бўйича вақт оралиғида чеклаш имконияти бор. Бир неча калит сўзлар киритилаётганда мантикий операторлардан фойдаланиш мумкин. Қидирув натижалари стандарт библиографик тасвирдан фарқ қилсада, хужжатни идентификация қилиш учун етарлидир. Баъзи бир ҳолларда мақолаларнинг тўлиқ матни ҳам тақдим қилиниши мумкин. Бундай ҳолда манба тўғрисида яшил рангли белги қўйилган бўлади. Барча мақолаларнинг тўлиқ матни ҳақ тўлаш эвазига тақдим қилинади.

Интернетда бир қатор инглиз тилидаги маълумотлар базалари мавжуд. Уларга юқори энергия физикаси муаммолари маълумотлари б базаси (<http://www.slac.stanford.edu/spires/hep>), сунъий интеллект масалалари бўйича маълумотлар базаси (<http://www.ai.univie.ac.at/biblio.html>) ва информатикага оид библиографик маълумотлар базаси (<http://iinwww.ira.uka.de/bibliography>) ни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундай маълумотлар базаларининг тўлиқ ва тўлдириб борилаётган рўйхатини «Русской справочной библиотеке» (<http://www.openweb.ru/stepanov/library.htm>) дан топиш мумкин.

2.3.34. Ўзбекистон кутубхоналарининг йиғма электрон каталоги

(www.acadlib.uzsci.net)

Ўзбекистон кутубхоналарининг йиғма электрон каталогини яратиш мақсадида ташкил қилинган консорциумга республикадаги энг йирик кутубхоналар аъзо бўлишган. Булар - Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Республика Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси, Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси, Тошкент Давлат техника университетининг асосий кутубхонаси, Инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича марказ кутубхонаси, Ахборот технологиялари университетининг кутубхонасидир. Бугунги кунда мазкур йиғма электрон каталог таркибида 200 000 дан ортиқ библиографик ёзувлар мавжуд. Республикада биринчи бўлиб кутубхоналарнинг библиографик ресурсларини тақсимланган йиғма электрон каталог шаклида ташкил қилиш имконияти яратилди. Мазкур йиғма электрон каталогга Ўзбекистоннинг «ВИРТУАЛЬНЫЙ СУПЕРМАРКЕТ ЗНАНИЙ» илмий-таълимий портали (<http://www.bilimdon.uz>) орқали ҳам кириш мумкин.

III БОБ. EBSCO МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ

3.1. EBSCOhost ўзи нима?

EBSCOhost – бу, тезкор интерактив библиографик маълумот берувчи тизим бўлиб, унга интернет орқали ёки тўғридан - тўғри уланиш мумкин. У жаҳондаги етакчи ахборот таъминотчилари томонидан яратилган тўлиқ матнли, барчанинг кириши мумкин бўлган, лицензияланган, турли кўринишдаги катта маълумотлар базасидан иборатдир. Ахборот ресурсларининг кенг камрови ўз ичига умумий библиографик тўпламлардан тортиб, оммавий, академик, тиббиёт ва ўқув юртлари кутубхоналари учун махсус яратилган предметли-ихтисослаштирилган маълумотлар базаларини олади.

EBSCO маълумотлар базасига ИНТЕРНЕТ орқали кириш учун <http://search.epnet.com> буйруғидан фойдаланиш керак.

3.2. Тизимий талаблар

EBSCOнинг барча имкониятларидан самарали фойдаланиш учун Internet Explorer 5.0, Netscape 4.7 ва ундан юқори браузерлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Java компилятори ўрнатилган бўлиши ва "Cookies" сақлаш имконияти талаб қилинади.

Илова: PDF форматли тўлиқ матнли файлларни кўриб чиқиш учун Adobe Acrobat программаси ўрнатилган бўлиши зарур.


3.3. Маълумотлар базасини танлаш

Битта маълумотлар базасида қидирувни бажариш учун:

1. Маълумотлар базасининг номига сичқонча билан чертинг, масалан **Academic Search Premier**. Қидирув деразаси пайдо бўлади.
2. Сиз қидирувнинг стандарт деразасида ишлашингиз мумкин ёки **Search Screen** пунктини босиш орқали бошқа деразадан фойдаланишингиз мумкин.

Бир неча маълумотлар базасидан фойдаланиш учун:

1. Сичқонча билан танланган маълумотлар базалари номларидан чапда турган байроқчаларга чертинг. **Continue** (кейингисига ўтиш) тугмасини босинг. Қидирув деразаси пайдо бўлади 3.1-расм.



3.1-расм.


2. Сиз қидирувнинг стандарт деразасида ишлашингиз мумкин ёки **Search Screen** пунктини босиш орқали бошқа деразадан фойдаланишингиз мумкин

Илова: Агарда сиз **Choose Databases** (маълумотлар базасини танлаш) деразасидан маълумотлар базасини танласангиз, керакли маълумотлар базаси номини сичқонча билан чертинг. Қидирув учун фақат танланган маълумотлар базаси юкланади. Фойдаланувчилар маълумотлар базаси бўйича ёрдамни қидирув деразасидан ёки натижалар рўйхатидан олишлари мумкин. Ҳар бир деразанинг юқори қисмидаги маълумотлар базасининг номи бу файлларнинг гипербоғланишларига эга. Танланган маълумотлар базаси деразасидаги **More Information** боғланишига сичқонча билан чертиш орқали аниқ бир маълумотлар базаси бўйича ёрдам олишингиз мумкин.

Маълумотлар базасини танлаш деразаси **Publication Authority** (Нашрлар кўрсаткичи) ни боғловчи **Title List** (Журналлар номлари рўйхати) боғланишга эга.

3.4. Утилитлар панелидан фойдаланиш

EBSCOhost - қидирув сеансининг ихтиёрий пайтида фойдаланиш мумкин бўлган функцияларни бошқариш имкониятига эга бўлган бошқарув элементлари панелига эга. Аммо қидирув бажарилаётган базага мувофиқ равишда функциялар сони ҳам ўзгариши мумкин 3.2-расм.



3.2.-расм.

Ҳар бир пункт ва тугма функцияси ушбу қўлланмада келтирилмоқда.

3.4.1. Бошқарув панели сервисидан фойдаланиш

- **New Search** (Янги қидирув) - янги кўрсатма бўлмаган ҳолда, қидирув деразасига қайтиш учун **New Search** тугмасини босинг.
- **View Folder** (Папкани кўриб чиқиш) - Папкага жойлаштирилган натижаларни кўриб чиқиш учун **View Folder** тугмасини босинг.
- **Preferences** (Созлаш) Натижаларни босиб чиқишда режимни ва форматни ўзгартирмоқчи бўлсангиз **Preferences** тугмасини босинг.
- **Help** (ёрдам) - бу тугма онлайнли қўлланмани очишда босилади.
- **Exit/Home Library** - мазкур индикатор сизнинг кутубхонангизга боғланиш ва логотип бўлмаганда пайдо бўлади. EBSCOhost тизимидан чиқиш учун **Exit** тугмасини босинг.
- **Home Library Graphic** - Кутубхонанинг ўз саҳифасига қайтиш учун кутубхонанинг логотипи ёки график символни босинг.

3.5. Базавий қидирув деразасидан фойдаланиш

3.5.1. Қидирув режими

Базавий қидирув деразасида 4 та иш режими мавжуд.

Илова: Қидирув режимлари администратор томонидан ўрнатилади ва унга эга бўлмаслик ҳам мумкин.

1. Стандарт қидирув (Standart Search);
2. Барча атамалар бўйича қидирув (All Words);
3. Аниқ жумла бўйича қидирув (Exact Phrase);
4. Ихтиёрий киритилган атамалар бўйича қидирув (Any Words).



Database: [Academic Search Premier](#)

Find:

Standard Search All Words Any Words Exact Phrase [Search Tips](#)

Стандарт қидирув (Standart Search):

Стандарт қидирув, мантиқий операторлардан фойдаланиш билан бирга, майдонлар кодларини ҳам ўз ичига олган ҳолда қисқартириш имконияти (*), алмаштирувчи белги (?) ва қўштирноқ ичидаги жумлани қидиришни назарда тутади. Барча қидирув натижалари тескари хронологик тартибда, энг сўнги хужжатдан бошлаб чиқарилади. Бул усулида қидириш кейинги бўлимда келтирилади.

Барча атамалар бўйича қидирув (All Words)

Барча атамалар бўйича қидирув режими, автоматик равишда бул операторини AND ҳар бир атамадан сўнг киритади. Барча натижалар тескари хронологик тартибда чиқарилади.

Аниқ жумла бўйича қидирув (Exact Phrase)

Аниқ жумла бўйича қидирув атамаларни киритилиш тартиби бўйича қидиради, бунда олд кўмакчилар, артиклар ва юкламалар қаралмайди. Бундай сўзларнинг мавжудлиги қидирувни секинлаштириб, натижаларнинг тўлиқлигига салбий таъсир кўрсатади. Барча натижалар тескари хронологик тартибда чиқарилади.


Ихтиёрий киритилган атамалар бўйича қидирув (Any Words):

Мазкур тартибда қидирув бажарилганда, сизнинг қидирув предметингизни тасвирловчи маълум бир жумла ёки гапни киритиш имкониятини беради. Мантиқий операторлар аниқланмайди.

Илова: Тўлиқ матн мавжуд бўлганда ҳам уни қидириш мумкин, бундай ҳолда натижаларга ўхшаш сўзлар қўшилади. Шунинг учун ҳам бундай тартибда қидирув бажарилганда кенгайтмалар йўқолади. Натижалар релевантик асосида жойлаштирилади.

3.5.2. Қидирув опциялари

Чекловчилар (Limiters) ва кенгайтувчилар (Expanders) қидирувни торайтириши ёки кенгайтириши мумкин.



The screenshot shows a search interface with two main sections: 'Limit your results' and 'Expand your search to'. The 'Limit your results' section includes checkboxes for 'Full Text' and 'Scholarly (Peer Reviewed) Journals', a 'Publication' text input field, and a 'Published Date' section with dropdown menus for 'Month' and 'Yr' followed by 'to' and another set of 'Month' and 'Yr' dropdowns. The 'Expand your search to' section includes checkboxes for 'Also search within the full text of the articles' and 'Also search for related words'. Both sections have 'Limiters' and 'Expanders' links and a 'Clear' button.

Limiters (чекловчилар): Чекловчиларнинг иш қобилиятлари бир маълумотлар базасидан бошқасига ўтганда ўзгариши мумкин. Чекловчиларга мисоллар: **Full Text** (Тўлиқ матн), **Scholarly (Peer Reviewed) Journals** (Илмий (Таҳрир қилинадиган) журналлар); **Publication** (нашрлар); **Date Published** (Эълон қилинган вақт).

Агарда сиз юқорида келтирилган чеклашлардан бирини танласангиз, сизнинг қидирувингиз тораяди. Масалан, агар сиз **Election 2000** ни қидираётган бўлсангиз ва **Full Text** параметрни ишга туширсангиз, қидирув натижалари рўйхати фақат тўлиқ матнли мақолаларни беради.

Expanders (кенгайтувчилар): кенгайтувчиларнинг иш қобилиятлари бир маълумотлар базасидан бошқасига ўтганда ўзгариши мумкин. Кенгайтувчиларга мисоллар: **Also search within the full text of the articles** (қидирув мақолаларнинг бутун матнларини қамраб олади), **Also search for related words** (қидирув барча қардош сўзларни қамраб олади).

Агарда сиз, " **Also search within the full text of the articles** " ни танласангиз, бундай ҳолда сизнинг қидирувингиз, фақат библиографик тасвирни қидирувдан бошлаб, бутун матн бўйича қидирувни қамраб олади. Масалан, агарда "**education reform**" қидируви берилган бўлса, қидирув натижалари ўз ичига шундай ҳужжатларни оладики, улар мазкур сўз бирикмаларига эга бўлган тўлиқ матнли мақолалардан иборат бўлади.

Агарда сиз "**Also search for related words**" ни танласангиз, сизнинг қидирувингиз қидирув тизими луғатларидаги атамаларни ўз ичига олиш ҳисобига кенгаяди. Масалан, **stomach** ни қидирганда, қидирувга **abdomen** жалб қилинади. Қидирув жараёнида бир қатор усулларда фойдаланиш мумкин. Масалан, **Wildcard** (Алмаштирувчи белги), **Truncation** (қисқартириш) ва **Proximity Searching** (Масофали қидирув). Бу усуллар қуйида кўриб чиқилади.

3.5.3. Орфографияни назорат қилиш

Қидирув жараёнида тизим автоматик равишда йўл қўйилган хатоларни тўғрилашга ҳаракат қилади ва бир неча альтернатив вариантлар таклиф қилади.



The screenshot shows a search interface for 'Academic Search Premier'. The search term 'recieve' is entered in the search box, and the results show 'No results were found for your search query.' Below this, there are suggestions for alternative spellings: 'receive', 'relieve', 'relieved', 'reliever', and 'relieves'. The interface also includes search options like 'Standard Search', 'All Words', 'Any Words', and 'Exact Phrase', along with a 'Search Tips' link and a folder icon indicating 'Folder has 0 item(s)'.

3.5.4. Қидирув усуллари

Булнинг мантикий операторлари (**AND**, **OR**, **NOT**) қидирув жараёнида атамалар орасидаги мантикий муносабатларни аниқлайди. Қидирувда бундай операторларни қўллаш жуда кенгайтирилган ёки жуда аниқ сўровлар тузишга имкон беради.

- **AND** - (ва) оператори қидирув атамаларини шундай равишда бирлаштирадики, қидирувнинг ҳар бир натижаси берилган барча атамаларни ўз ичига олади. Масалан, **travel AND Europe** сўрови иккала атама ҳам қатнашган ҳужжатларни танлайди
- **OR**- (ёки) оператори қидирув атамаларини шундай танлашга имкон берадики, натижаларда берилган атамалардан фақат бири қатнашади. Масалан, **college OR university** сўрови натижасида **college** ёки **university** атамалари қатнашган ҳужжатлар топилади. Бундай сўров натижасида ҳар иккала атама қатнашган ҳужжатлар қаралмайди.
- **NOT**- инкор қилиш оператори. Бундай оператор иштирокида сўров бажарилганда топилган ҳужжатлар ичида оператордан кейин кўрсатилган атамалар бўлмайди. Масалан, **television NOT cable** сўрови бажарилганда топилган ҳужжатлар ичида **television** атамаси қатнашади **cable** атамаси қатнашмайди.

Илова: Қидирув **Exact Phrase** ва **Any Words** режимида бажарилганда Бул операторлардан фойдаланиб бўлмайди.

- **Алмаштирувчи белгиси (?) ва қисқартириш белгиси (*)**

Бирор-бир атама ёки сўз ёрдамида сўров бажарилганда атама ёки сўзнинг таркибидаги бирор - бир ҳарф аниқ бўлмаслиги ёки охириги ҳарфлар

ноаниқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолда қидирувни бажариш учун ноаниқ ҳарфни ёки атаманинг сўнги ҳарфларини альтернатив тарзда излаш учун "номаълум ҳарф ўрнига" уни алмаштирувчи белги (?) ёки қисқартириш белгисини (*) қўйиб қидиришни бажариш мумкин.

Илова: Алмаштирилувчи ва қисқартирилувчи белгилар сифатида қидирилаётган атамаларнинг биринчи ҳарфидан фойдаланиш мумкин эмас.

- Номаълум ҳарф ўрнига сўроқ белгиси (?) қўйилади. Бу белгини қўллаш учун қидирув атамасини киритиш ва ҳар бир номаълум ҳарф ўрнига "?" белгисини қўйиш лозим бўлади. Қидирув тизими мазкур ҳарфли бирикманинг турли вариантларини қидириб топади ва бундай ҳолда "?" белгиси ўрнига турли ҳарфларни қўйиб қидирув бажаради. Масалан, қидирув атамаси сифатида **ne?t атамасини** олсак, қидирув тизими қуйидаги атамаларни бериши мумкин: **neat, nest, next**. Аммо натижа сифатида **net** атамасини бермайди, чунки бу ерда бир ҳарф "?" белгиси билан алмаштирилган.
- Қисқартириш (*) белгиси билан ифодаланади. Қисқартиришни қўллаш учун қидирув атамасининг асосини ёзиб, унинг қўшимчаси ўрнига "*" белгисини ёзамиз. Қидирув тизими асоси бир хил, аммо қўшимчаси турлича бўлган атамаларни излайди. Масалан, қидирув атамаси сифатида **comput*** берилганда тизим қуйидаги атамаларни излайди: **computer computing**.

Илова: Қисқартириш ва алмаштириш белгилари қидирувнинг **Exact Phrase** ва **Ane Words** режимларида ишламайди.


3.5.5. Масофали қидирув (Proximity Search)

Бу шундай қидирув усулики, бунда қидирилаётган матндаги икки ёки ундан ортиқ атамалар орасидаги сўзлар сони аввалдан берилган сонга тенг (ёки ундан кичик) бўлади. Қидирув оператори **N** ва **W** ҳарфларидан ва (атамалар орасидаги сўзлар сонини аниқловчи) сондан иборат бўлади. У қидирув сўзлари орасида қуйидагича жойлашади:





- **Near (N)** - **N5** оператори шундай ҳужжатларни излаб топадики, бундай ҳужжатлардаги матнларда қидирилаётган атамалар орасидаги масофада 5 та сўз (ёки ундан кам) жойлашган бўлади. Бундай ҳолда атамаларнинг гаптаги жойлашган ўрни роль ўйнамайди. Масалан, **tax N5 reform** сўрови қуйидаги натижаларни бериши мумкин: **tax reform**, ва **reform of income tax**.
- **Within (W)** - **W8** оператори шундай ҳужжатларни излашга мўлжалланганки, бунда киритилиш тартибида бир-биридин 8 та сўз масофасида жойлашган атамалардан иборат ҳужжатларни излайди. Масалан, **tax W8 reform** сўрови, **tax reform** атамаси қатнашган ҳужжатларни топади аммо, **reform of income tax** атамалари қатнашган ҳужжатларни қарамайди.


Илова: Бу усул **Any Words** режимида ишламайди.

3.6. Натижалар рўйхатининг хоссалари (Result List)

- Натижалар рўйхатида қидирув бажарилган барча қидирув атамалари ва базалар акс этади.
- Йўналтирувчи кўрсаткичлар кейинги ёки аввалги натижага ўтишни кўрсатиб туради. Номерлар эса, аниқ бир саҳифага ўтишни таъминлайди.
-  **PDF Full Text** оператори экранга график тасвирларни **PDF** форматда чиқаришни таъминлайди.

Илова: **PDF** форматли тасвирларни кўрмоқчи бўлган фойдаланувчи **Acrobat Reader** (<http://www.adobe.com/acrobat>) дастурининг охириги вариантыни ўрнатиши лозим.

-  **Full Text** оператори изланаётган ҳужжатнинг тўлиқ матни мавжудлигини кўрсатади. Агар сизга ҳужжатнинг тўлиқ матни керак бўлса, бу пиктограммага сичқонча билан чертинг.
-  Бу ердаги камера белгиси ҳужжатнинг тўлиқ матнида тасвирлар ҳам борлигини кўрсатади. Бу тасвирлар рангли ва оқ-қора фотосуратлар, графиклар, диаграммалар ва чизмалар бўлиши мумкин.
-  **Linked Full Text** - ҳужжатнинг тўлиқ матнига боғланишни кўрсатади, агарда шундай манба мавжуд бўлса. Масалан, **EBSCOhost** маълумотлар базаси **EJS** ва **CrossRef** базаларига боғланиши мумкин.
-  **Add** оператори қидирув натижаларини шахсий папкага (**Folder**) жойлаштириш имкониятини беради. Бу папка бажарадиган функциялар ҳақидаги тўлиқ ахборотларни мазкур қўлланмадаги **Folder Functionality** бўлимидан олиш мумкин.



Standard, **All Words** ва **Exact Phrase** қидирув режимлари қидирув натижаларини тескари хронологик тартибда беради ва натижаларнинг умумий сонини кўрсатади.

All Words қидируви энг кўпи билан 250 натижани бериши мумкин ва уларнинг релевантлиги тартибида (сўровга мослик даражаси) саралайди, сўровга энг кўп мос келган натижани биринчи бўлиб жойлаштиради. Натижаларнинг умумий сони кўрсатувчи кўрсаткичларга (чапга ёки ўнгга) сичқонча билан чертиб, кейинги ёки аввалги натижалар жойлашган саҳифага ўтиш мумкин (Масалан, **I to 10 of 64**).

3.6.1. Манбанинг типига кўра қидириш учун мўлжалланган натижалар рўйхатининг хоссаси



Баъзи бир маълумотлар базаларида барча натижаларни акс эттириш билан бир қаторда, ҳужжатларнинг типига кўра танлаш имконияти мавжуд. Бундай ҳужжатларнинг типлари **All Results** сўзидан ўнгда акс этади. Унга сичқонча билан чертиш бундай типдаги ҳужжатларни акс этишига олиб келади.

Илова: **All Results** опцияси баъзи бир типдаги ҳужжатларни қамраб олмайди, масалан, тасвирлар ва ташкилотларнинг номларини.

3.6.2. Тўлиқ библиографик тавсиф хоссаси



- **Delivery Options** -жорий ҳужжатни босиб чиқариш, электрон почта орқали жўнатиш ёки сақлаш имконини беради;
- **Result List** -натижалар рўйхатига қўшиб юбориш;
- **Refine Search** -бошланғич қидирув сўровига қўшимча параметрларни киритиш имконини беради;
- **Arrows** -ҳужжат номери ёнидаги иккилик кўрсаткич, кейинги ёки аввалги натижага ўтишни таъминлайди;
- **Formats** (форматлар) -берилган тавсиф бўйича ҳужжатларни турли форматларда кўриш имконини беради. Масалан, **PDF** ёки **Full Text**;
- **Title** -ҳужжат номини кўрсатади;

- **Subject(s)** - Изланаётган мақола билан мавзу бўйича боғланган, АҚШ конгресси кутубхонаси предмет рубрикалари сарлавҳалари рўйхатини ифодалайди;
- **Source** -мақолани эълон қилган журнал номини, вақтини ва томни кўрсатади. Манбага боғланишни танласангиз, мазкур мақолага тегишли барча ахборотларни олишингиз мумкин. Томга боғлансангиз аниқ бир журналнинг ихтиёрий мақоласига киришингиз мумкин бўлади;
- **Authors(S)**-муаллифлар номи гиперматнли боғланиш шаклида ифодаланади;
- **Abstract** -мақолаларнинг рефератларини кўрсатади;
- **Full Text Word Count** -мазкур мақоладаги тўлиқ матндаги сўзлар сонини кўрсатади;
- **AN** - аниқ бир мақолани идентификация қилиш учун ички каталог номерини билдиради;
- **Database** - мақоланинг қайси маълумотлар базасидан олинганлигини кўрсатади.

3.6.3. Тўлиқ матнли HTML-формат хоссаси

Title: *BIGGER, BETTER, MORE BEAUTIFUL*, By: Gelemerter, David, National Review, 00280038, 6/3/2002, Vol. 54, Issue 10
Database: *Academic Search Premier*

Section: COVER STORY

BIGGER, BETTER, MORE BEAUTIFUL

The next World Trade Center

Contents	
AN UNDISCOVERED COUNTRY	We need to replace the World Trade Center towers with something bigger, better, and more beautiful. Some people are nervous (some people are always nervous) -- in the age of terrorism, they say, a Manhattan skyscraper is a mere gross provocation, and dangerous. It is a raised fist or middle finger directed at the sulking sultans and all their violent, misfit friends, the creatures who danced in the streets when the towers fell. A new WTC skyscraper is bound to be attacked again, they figure, and will again prove hard to evacuate. So we should lower our sights.
SHAPING UP	
THE POWER OF MIND	

These same people would probably have argued in December 1941 that it would be foolish for the U.S. to risk replacing her Pacific fleet, because navies are a provocation and are always getting into wars. But no American in December '41 was willing for Japanese warlords to shape the U.S. military. Few Americans today are willing for al-Qaeda warlords to shape the Manhattan skyline. Not to replace the WTC with a bigger and better WTC would be dishonorable and, ultimately, cowardly.


- **Contents**-баъзи бир мақолалар абзацларда сарлавҳалар билан берилган бўлади, бу боғланишларга чертиш сизни мақоланинг ўша қисмига олиб ўтади;
- **Delivery Options** -жорий натижани босиб чиқаради, электрон почта орқали жўнатади ёки сақлаб қўяди;
- **Result List** -қидирув натижаларини сақлайди;
- **Refine Search** -параметрлар қўшиш ёрдамида қидирувни аниқлаштиради;

- **Arrows**-ҳужжат номери ёнидаги кўрсаткичлар, аввалги ёки кейинги саҳифаларга ўтишни таъминлайди;
- **Formats**- (форматлар) -берилган тавсиф бўйича ҳужжатларни турли форматларда кўриш имконини беради. Масалан, **PDF** ёки **Full Text**;
- **Language Translation** -тўлиқ матнни испан, немис ёки француз тилларидан бирига таржима қилиш имкониятини беради.

3.7. Папканинг функционал имкониятлари

EBSCOhost турли қидирув натижаларини бир жойга йиғиб уларни виртуал папкага жойлаштириш ва сақлаш, босиб чиқиш, электрон почта орқали жўнатиб юбориш имкониятларига эга. Папкани тўлдириш учун танланган натижадан ўнгда жойлашган **Add** (қўшиб қўйиш) папка пиктограммасини чертиш кифоя;

View Folder (папкани кўриб чиқиш) ёки **Folder has X items** (Папкада X та ҳужжатлар) боғланишларга чертиш орқали **EBSCOhost** тизимида сақланган натижаларни кўриб чиқиш мумкин.



Delivere Options (ҳужжатларнинг чиқиш формалари вариантлари)

EBSCOhost тизимидан фойдаланувчилар ўзлари қизикқан соҳа бўйича қидирув бажаришлари мумкин, сўнгра натижаларни босиб чиқаришлари, электрон почта орқали жўнатишлари ёки сақлаб қўйишлари мумкин. Бу функциялар бир қатор қўшимча опцияларни таклиф қилади. Фойдаланувчи бу операциялардан бирини танлар экан, қуйидаги опциялар пайдо бўлади:

Empty folder after printing, e-mailing or saving (босиб чиқарилгандан сўнг папкани тозаланг, жўнатиш ёки ёзиб қўйиш) **Articles** орқали кирилади. Агарда бундай функция танланмаган бўлса, барча танланган ҳужжатлар папкада бутун қидирув сессияси давомида қолади. Бу опция ишга туширилгач, босиб чиқариш, жўнатиш ёки ёзиш операциялари тугагач барча ҳужжатлар жорий папкадан ўчириб юборилади.

Print Options (босиб чиқариш опциялари).

Фойдаланувчиларга **Articles** даги **Additional citation details and abstract** функцияси таниш. Бу функциянинг ишга туширилиши мақола ва унинг реферати, ҳақидаги тўлиқ ахборотларни босиб чиқаришни таъминлайди. Бу

боғланишни ўчириб қўйиш фақатгина ҳужжатнинг қисқа тавсифини (рефератсиз) босиб чиқариш имконини беради. Фойдаланувчилар мақоланинг тўлиқ матнини (агар у бўлса) босиб чиқармоқчи бўлишса, **Full Text (When available)** опциясини танлаш лозим. **Estimated number of pages** (саҳифалар сонини ҳисоблаш) опцияси босиб чиқариладиган саҳифалар сонини тахминан кўрсатади.

E-mail Options (электрон почта орқали жўнатиш опциялари)

Фойдаланувчиларга **Articles** даги **Additional citation details and abstract** функцияси таниш. Бу опциянинг ишга туширилиши, мақола ва унинг реферати ҳақидаги тўлиқ ахборотларни электрон почта орқали жўнатиш имкониятини яратади. Бу опцияни ўчириб қўйиш ҳужжатнинг қисқа тавсифини (рефератсиз) жўнатиш имкониятини беради ва ниҳоят, фойдаланувчилар ҳужжатнинг тўлиқ матнини (агар у бўлса) жўнатишлари мумкин. Бунинг учун **Full Text (When available)** боғланишини фаоллаштириш лозим. Худди шундай усулда мақоланинг гиперматнли боғланиши ёки бошланғич қидирувга ва яна **PDF** файлли мақола матнини жўнатиш мумкин. Бу опцияларга кириш учун сичқонча билан боғланишга чертиш кифоя.

Save Options (сақлаш опциялари)

Фойдаланувчиларга **Articles** даги **Additional citation details and abstract** функцияси таниш. Бу опциянинг ишга туширилиши, мақола ва унинг реферати ҳақидаги тўлиқ ахборотларни сақлаш имкониятини яратади. Унинг ўчирилиб қўйилиши ҳужжат ҳақидаги қисқа тавсифни (рефератсиз) сақлаш имконини беради. У ўз ичига мақола сарлавҳасини, нашр номи ва томни олади. Ва ниҳоят фойдаланувчилар сақлаш операцияси таркибига мақоланинг тўлиқ матнини қўшишлари мумкин (агарда у бўлса). Бу операцияни бажариш учун **Full Text (When available)** опциясини фаоллаштириш лозим.

3.8. Кенгайтирилган қидирув деразасидан фойдаланиш

Фойдаланувчиларга учта қидирув деразасини таклиф қилинади: **Advanced with a Single Find Field** (кенгайтирилган қидирув фақат сўров қатори билан); **Advanced with a Single Find Field and Search builder** (кенгайтирилган қидирув сўров қатори ва қидирув конструктори билан); **Advanced with Guided Style Find Field** (майдонларни бошқарувчи кенгайтирилган қидирув).


Кенгайтирилган қидирувнинг бу уч деразалари кенгайтирилган қидирувнинг қуйидаги опцияларни ўз ичига олади:

- **Limiters** (чекловчилар): маълумотлар базасининг типига қараб белгиланади. Чекловчиларга мисоллар: **Full text** (тўлиқ матн), **Scholarly (Peer Reviewed) Journals** (Таҳрир қилинадиган илмий журналлар): **Publication and Date Published** (нашр ва эълон қилинган вақт).
- **Expanders** (кенгайтирувчилар) (маълумотлар базасига қараб белгиланади). Кенгайтирилган қидирувга мисоллар: **Also search for related words** (қардош сўзларни ҳам ўз ичига олган қидирув); **Also search**

within the full text of the articles (мақоладаги матнни бутунлай ўз ичига олувчи қидирув).

- **Махсус чекловчилар:** (аниқ бир маълумотлар учун ўринли).

Advanced Search: Single Find Field (Кенгайтирилган қидирув: фақат сўров қатори).




Қидирувни бажариш учун:

1. Қидирув деразасидаги **Advanced Search** ни босинг;
2. **Find** дан ўнгда жойлашган майдонга очкич сўзларни киритинг;
3. **Search Options** дан фойдаланиб чекловчилар ёки кенгайтирувчиларни қўлланг;
4. **Search** тугмасини босинг.

Бундай тартибда қидирув бажарганда, атамалар комбинациясидан ва мантикий операторлардан фойдаланишингиз мумкин. Масалан, **natural selection AND Darwin** ни киритинг.

Advanced Search: Single Find Field and Search builder (Кенгайтирилган қидирув: сўров қатори ва қидирув конструктори).



Advanced Search: Find Field and Search builder мазкур қидирув режими сўзлар, қидирув майдонлари ва мантикий операторлар ёрдамида қидирув қаторидаги матннинг қандайдир бўлагини бирлаштириш имконини беради.

Илова: агарда сўров қаторида матн бўлмаса, мантикий операторлар инкор қилинади.

Ҳар сафар **Add to search** (қидирувга қўшиб қўйиш) опцияси танланганда янги ифодалар қавслар ичига олинади.

"Advanced Search: Find Field and Search builder" деразасида қидирув бажариш учун қуйидагилар бажарилади:

1. Қаторга киритинг: **natural selection OR evolution;**
2. **Term(s)** майдонига **darwin** киритинг;
3. Мантикий оператор сифатида **AND** ни танланг;
4. **Add to Search** тугмасини босинг.

Бажарилган операциялар сўровни қуйидагича ташкил қилади: (natural selection OR evolution) and (darwin).

Advanced Search: Guided Style Find Field (кенгайтирилган қидирув: қидирув майдонларини бошқарув).

Database: **MasterFILE Premier**

Find

and in

and in

Бундай усулда қидирув бажариш, сўров мураккаб ва махсус бўлганда майдонларни тўлдиришда қўлланилади.

Guided Style Find Fields- деразасида қидирувни бажариш учун:

1. **Find** майдонига очқич сўзни киритинг;
2. Кейинги атамалар билан боғлиқликни ўрнатиш учун мантиқий операторни танланг;
3. Кейинги очқич сўзларни матнли майдонга киритинг;
4. Очилувчи менюдан фойдаланиб қидирув учун майдонни беринг;
5. **Search** тугмасини босинг

Guided Style Find Field деразасида ишлаш бир қатордаги бир неча атамалар комбинациясини ҳосил қилиш имконини беради. Масалан, **car or automobile** сўрови, **car** сўзи ёки **automobile** сўзи иштирокидаги натижани беради.

Search History (қидирув тарихи)

Advanced Search деразасида ишлаш орқали топилган натижаларни сақлаш, тиклаш ва қидирувдан қайта фойдаланиш мумкин. **Search History** опцияси орқали бажарилган барча қидирувларни кўриб чиқиш мумкин. Бажарилган қидирув опцияларидан фойдаланган ҳолда янгиларини тузиш мумкин.

Search History						
Add to Search	Search ID #	Search Terms	Limiters	Results	Revise Search	Delete
<input type="checkbox"/>	S4	((library) and (resources))	Full Text	3127	Revise	<input type="button" value="Delete"/>
<input type="checkbox"/>	S3	(library) and (resources)		4728	Revise	<input type="button" value="Delete"/>
<input type="checkbox"/>	S2	resources		76336	Revise	<input type="button" value="Delete"/>
<input type="checkbox"/>	S1	library		62265	Revise	<input type="button" value="Delete"/>

Search History қуйидаги графалардан иборат:

Add to Search–янги қидирувга қўшмоқчи бўлган қидирув рўпарасидаги байроқчага чертинг.

Search ID# - мазкур графа ўтказилган қидирувларга номерлар беради. Ўтказилган ҳар бир қидирув ўз номери билан ҳисобга олинади. Сиз бу графадан қидирув перефекси (S) ва қидирув деразасидаги номерни (масалан, S1) бериб қидирувни танлашингиз мумкин. Перефекс барча ҳоллар учун бир хил берилади.

Search Terms-Бу графа майдонлар кодлари ва қидирувда иштирок этувчи мантиқий операторларни ҳам ўз ичига олиб, қидирув қаторига киритиш тартиби сақланган ҳолдаги қидирув атамаларидан иборатдир.

Limiters-бу графа қидирувда қўлланилган чеклашларни белгилайди.

Results-бу графа натижалар сонини кўрсатади. Кўрсатилган сонга сичқонча билан чертсак, натижалар рўйхати экранда акс этади. Натижасиз кидирувлар ҳам кидирув тарихига киритилади ва бу графада у 0 билан белгиланади.

Revise Search-мазкур графа кидирувни тахрир қилиш имконияти мавжудлиги ҳақидаги ахборотларни акс эттиради. **Revise** сўзига чертсак кидирув қаторидаги кидирув сўровини кўрсатади. Сўров қўлда атамаларни ўзгартириш, майдон кодларини киритиш ва чеклашларни қўшиш орқали тахрир қилинади.

Delete - кидирув қаторини ўчириш учун **Delete** тугмаси босилади.

